Ножи идентичные по форме и отделке, но разного размера лезвий. Рукоятки одинаковые по размеру (по длине), но по диаметру (толщине) разные. Маленький нож с белой тонкой рукояткой.

Ножи до блеска отшлифованы, поверхность лезвий обрабатывалась серебряным купоросом.

Размеры ножей: 27,2 см

23,2 см

Длина лезвий: 17 см

13 см.

Длина рукоятки: 10,2 см

Бухара, 2016 г.

Мастер И. Гуламов

6. Ножи парные

6. Ножи парные, кирралик – граненные. Ножи с ручкой из слоновой кости и дерева. Ножи в форме ивовых листьев. Сталь, бронза, серебро, полудрагоценные камни бирюза. Ковка, гравировка, инкрустация, чеканка, шлифовка. Рукоятки-ручки даста ножей из белого цвета слоновой кости и темно-коричневого цвета дерева груши.

Ручки с изогнутыми кончиками и гравированными «гулдастой» «гулбандом». Между костяной и деревянной ручкой и «гулбандом» серебряные кольца с инкрустацией из бирюзы и заренью.

При создании национальных ножей большое значение имеет искусство мастера делать сам клинок. В первую очередь необходимо сделать его быстро и качественно, украсить красивыми печатями «тамга».

В процессе изготовления ножей клинку от обуха до лезвия придавалась конусообразная форма, сталь постепенно утончалась от обуховой части (более толстой) к лезвию (более тонкому). Для этого сталь разогревалась до 850 – 950° С, пока не приобретала цвет самана. Режущая часть ножа или же заточенная кромка называется лезвием, тупая кромка клинка – обухом, верхняя часть – полотном.

Красивые гравированные узоры лезвий ножей придают красивый эстетический вид предмету. Сталь до блеска шлифуется и закрепляется бесцветным лаком. Этот метод не дает стали ржаветь.

Ножи мастера И. Гуламова – одновременно и практичны и очень красивы. Высокохудожественные и добротные подарочные ножи могут служить прекрасным памятным сувениром. Данные ножи носят выставочное, музейное значение.

Размеры: длина 28,6 см

Ширина 3,1 см

Длина лезвия 19 см

Длина рукоятки 9,6 см.

Бухара, 2015 г.

Мастер И. Гуламов

7. Комплект национального оружия.

Миллий куроллар мажмуи – Комплект национального оружия – меч «килич». Сталь, серебро, рога, мельхиор, кожа, бронза, позолота. Ковка, штамповка, гравировка, теснение.

Сабли – парные с ножнами из кожи. Форма кавказская, дугообразная. Лезвия стальные, кованые, покрыты полудой и гравировкой. Ручки из рогов архара коричнево-серого цвета. «Гулбанд» из латунных пластин. Рукоятка заканчивается бронзовыми вставкам круглой формы.

Кожаные ножны темно-коричневого цвета украшены фигурными тесненными металлическими – мельхиоровыми пластинами – медальонами.

Сабля и ножны соединены между собой серебряными цепочками.

Данное национальное оружие имеет сувенирно-подарочный характер.

Размеры: длина 65,5 см

ширина 4,6 см

Длина лезвий 51 см

Длина рукоятки 14,5 см

Бухара, 2014 г.

Мастер И. Гуламов

8. Комплект национальных ножей и кинжал «тройка».

Сталь, бронза, дерево, алюминий, медный купорос. Ковка, гравировка, шлифовка, опыление. Футляр из дерева и бархата зелёного цвета. Парные ножи кавказской формы с дугообразным лезвием рукояткой. Кинжал прямой формы. Лезвия украшены растительным узором в технике гравировки. Гулбанд, середина рукоятки и ее окончание из бронзовых вставок в виде трилистника. Ручки - две деревянные части, закреплённые алюминиевыми заклёпками в технике «ёрма» - разделенные на две части.

Дерево темно-коричневого цвета - груша.

Лезвия опыленные медным купоросом. Гравировка рельефной формы. Узор растительный - цветочный.

Размеры ножей: длина 31,4 см
кинжал: длина 29,4 см

Ширина 3,4 см

Длина лезвий 16,4 см

Длина рукоятки 15 см

Бухара, 2014 г.

Мастер: И. Гуламов

9. Комплект национальных ножей «тройка» с футляром

Металл, сталь, бронза, дерево, оленьи рога, кожа, бархат. Гравировка, ковка.

Комплект состоит из трех предметов: нож «тугри пичою» - прямое лезвие и два раскладных (складных) ножа «чокки».

Нож прямой формы, чокки с изогнутыми клинками - «кайки тигию». Рукоять ножа деревянная из коричневого дерева - груши - закреплёнными с помощью алюминиевых заклёпок. «Гулбанд» и окончание рукоятки с бронзовыми вставками. Лезвия гравированы растительным узором, опылены медным купоросом.

«Чокки» - складные ножи с острыми лезвиями. Ручки из оленьего рога изогнутой формы.

Рукоятки в технике «ерма», т.е. разделенные на две части с одной стороны для того чтобы когда ножи складываются - лезвия зашли во внутрь ручки. Рукоятка и лезвия соединены «гулбандом» из бронзы.

Комплект ножей подарочно-сувенирный. Футляр четырехугольный из фанеры, покрыт снаружи кожей, изнутри бархатом синего цвета. Закрывается замком.

Размеры ножа: длина 25,6 см

ширина 3 см

Длина чокки 22,6 см

ширина 1,6 см

Бухара, 2014 г. И. Гуламов

10. Комплект ножей «Чокки» - тройка.

Комплект из трех раскладных ножей с парными ручками. Сталь, бронза, дерево. Ковка, гравировка, позолота, опыление медным купоросом.

Форма ножей нетрадиционная, прямая «тугри пичою» - прямое лезвие с парными деревянными ручками, соединенными между собой замочком на конце ручки. Когда закрывается ручка, лезвия заходят во внутрь ручек и замочек закрывается, таким образом «чокки» - ножик становится карманным. А когда открывается лезвие, ручки складываются между собой и соединяются замочком и становятся единой рукояткой «даста». Лезвия острые, гравированные, покрытые медным купоросом. Деревянные рукоятки с двух сторон имеют бронзовые вставки, которые закреплёны лезвием отдельно. Когда ножик закрывается, парные ручки разделяются между собой и с двух сторон закрывают лезвие. Ручки покрыты деревянными пластинами коричневого цвета.

Ножи разного размера, они составляют комплект национальных ножей.

Бронзовые вставки покрыты позолотой.

Комплект имеет практический и подарочный характер (значение).

Размеры: длина: 30,1 см

24,6 см

20,8 см

Ширина: 1,8 см

1,6 см

1,4 см

Бухара, 2015 г.

И. Гуламов

11. Килич-сабля.

Национальное оружие. Сталь, бронза, кость, мельхиор, серебро, кожа. Ковка, литьё, чеканка, гравировка.

Сабля с кожаными ножнами. Форма сабли традиционная прямая - «тугри килич» - прямое лезвие

Острое лезвие покрыто серебром. Рукоятка из темной кости. «Гулбанд» рогаобразной формы из бронзы, с согнутыми концами против друг друга. В конце ручки бронзовая вставка в виде кольцообразного отверстия. Ножны сабли повторяют форму лезвия, выполнены из кожи темно-коричневого цвета. В трех местах металлические вставки - пластинки с гравированным узором. Верхняя и средняя вставка покрыты соединены между собой серебряной цепочкой. Кожа покрыта волнообразным тисненным узором. Медные пластинки с лицевой стороны имеют орнамент - круглые серебряные медаллоны.

Сабля имеет художественный, выставочный, подарочный, сувенирный характер.

Размер: длина сабли 75,4 см
 ширина лезвия 4,6 см

Длина ножен 57,2 см

Ширина ножен 5,2 см

Бухара, 2014 г.

И. Гуламов

12. Комплект ножниц «четверка»

Кайчи гуль бури - ножницы для мастериц золотого шитья. Комплект ножниц «великолепная четверка». Сталь, ковка, чеканка, гравировка, позолота.

Форма ножниц в виде птиц «урдом бурун» - носил утки. Особое место в ряду изделий мастера занимают ножницы в форме птиц. Эти ножницы были созданы для работы мастеров-золотошвей, вырезавших из картона лекало для цветных узоров. Впервые такие ножницы в форме аиста сделал в 1957 году Усто Шариф Камалов, отец Шокира Камалова, который в свою очередь, является наставником Икромжона Гуламова. Шокир Камалов усовершенствовал эту форму, стал делать ее различные вариации. Появились такие варианты как «булбул кайчи» (ножницы – соловей), «чумчук чундак кайчи» (птичка ножницы), «лайлак тумшую» (ножницы клюв аиста). Икромжон Гуламов, получив должные знания у своих учителей Шокира камалова и Шавкиддина Камалова, создал свои ножницы – с более строгими линиями, более легкие и чуть попроще. И. Гуламов начал добавлять в украшение ножниц чеканку, местами позолоту, и этот творческий эксперимент даст ему возможность по-своему трактовать птичий мир своих наставников. В данном комплекте из 4 ножниц, каждые ножницы имеют свой облик, свой неповторимый вид и изображение. На самом деле кузнец каждый раз повторяя один и тот же предмет создает совершенно новый образ. Это и видно на примере «четверки» мастера И.Гуламова.

Размеры: длина 16,2 см

15,1 см

17,3 см

16,5 см

Ширина: от 5 до 7 см

Бухара, 2015 г.

Мастер И. Гуламов

12. Комплект ножниц «тройка»

Кайчи гуль бури – ножницы для мастериц золотого шитья. Комплект ножниц «Тройка». Сталь, ковка, чеканка, гравировка, позолота, заклепка.

Форма ножниц в виде птиц «Урдак бурун» - клюв уток. Лезвия в виде треугольника с острым носиком состоят из двух одинаковых по форме частей, которые между собой закреплены в середине ножниц.

В нижней части два отверстия для пальцев. Шейка ножниц дугообразной формы, покрыта узором «ислими занжир» - побеги в виде изюмочки. Шейка и клюв птиц покрыты позолотой. Ручки серебристого цвета. Клюв утки выполняет функции лезвия для резки, ручки ножниц напоминают ноги птиц. Заклепки как глазки утки. Таким образом стилизованное изображение птиц создает функциональный облик ножниц.

Размеры: длина 15,1 см

17,2 см

19,3 см

Ширина ручки от 6 до 9 см.

Бухара, 2015 г.

И. Гуламов

13. Комплект ножниц «Семь чудес света»

Кайчи гул бури – ножницы для мастериц золотого шитья. Ножницы «Семь чудес света». Комплект ножниц из семи предметов. Сталь, ковка, чеканка, позолота, гравировка.

В комплекте шесть видов птиц в разных ракурсах. Как будто они сидят на парных кольцах и готовятся к полету. Клювы птиц острые, 4 птицы выполнены с хохолками на голове. Седьмые ножницы в комплекте сделаны в виде рыбы – карпа. Линии ножниц тонкие, изящные, плавные. Все предметы создают эффектную круговую композицию и как будто они в движении.

Местами ножницы покрыты позолотой и это придает им сказочно-таинственный вид. Ножницы имеют функциональное, художественное, подарочное, выставочное и сувенирное значение.

Размеры: 13,7 см

14,9 см

15,7 см

16,0 см

17,3 см

17,4 см

18,0 см

Ширина от 6 до 8,6 см

Бухара, 2015 г.

Мастер: И. Гуламов

БУХОРОЛИК ТАРИХЧИНИНГ НОДИР КОЛЛЕКЦИЯСИ

Х. ТУРАЕВ

Бухоро давлат университети
тарих фанлари доктори

Мирзо Мухаммад Абдулазим Сомий Бўстонийнинг (1838-1907) (бундан кейин Мирзо Сомий) XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Бухоро илмий-маърифий олами ва адабий муҳитида ўз ўрни бор. Унинг номи мунший (котиб), тарихчи, шоир, хаттот сифатида маълум. Таржимаи холида сарой амалдорлиги ва ижодкорлик жиҳатларини кузатиш мумкин. Бирок, бири иккинчисини инкор этмаган. Хушхатлиги эвазига насиб этган муншийлик лавозими ижодкорни ҳукмрон доиралар, айниқса, амир Музаффар (1860-1885), бир муддат эса амир Абдулахад (1885-1910) билан яқинлаштирди. Бухоронинг шимолий-шарқида жойлашган Бўстон кишлоғида таваллуд топган Мирзо Сомий мадрасани тугатгач, дастлаб Бухоронинг турли туманларида муншийлик лавозимида фаолият кўрсатди. Амир Музаффар ҳукмронлик даври бошларида, аниқроғи 1864 йил сарой муншийси лавозимига тайинланди. Амирнинг ҳарбий юришларида "нависанда", яъни воқеаларни ёзиб борувчи сифатида иштирок этди. 1884 йилда валиаҳд Абдулахад бошчилигидаги Бухоро элчилари таркибида Петербургда борди. Рус подшоси Александр III нинг (1881-1894) тахтга чиқиш муносабати билан амир номидан битилган табрик хати матни Мирзо Сомий каламига мансуб. Таъминан XX аср 90-йиллари ўрталарида амир Абдулахад ва Мирзо Сомий ораларида номаълум сабабларга кўра совуқ муносабат пайдо бўлиб, Мирзо Сомий сарой хизматидан озод этилади. Шундан сўнг Мирзо Сомий ҳаётида моддий кийинчилик палласи бошланади. Садриддин Айний маълумотларига қараганда, моддий кийинчилик уни қуллаб ишлашга, 15-16 сўатлаб китоб кўчиришга мажбур қилди. Кўз нуруни сарфлашни талаб қилдиган бундай машаққатли меҳнат унинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатди ва умрининг охирида у ожиз бўлиб қолди.

Тарихчи сифатида ундан икки тарихий асар – "Тухфаи шохий" (Шоҳга тухфа) ва "Таърихи салотини мангитийа" (Мангит ҳукмдорлари тарихи) қолди. Адабий мероси "Миръоти ҳаёл" (Ҳаёл ойнаси), "Даҳмаи шохён" (Шоҳлар даҳмаси. Мирзо Содик муншийнинг шу номдаги назмий асарига илова) ва турли таъкирларда учрайдиган шеърлардан иборат. Хаттотлик истеъдоди китъаларда ва унинг каламига мансуб "Иншо" асарида намоён бўлади.

Мирзо Сомий ижодий биографиясининг қисқа баёнидан сўнг ахборотимизнинг асосий мақсадига кўчамиз. Юқорида кўрганимиз, Мирзо Сомийдан катта илмий мерос қолди. Табиийки, ушбу мерос тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиши мумкин эмас эди. Унинг тарихий мероси

Д.М. Елифанова, немис олимаси Анке фон Кюгельген томонидан ўрганилган бўлса, адабий меросини Садриддин Айний, З. Ҳасанова, А. Ахроровалар тадқиқ қилишган. Мирзо Сомий илмий меросининг кам ўрганилган қисми унинг шахсий архивида сақланиб келаётган араб ёзувидаги кўл ёзма ҳужжатлар коллекциясидир. Мирзо Сомий шахсий архиви материалларини имкон қадар ўрганиш ушбу сатрлар муаллифи хиссасига тўғри келади. (Қаранг: Тураев Х. Малоизвестный архив Мирзы Сами // Тезисы докладов научно-практической конференции "Социальное развитие и духовный прогресс". - Ташкент: "Фан", 1984. - С. 42-44; Тураев Х. Три частных коллекции документов, поступившие в Бухарский музей // Тезисы докладов и сообщений Всесоюзной конференции "Бартольдские чтения - 1990". - Москва: "Наука", 1990. - С. 77-78).

Тилга олинаётган шахсий архивнинг шаклланиши ва ҳаракат босқичлари ўз тарихига эга. Айтиш мумкинки, архив аявало Мирзо Сомий сарой муншийси лавозимини эгаллаб турган даврларда шакллана бошлади. Турли ижтимоий-иқтисодий, ҳўжалик аҳамиятига молик ҳужжатлар Мирзо Сомий назаридан ўтарди, баъзиларини эса унинг ўзи тузишга тўғри келарди. Табиийки, бу ҳужжатларнинг илк вариантлари, қораламалари, иккинчи нусхалари унинг қўл остида қолиб кетган. Мирзо Сомий каламига мансуб ёзма мерос намуналари ҳозирги пайтда ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Бухоро давлат музейи ва қисман унинг Бухорода яшовчи авлодлари қўлида сақланмоқда. 1972 йил унинг неваралари ҳамда Бухоро музейи раҳбарияти ташаббуси билан, шунингдек, музей ходимларининг археографик экспедициялари натижасида салмоқли миқдордаги кўл ёзма ҳужжатлар коллекциясидан иборат Мирзо Сомий шахсий архиви Бухоро музейининг асосий фондидан жой олди. Архив ҳужжатларига инвентар рақами берилди.

Ушбу шахсий архив ҳужжатларининг таркиби қуйидагича: амир номига ёзилган хатлар, ҳукумат топшириқларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар, олди-сотти васикалари, ер-сув, сув тақсимоти масалаларига доир ахборотлар, оксоқоллар фаолияти борасидаги бешдиргилар, дафтар ва бошқа турдаги ҳужжатлар. Бир қисм ҳужжатлар Мирзо Сомийнинг эпистоляр меросини ташкил этади. Бу мерос асосан Мирзо Сомий сарой хизматидан четлаштирилгандан кейин шаклланган. Чунки амирга йўлланган аксарият хатларда унинг қайта сарой хизматида тортилишдан умидворлиги сезилиб туради. Архив материалларининг айримларига тўхталиб ўтамиз. Булар ичида Мирзо Сомийга тегишли чарм муқовали дафтар алоҳида археографик ва маърифий аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. 19 x 22 см ўлчамга эга дафтар Мирзо Сомийнинг овал (тухумсимон) шаклдаги шахсий муҳри билан муҳрланган. Муҳрдаги ёзув: "Мирзо Мухаммад Азим". Дафтарда араб рақамлари, арифметик амаллар ва уларнинг қоидалари, жалваллар, учбурчакнинг бурчаклари ва томонлари, доира юзаси ва диаметри, қуёш оғишига қараб вақтни

анилаш каби масалалар шарҳлаб берилган. Шунингдек, дафтарда ҳарбий, ҳушнинг ҳаётига оид маълумотлар ҳам учрайди. Сарбозлар маоши, биринчи ҳаётӣ эҳтиёж моллари нархи тўғрисидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Дафтардаги яна бир диққатни тортадиган ёзув - давлат деҳонининг муайн ходимлари учун билиш зарур бўлган сиёқ белгилари ҳисобланади. Маълумки, давлат ҳазинасининг аҳволи тўғрисидаги маълумотларнинг маҳсусий тутиш, қирим-қиким дафтарларининг сохталаштирилишига йўл қўймаслик мақсадида маҳсус белгилар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у сиёқ белгилари деб аталган. Унга кўра, одатдаги араб рақамлари маҳсус белгилар билан ифодаланган. Оғирлик ўлчовлари, узунликлар, пул бирликлари ҳам ҳазинада сиёқ белгиси билан қайд этилган. Мирзо Сомий шахсий архивдаги дафтарнинг баъзи саҳифаларида араб рақамларининг сиёқ белгиси билан ифода этиладиган шакллари ёзилган. Демак, Мирзо Сомий сиёқ илми билан яхши таниш бўлган ва сарой хизматида юрган даврларида давлат деҳонининг ишончини қозонган.

Шахсий архив материаллари орасида 11x22 см ўлчамли тарихий ҳужжат эътиборни қорлайди. XIX аср охири ва XX аср бошларида кенг фойдаланилган фабрика қоғозида битилган тарихда аштархонийлар сулоласи вакилларидаан Субҳонқулихон (1680-1702), Убайдуллахон (1702-1711) ва Абулфайзхон (1711-1747), мангит ҳукмдорларидан Муҳаммад Раҳимхон (1753-1758) ҳукмронлик давларида берилган қисқача, лекин мазмунли таъриф ўз аксини топган. Кичик қоғозларга битилган бундай муҳтасар тарих кўпинча ёзилажак йирик тарихий асарлар конспекти, ёритиладиган масалаларнинг режавий асоси бўлиб хизмат қилган. Тарихий асарлардан олинган қўчирмалар ҳам бўлиши мумкин. Биз сўз юриётган ҳужжатда ҳар бир ҳукмдорнинг шахсига аниқ баҳо берилган, у тўғрисида мустақил фикр илгари сурилган. Бинобарин, Субҳонқулихон шахси ижобий бўёқларда тасвирланиб, унинг вафотида фузалолар хронотграмма (таърих) битганлиги таъкидланади. "Бухоро мулкининг парк-санда бўлиши ва Турон мамлакатининг завоқ топиши Субҳонқулихон вафотидан кейин юз берди" дейилади ҳужжатда. Абулфайзхон даврида салтанат заифлашгани ҳамда Ҳаким оталикнинг норасмий ҳукмронлиги ўрнатилгани ва охир оқибат Эрон шоҳи Нодиршоҳ ҳуружи содир бўлиши хусусида сўз боради.

Муҳаммад Раҳимхон шахсига салбий баҳо берилиб, унинг қонхўр қаттиққўл (марди саффоқ - مرد سفاک), адолатсизлиги танқид остига олинади. Муҳаммад Раҳимхон томонидан Абулфайзхон ва унинг икки фарзандининг бирин-кетин қатл этилиб, ҳокимиятни эгалланиши муаллифнинг оғрикли ва изтиробли сатрларида акс этган. Абулфайзхоннинг ўғли Абдулмўминнинг ўлдирилиши тўғрисида қўл ёзув ҳужжатда қуйидагича ёзилган: " [Муҳаммад Раҳимхон] Абулфайзхоннинг қатл эттиргандан сўнг унинг ўғли Абдулмўминни тахтга ўтқизиб, даври

даврининг ўз қўлига олди. Бир фурсат ўтиб эса Чингиз боғи нихолининг меваси бўлиш [Абдулмўминхонга] шаҳодат шаробини ичирди." Муҳаммад Раҳимхонни қоралашга давом этиб тарихий ҳужжат муаллифи яна ёзади: " У [яъни Муҳаммад Раҳимхон] бадхўлик ва мазлумларга озор беришни ўз шиорида айлантирди." Қўнларнинг бирида - деб таъкидлайди ҳужжат муаллифи. Бухородаги Боқихон (аштархоний Боқи Муҳаммадхон - Х.Т.) қорбоғига келиб, Ҳазрат Имло (мутасаввуф ва шоир - Х.Т.) мақбарасига қўзи тушди ва дедик, бу замин қорбоғ йўли устида жойлашибди. Мақбарани бузиб, унинг ўрнини қорбоғ ҳудудига қўшиб олди керак. Маъмурларни йиғиб шундай топшириқ берди. Бухоро эқобирлари уни бу фикрдан қайтаришга ҳарчанд уринмасин, натижа бермади. Азизларнинг ботиний қазаби таъсирида Муҳаммад Раҳимхон оташ алангасида қуйиб, қорайиб кетди ва жон таслим қилди. Жасади Бухоро шахри руди (ариги) яқинидаги Дарвозаи мазор қабристонида дафн қилинди. Ушбу маълумотлар мангитлар сулоласи тарихига бағишланган асарларда қам учраши билан қимматли.

Бизгача етиб келган бу ёзма меросни археографик, текстологик, палеографик жиҳатдан ўрганиш орқали урта асрлар дипломатияси (ҳужжатшунослик) соҳасини янги маълумотлар билан бойитиш мумкин. Зеро, Мирзо Сомий шахсий архиви материаллари ўз тематикасининг туринчалиги ва информативлик даражасининг юқори ёки қуйилигидан қатъи назар, ёзма мерос намунаси ва тадқиқот объекти сифатидаги аҳамиятини ҳамон сақлаб келмоқда.

СИТОРАИ МОҲИ ХОССА

К.Ж. ЖУМАЕВ

"Бухоро мероси" илмий тадқиқот" маркази эксперти, саянатунослик фанлар номзоди

Бухородан 4 км шимолда Самарқанд йўлининг ёқасида Бухоронинг сўнгги амирлари мангитлар сулоласининг шаҳар ташқарисидаги энг кўркем ёзги саройи Ситораи Моҳи Хоса қад қўтарган.

Саройнинг дастлабки иморатлари амир Насруллохон ҳукмронлиги даври (1826-1860 йиллар)да қўрилган. XIX асрнинг охирида навбатдаги амир Музаффархон ҳукмронлиги даврида (1860-1885 йиллар) машҳур сарой меъмори Остонқул Ҳафизов саройнинг янги лойиҳасини яратган ва сарой мажмуаси қўрилишини давом эттирган. Бирок бу ерда сарой ва ҳушмангара боғ барпо қилиш амир Абдулаҳад Баҳодирхон ҳукмронлиги даврида (1885-1910 йиллар) амалга оширилган.

Бу сарой қурилишига сарой меъмори уста Ҳожи Ҳафиз раҳбарлик қилган. Абдулахадхон саройи қурилишида уста Насруллобой ва Остонқуллар ҳам иштирок этишган.

Ёзги саройнинг асосий бинолари сўнгги Бухоро амири Мир Сайид Олимхон ҳукмронлиги даврида (1911-1920 йиллар) қурилган ва шу даврда бошлаб сарой мажмуаси янги ва эски саройга ажратиладиган бўлган.

«Ойга ўхшаш юлдузлар» деб номланган бу сарой XIX аср охири XIX аср бошларида уста Хўжа Ҳафиз, Абдулла Ғафур, Карим (Тахир) Самғодов, Қори Чўбин, Уста Ҳожи Қурбон, уста Бобораҳим Ҳаётов ва устаси Ширин Муродовлар томонидан қурилган. Сарой комплекси (мажмуасининг) умумий майдони 6,7 гектарликни ташкил қилиб, чорбоғ, қабулхона, ҳарам, канизақхона, кўшк, масжид ва филхоналардан ташкил топган.

Сарой боғининг режаси диққатга сазовордир. Саройнинг барча бинолари боғ ичида жойлашганлигига қарамай, боғнинг режаси мустақил деса бўлади. Боғ сарой бинолари қурилмасидан олдин барпо қилинган. У Темур ва темурийлар давридаги Самарқанд боғларига ўхшаш анъанавий чорбоғлар шаклида режаланган. Сарой боғининг атрофи паҳса девор билан ўралган. Ёзги сарой боғида гулзорлар, ишқомлар, мевали ва манзарали дарахтлар, кўркем хиёбонлар, ҳовузлар ва хайвонот боғлари барпо қилинган.

Саройнинг шимолида жойлашган уймакор дарвоза расмий кириш жойи бўлган, жануб томондаги дарвоза эса сарой юмушлари учун кириш чўкиладиган бўлган. Унинг ташқарисида катта майдон бўлиб, унда кўпқарматли уйинлари ўтказилган.

Қалъа деворининг ташқарисида: шимол томонда амир сарбозлари учун икки қаватли аскархона (казарма) бинолари, биринчи қаватда отлар сақланган, иккинчи қаватда отлик сарбозлар - сипоҳлар яшаган; отлар ювиладиган ҳовуз; сарой учун электр қуввати (5 квт) стқазиб берадиган электр станция учун тош уйлар, тош қудуклар қурилган.

Боғнинг шимолий-ғарбий бурчагида алоҳида дид ва юксак санъат билан янги сарой қурилган. Янги саройга асосий кириш дарвозаси унинг шимолий-ғарбий томонида жойлашган.

Сарой ичкарасига ҳашаматли қилиб қурилган маҳобатли дарвозахонадан кирилади. Дарвозахона қошин ва рангли шишалар билан безатилган мухташам тоқли, икки бурчагида қошинли гулдастали қурилган пешток билан безатилган.

Дарвозахонанинг тепасида қоровулхона («болохона») барпо этилган бўлиб, пастки қаватининг ён томонларида соқчилар сергак турадиган хужралар маъжуд.

Бу ердаги энг қимматли нарсаси қайрағочдан ишланган икки табакали уймакор дарвоза ҳисобланади. Дарвозани гўшдубонлик моҳи

дўрзгар Уста Жўра Харрот ва Қори Чўбинлар гузал ўзбек миллий нақшларини солиб, ёғоч уймакорлиги услубида бажарганлар.

Дарвозахонадан ташқари ҳовли (ҳовли берун)га кирилади. Унинг уч томонига енгил қилиб ёғочдан қурилган, қирма нақшлар билан ганчқорлик услубида безатилган чорқунж устунли айвонлар жойлашган.

Дарвозахонадан киришда ўнг қўлда кичкина ички ҳовли яна бир бино бор. У хазина деб аталган. Хазина Янги сарой билан туташган. Қарама-қарши томонда, бурчакда иккинчи эшик бўлиб, унинг қайрилма йўлидан эшик оғасининг хонасига кирилади.

Бухоро амирлигининг Россия вассалига айланиши сарой қурилиши услубида ҳам ўз ифодасини топган. Олимхон қурилишларни лойиҳалаштиришда рус муҳандислари Сакович ва Маргулис хизматида фойдаланганлиги туфайли, кўпчилик биноларнинг ташқи қўрилиши оғуруқча бўлиб, ички безаклар эса миллий услубда бажарилган.

Ташқи ҳовлининг жанубига янги саройнинг 1912-1914 йилларда барпо этилган қабулхона туташиб кетган. Аммо қабулхонага кириш учун ташқи ва ички ҳовлини боғлаб турган долондан ўтмоқ лозим. Унинг дарвозаси нисбатан оддийроқ қилиб безатилган гужум дарахтидан ясалган. Долоннинг усти Самарқанд терагидан тайёрланган йўгон тўсичлар ва толдан ясалган вассалар билан ёпилган.

Қабулхона биноси «П» ҳарфи шаклида қурилган бўлиб, уни жануб ва ғарб томонидан уйлар, шимол томондан ҳашаматли айвон ўраб туради. Айвонни майин уймақори нақшлари билан безатилган ингичка устунлар қўтариб турибди.

Натижада ички ҳовли (рўйи ҳовли дарун)ни бинолар уч томондан ўраб туради. Ҳовли саҳнига ясси олти бурчакли гишт парчинлари ётқизилган бўлиб, ўртасида доирасимон кичкина фаввора бор. Катта айвон ҳовлининг шимол томонидадир. Ғарб томонда «Оқ хона» -(хонаи Сафед), дахлизхона, ҳобхона, наққошлик билан ишланган қутиш зали, жануб томонда эса ойнаванли айвон «Чойхона», зиёфатлар зали, мирзахона ва шахмат хоналари жойлашган.

Айвоннинг боғга туташ томонидан ташқари ҳовлига ўтиш йўлаги арқсимон шаклда бошланиб, ганчқорлик нақшлари билан безатилган, ҳамда арабий ёзувлар битилган.

Янги саройнинг асосий хоналари қолган икки томонни эгаллайди. Ғарб томонда «Оқ уй» ва ётоқхона, дахлиз ва қутиш заллари, жануб томонда эса ойनावанд чойхона, мирзахона, зиёфатхона ва шахмат зали ўрин олган. Уларнинг барчаси ташқи томондан оғуруқча услубда, ички томондан эса миллий услубда безатилган.

Сарой биноларига қираверишда Ғозгон (Нур-ато) мармарилаш маҳаллий усталар йўниб ишлаган шерларнинг хайкали бор. Уни нур-атоник сангтарош Абдурахим Турди (1913 йилда) ишлаган.

Саройнинг асосий биноси куриб битказилгач, боғ ичида кўшк шийпонлар барпо этишга киришилган. Айниқса, 1915 йилда бунёд этилган «Хонаи Ҳашт» - саккиз хоналик кўшк лойиҳасига кўра ҳақиқий оверупо кўрилиши билан диққатни тортади. Унинг меҳмонхонаси томи майда тунука билан гумбазсимон қилиб ёпилгани, арка шаклидаги деразалар ташқаридан қараганда оверуполик бойларнинг уйларини эслатади. Аммо кўшкка кираверишдаги айвончанинг қарама-қарши деворлари шифти юқорига қараб тарвақайлаб кетган ажойиб гулдасталар билан безатилган бўлиб, чинакам шарқона услубдаги санъат намунасидир.

Кўшкнинг марказида саккиз бурчакли «хонхона» жойлашган. Накшошлик санъати билан бежирим безатилган. Девор ва шифтига олтин ва қумушдан ҳал бериб «қундал» нақшлари туширилган. Кўшкни безатишда 4 кг 250 гр тилло сарфланган.

Боғнинг жанубий қисмида хайвонлар учун майдонча бўлиб Охулар, чиройли товуслар, қирғовуллар, қалқилар, белоналар, булбуллар сайи қилиб юрган салқин жойлар ва йўлкалар чорраҳаларидаги чама гуллар боғнинг чиройига қирой қўшган.

Саройда ҳарбий юришлар учун ишлатиладиган тўртта фил сақланидиган фил-хона ҳам хайвонот боғи ёнида доирасимон қилиб қурилган.

Бундай сердарахт ва соя-салқин боғ Бухоронинг ёзи жазирама оғзида кишига ором берувчи маконга айланган. Саройнинг иккинчи ўзгача - ёзда салқин, кишда эса майиндир. У ердаги жаннатга ўхшайди.

Янги сарой мажмуасидаги навбатдаги бинолардан бири 1918 йилда барпо этилган қанизақхона ва ёзги кўшк ҳам юксак меъморлик санъати намуналаридир. Икки қаватли бу бино амирнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, унда ҳукмдорнинг қанизақлари истикомат қилинган. Унга нисбатан кичик бўлган жимжимдор услубда ишланган айвонча кўшк орқали қирилади.

Қанизақхонага жануб томонидан туташиб кетган ҳовуз ажойиб манзарани ҳосил қилиб, унинг юзида бинонинг акси тушиб, қўшалотини ҳот тасаввурини пайдо қилади. Бундан ташқари, ҳовуз жазирама ёйларида бинонинг хоналарига роҳатбахш салқинлик тарқатади.

Шўролар замонида ўтмишимизни таҳқирлаб, мафкуравий мактабларда бу бино ва ҳовуз тўғрисида турли уйдирмалар тарқатилди. Гўёки, Саййид Олимхон ҳарамидаги қизларни шу ҳовузда яланғоч қолдириб, ўзи кўшкда ўтирганча уларни томоша қилар ва қўлларини танлаб, унга томон олма отар эмиш. Олма баданига теккан қўл уша кеча унинг тушагига қиритилар экан.

Ушша йилларда музей ходимларидан бу ерга келадиган ҳар қандай сайёҳга бу гирт ёлғон «ривоят»ни айтиб бериш талаб қилинар. Бундан виждони йўл бермайдиган ходимлар таъкиб остига олинарди.

Бинонинг олд томонида «Хонаи Хоб», яъни ётоқхона жойлашган бўлиб, унинг ўрта қисмида алоҳида эшикдан қириладиган қаттароқ қўшмадаги «Хонхона» жойлашган, бу амирнинг шахсан ўзига тегишли бўлган хона бўлиб, ҳукмдор шу уйда ҳордиқ чиқарган.

Сарой кўшклари орасида бир томондан ёғоч минорачага туташиб кетган шийпон ўзига ҳос қирилиш услуби билан диққатни тортади. Шийпон устига олти бурчакли минорача орқали айланма зинапоё билан чиқарилади. Шийпоннинг биринчи қавати гиштдан, иккинчи қавати эса снгил қилиб ёғочдан қурилган. Минорача эса «азонча» билан тугайди.

Саройнинг шимол қисмида амирнинг шахсий ҳаётига алоқадор яна бир иншоот бор. Бу икки қаватли ҳарам биносидир. Унинг хоналари ва айвони ичкари ҳовли томонида қараган. Ҳарамнинг жануб томонида «саллоти» гиштдан қатта уй, ғарб ва шарқ томондан биринчи қаватда «чўпқори» услубида қурилган кичикроқ уйлар, шимол томонида айвон жойлашган.

Умуман сарой қирилишида турли йилларда Уста Остонқул ва Иброҳим Ҳафизовлар, Уста Ҳожи Мирзараҳим ва Уста Абдурахим Ҳаётов, Уста Абдурахим Турдиев ва Уста Қарим Самадов, Уста Абдулла Ғафуров ва Уста Қори Чубин, уста Ҳожи Қўрбон ва Уста Ҳасанжон Умаров алоҳида гайрат ва маҳорат кўрсатишди. Улар яратган бу қошона авлодлар оша Бухоро меъморлик санъатининг юксак намунаси сифатида қолаверди.

Ситораи Моҳи Хоса саройи амирлик тугатилган 1920 йилнинг октябридан 1924 йилгача Бухоро Халқ Совет Республикасининг қароргоҳи. 1927 йилдан 1991 йилгача бир қисмида Бухоро давлат бадий меъморчилик музей қўриқхонаси халқ амалий санъати музейи, қолган қисмида олдин дам олиш уйи, кейинчалик Республика буйрак хасталикларини даволаш санаторийси жойлашган эди.

Мустақиллик йилларида санаторий янги бинога қўчғач, сарой Бухоро халқ амалий санъати музейи ихтиёрига берилди.

Ҳозирда бу саройда учта алоҳида музейлар жойлашган: қабулхона саройида «Халқ амалий санъати музейи», саккиз хоналик кўшкда «Бухороликларнинг XIX-XX асрлар миллий кийимлар музейи», «Қанизақхона» биносида эса «Ўзбекистон халқлари этнографияси ва XIX-XX асрлар Бухоро бадий қаштачилиги» музейлари ташкил этилган.

Халқ амалий безак санъати музейи бўйлаб экскурсия

Саройнинг ичкари ҳовлисида қиришдаги долоннинг қабул-хона ҳовлиси томонидаги пештоқига форсий тилда араб ёзувида шеърый байт ганҷқори нақшлар орасидаги «қитоба»ларга битилган.

«Шуд ба фармони Хумоюн амир ал-мўминин,

Тарихи таъмир муайян муборак ин чунин.

Ки бувад дар зери иклими фалак ин гуна тарх,
Хар ки диду гуфт саломно хазорон офарин.
Чжустам аз меъмори Ширин Соли тархаш бигуфт
То бано и касри олий
Жаннати руйи замин 1333 (х.)

Бу шеърӣ байт сарой шоири Анбарийнинг каламига мансубдир. Унда юлдузлар ва ойга ўхшаш сарой ердаги жаннатдир деб таъриф этилади.

Музей экспозициясига ҳашаматли килиб қурилган баланд айвон орқали кирилади. Айвон саккизта баланд устунга ўрнатилган бўлиб, томи 4 та ясси, 4 та ярим цилиндрик шаклдаги пешонаси ёйсимон тарзда нақшинкор килиб ишланган.

Айвон икки қатор синчли ёғоч деворга, ўрнатилган. Ичкарисини тахта билан қопланган мовий ранг сатҳига тилло ранг «ғирих» нақши тушириб безатилган. Алоҳида-алоҳида намоёнларга геометрик нақшлар ёғоч тахталардан териб ясалган. Намоёнлар пастига гулдондан тарлақайлаб ўсиб чиққан мажнунтоллар тасвири уйиб ишланган. Нақшлар олтин суви бериб, ҳал услубида сусал олтинида қопланган. Айвоннинг панели-эъзораси «ғирих» нақши билан, устунлар ораси ҳарроти қаторакли панжара билан ўралган. Поли тахтадан ясалган. Айвон «саломхона» деб аталади. Ҳар эрталаб амир ўз ётоқхонасидан чиқиб кўриниш берганида, айвонга йиғилган сарой аҳоли-уламолари салом бериб кутиб олишган.

Айвон орқали узунроқ килиб қурилган дахлизхонага кирилади.

Дахлиз хона (зал № 1)

Дахлизхона ўзбек меъморичилигида ётоқхона, меҳмонхона ва бошқа катта хоналар олдидан қурилади. Бу хонада устки кийим кечаклар, оёқ кийимлари счиб қолдирилади.

Саройдаги дахлиз хонаси «Хонаи хоб» - ётоқхонага кириш эшиги билан боғланган. Шимол томонидаги деворда хазина хонага ўтиш эшиги, ғарб томонида Амир Абдулахадхон саройига чиқадиган эшиклари мавжуд.

Айвондан кириш эшигининг икки томонига XIX аср ўрталарида, Италиянинг Венеция шаҳрида тайёрланган иккита бир хил биллур ойналар қўйилган. Ойналар калин биллурдан ясалган бўлиб, биллурга турли нақш ва шакллар бериб ишланган. Асосига қумуш қоплама ёпиштирилган. Пастки қисми курси шаклида ишланган. Ойналар шакли модерн услубида қилинган.

Бундай катта ўлчамликдаги ойналарни кўрган маҳаллий халқ, ойна тўғрисида ривоят тўқиган. Унда нақл қилинишича «ойнага узок муддат мижжа кокмасдан қараб турган аёл 10 ёшга яшарар» экан. Албатта, бу ойнанинг сифатига берилган ўзига хос баҳо бўлса керак.

Деворларининг икки томонига XIX аср II ярмида Бухорода моҳир зардузлар тиккан доури - попоналар - от ёпиндиқлари намоён қилинган. Доурилар кизил, яшил духобага гулдўзи, заминдўзи услубида қумуш ва олтин суви билан ишлов берилган ипак иглاردан зардўзлик қилинган. Доурилар от устига эгар остида ташланиб, безатилган. Ушбу буюмлар беқлар, уламолар ва амир отлари учун сарой ҳунармандлари томонидан тикланган. Витриналарга яхши пиширилган теридан тайёрланган қайиш тасмаларга қумуш пластинкалар билан безаб ишланган от жабдуқлари намоён қилинган. Узанги, айил, нўхта, дубулга, буйинлик ва бошқа жиҳозлар феруза, ҳақик тошлари қадаб ишланган, олтин суви бериб «ҳал» қилинган.

Дахлизнинг ғарб томон деворига қатталиги 5 x 3,0 метрлик эрон қолин ғилами осилган. Қолин XVIII асрда Эроннинг Шероз шаҳрида тайёрланган бўлиб, унга машҳур Эрон шоири Абулқосим Фирдавсийнинг шох асари «Шохнома»га ишланган миниатюра билан безатилган. Миниатюрада ов манзараси тасвирланган. Шох Баҳром Гўрнинг шер билан олишуви акс этган ушбу воқеа «Шохнома»да шер жанги қиссасида таърифланган. Шох Баҳром яқкама яқка олишувда шерни енгач, унга Гўр лақаби берилади. Гўр - шерни енган шох маъносини англатади.

Виламнинг икки томонига XIX асрда Японияда ишланган ваза - хумлар қўйилган. Гулдонларда табиат манзараси тасвирланган.

Музейга кираверишда, ётоқхонанинг дахлизхонасида эшикнинг икки томонида Венециядан келтирилган тошойналар қўйилган. Бир вақтлар бу кўзгулар Бухоро амирига қадимий шаҳримизга ташриф буюрган Италия қиролининг элчиси томонидан тақдим қилинган эди. Дахлизхона деворларига бухоролик моҳир зардузлар ижодига мансуб бўлган доури ва намоёнлар осиб, кўргазмага қўйилган.

«Хонаи Хоб» - ётоқхона (зал № 2)

Дахлизхонадан ётоқхонага икки табақали нақшинкор ёнғок дарахтидан ишланган қалин эшик орқали ўтилади. Ётоқхона эни ҳамда бўйига 6,5 x 6,5 метр тенг килиб қурилган. Унинг ягона безаги голланд услубида пишиқ гиштдан қуриб, ганчқори безаклар билан безатилган. Сарой ёзги печка (камин) ҳисобланади. Ушбу печка кўмир билан ёқилган. Уйнинг печка бўлсада, эрта баҳор, кеч куз фаслида ёқиб хона иситилган. Уйнинг печка томонидан дар парда осиб ётоқхона кўрпа тушакларини ёпиб турадиган ширмасимон гўсинлар ўрнатилиб бўлинган. Оқ уйга туташ деворига ҳавонлар қурилган.

Ётиш жойига Англиядан маҳсус буюртма асосида яратилган йиғма қароватлар қўйилган. Улар виллор билан қопланган юмшоқ ўринли бўлиб, бронзага олтин суви бериб ишланган.

Деворларига XIX асрда Бухоро зардузлари тиккан намоён - сўзанилар, жойпўш ва жойнамоэлар осилган.

Саройнинг дастлабки икки залида зардузлик буюмлари ҳам, ханг заргарлик санъати намуналари кургазмага куйилган. Заргарлик намуналари бўлган от жабдуқлари, довурилари, нақиллар, феруза ва ҳакик тошлари билан безатилган.

Бухоро заргарлари қўллаган санъат усуллари ҳам хилма-хилдир. Улар уймакорлик, чуқичлаш, кандакори, хаккоки, кадама ва тўрсимон босма нақш солиш маҳоратлари билан бошқа минтакалардаги хунармандлардан ажралиб туришган. Улар кумушга тилла суви югуртириш, яъни халлаш, кадама нақш солиш, безакни қорайтириш, минакори-эмаллаш соҳасида ҳам тенги йўқ маҳоратга эришишган.

Кўрғазманинг бу икки залида мана шу санъатнинг ноб намуналари намойиш этиляпти. Улар орасида хилма-хил туморлар, зириклар, камарлар, билакузуқлар, нозигардонлар, тиллақошлар, понча туф ва тилла найчалар, хафабандлар ва мохитиллолар юксак маҳорат нам, налари сифатида ҳар қандай одамни лол қолдиради.

XIX аср охирига келиб Бухорода 400 дан ортик мохир заргарлар фаолият кўрсатишган. Улардан энг машҳурлари Уста Қори Шариф Тўқоёбо, уста Мирбобо, Уста Насри, уста Мухаммад Бадавий, Уста Камол, Уста Али, Уста Умри, Уста Қосим Мироков, Уста Мирфозиллар бўлганлар. Музей залларида улар томонидан ясалган нафакат зебу-зийнатлар, балки турмуш эҳтиёжлари учун зарур қимматбаҳо сандикчалар, лаганлар, лаълилар, шамдонлар, гулдонлар, қадахлар, вазалар, тақвимлар намоён этилган. Уларнинг баъзиси шўролар ҳокимиятининг дастлабки даврида Бухоронинг сўнгги ҳукмдори Мир Саййид Олимхон саройидан мусолара қилинган буюмлардир.

Ётоқхонадан икки табакали эшик оркали тахт зали хонаи сафед-«(х уй)»га утилади.

Саройнинг бошқа хоналари орасида узининг бетакрор безаклари билан Тахтхона -Ок уй алоҳида ажралиб туради. Ок уй XIX асрнинг охири XX аср бошларидаги энг ажойиб бадиий мейморчилик намуналаридан биридир.

Хонан Сафед - Ок уй - тахт зали (зал № 3)

Саройнинг бошқа хоналари орасида ўзининг бетакрор безаклари ва ўта муваффақиятли ечими билан «Ок уй» алоҳида ажралиб туради. Ок уй XIX асрнинг охири XX аср бошларидаги энг ажойиб бадий меъморчилик намуналаридан биридир. Шаркнинг жозибали жимжимадор, нафис ганчкорлик нақшлари, муъжизакор қилиб ишланган гуллари хилма-хил ва мураккаб гирихлари билан уйғунлашиб кетган. Зал безида кўзгуларнинг қўлиги ичкарининг аъъанавий беъагини бузмаган. аксилча хонага ўзгача жозиба ва горovat бахш этган. Деворнинг кўзгулардан иборат бўлиши ва гулганчдан ишланган безакларнинг кўзи камини тирадиган ларажада оклиги хонани жуда кўркем қилиб кўрсатади. Тахт зали шифт ва деворларининг, алоҳида - алоҳида қисмлари

хиратилиб, баланд ва паст тоқчаларга бўлиниши, факат бухоролик
меъморлар санъатига хосдир. Бу услуб илк бор шу зални безашда
қўлланилганлиги учун ҳам кишини беҳад хайратда қолдиради. Бундай
услуб деворларнинг тиник ва снгил, уйни эса кенг ва ҳашаматли
қилди. «Ок уй»ни ўзининг 25 - 30 нафар шоғирдлари билан бухоролик
машҳур меъмор Уста Ширин Муродов (1880-1957 йй) қурган ва
қардозлаган. «Ок уй» асосан икки йил (1913 - 1914 йиллар) давомида
қурилган. Ушбу зални безашдан олдин уста уч ой мобайнида қандай
услубдан фойдаланишни уйлаб юрган ва ниҳоят счим қутилмаганда
топишган.

Ўзининг тиник окшомида осмонга караб ҳаёл дарёсида сузётган Уста Ширин Муродов юлдуз тўла осмондаги тўлин ойнинг жозибадор жамолини кўриб, зални шу илохий тасаввурга асосланиб безашга қарор қилади. Уста ганчкорлик нақшлари, гуллари эскизларини (улгуларини) ўзи ясаб ганчкорликнинг кўплаб мураккаб жойларини бевосита ўзи бажарган. «Оқ уй»нинг ҳажми мисли кўрилмаган даражада (ўша давр учун) катта (17 х 7 метр, баландлиги 6,7 метр) бўлишига карамай залнинг бирор қисмида нақшлар қайта такрорланмаган. Равоклар атрофлари, юқори қисми, шифтдаги карниз - мукарнас ва шарафалардаги гўзал ганчкорлик гуллари, деворлардаги намоёнлар кўркемлиги фавқулудда юксак санъат билан яратилган. «Оқ уй»нинг шифтга туташ қисмига китобалар қилиниб, форс тилида араб ёзувида сарой шоири Анбарийнинг гўзал байтлари битилган.

Залнинг тахт турадиган томони махсус мукарнасли шарафа билан арксимон қилиб қурилган. Арк остига кушк қўйилиб унинг устига ташланган патли қолинда олтин безакли тахт жойлашган.

«Ок уй» уста Ширин Муродовнинг бетакрор санъатининг юксак намунасидир. У асрлар буйи халкимизнинг стук истисъодли фарзандлари томонидан яратилган маданий меъросининг олтин хазинасига қушилган муносиб улушдир.

Ривоятлардан бирида айтилишича Амир Саййид Олимхон тахт залини курадиган уста кидираётганда, унга шундай уста борлигини, у Амир Абдулахадхон даврида шаккокликда айбланиб, олдин зиндонбанд қилиниб, кейинчалик сарбозликка йўлланган Ширин Муродов эканлигини айтишган.

Сарой қурилиши олдидан Ширин Муродов Карманала сарбозлик хизматида эди. Уни ҳукмдор озод қилдириб, ўз ҳузурига қорлайди. Уста Ширин Муродов олдига мураккаб вазифа сарой қурилишида қабулхона ва тахт залини безашни сўрайди. Агар унинг санъати манзур бўлса, устани сарбозликдан озод қилиб, сарой усталари сафига қўишинини, акс ҳолда унинг ҳаётига маҳкум этилишини айтиб: «Япон саройи гузалида ягона ва бахтдор бўлишини, гарбдан келган меҳмонлар шарқ санъати

жозибасидан лол бўлиши кераклигини, Шаркдан келганлар эса, бундай санъатни шаркни ҳеч бир гушасидан тополмасликларини» ўқтиради.

Шунда Ширин Муродов бундай ишни бажара олишини аммо унинг ҳам бир шарт борлигини амирга айтади.

«Сарой қурилиши тугагунча саройга кирмаслигига ваъда беришини сўрайди. Амир таклифга рози бўлгач уста ишга киришади. Сарой қурилиши тугагач, ородан 2 йил ўтиб амир саройга ташриф буюради. «Ок уй»га кирган Саййид Олимхон устанинг илоҳий мужизаси олдида лол қолади, ва беихтиёр «ташаккур» деб юборади. Уста Ширинга катта тўхфалар бериб, унга сарой усталари сардори унвонини беради.

Оралан кўп ўтмай такдир такозаси билан амир Бухородан Афғонистонга қочаётганида у Уста Ширинни ўзи билан олиб кетиш учун кидиртиради. Аммо Уста Ширин ўз юртини тарк этмаслик мақсадида бу таклифга рози бўлмайди.

Собиқ шўролар даврида маҳаллий ҳукмдорларни қоралаш мақсадида, Уста Ширин саройни қуриб битказгач, амир уста бошқа бундай мужизани ўзга ҳукмдорларга кўрсатмасин, сарой яғоналигича қолсин деб, унинг уни қўлининг 5 бармоғини чоптирган» деган уйдирма таркатганлар. Аммо Уста Ширин 1946-48 йилларда А.Навоий катта театрида Бухоро залини қуриб, Давлат мукофотига сазавор бўлади. Унга Ленин ордени ва Академик унвонлари берилади.

Хонанинг ёркин тусига бошқа жиҳозлар ҳам монанд қилиб танланган: Зал катталигига мослаб «қизил оёқ» қолини (14 x 7 метр) тўқилган. Уни туриман қолинбофлари тайёрлашган. Унинг устига оппоқ бахмал - духоба тўшалган. Атрофига оппоқ юмшоқ курсилар, тоқчаларга Хитой ва Япониядан келтирилган XVII - XIX аср чинни гулдонлари ва идишлари қўйилган. Деразаларига оқ бахмалдан зардўзлик санъатида тикилган пардалар осиб қўйилган. Уйнинг туридаги маҳобатли олтин тахт бошқа жиҳозлардан ажралиб турган. «Ок уй»га осиб қўйилган биллур безакли кандил Варшавада ясалган, ундаги лампочкалар Венада, электр токи берадиган мотор Олмонияда ишланган, кандилнинг оғирлиги 0,5 тонна келади.

Уста Шириннинг режасига кўра қўшни хоналар асосий хонанинг оқлигини янада ошириб туриши лозим эди. Шунинг учун ҳам улар тўқ ранглар билан безатилган. «Ок уй»га туташ қабулхона ганч уймақорли билан қурилиб, деворлари кишини ҳайратда қолдирадиган нақш-гуллар билан жозибали қилиб ишланган. Кутиш зали - қабул хонанинг беағи «Ок уй»нинг беағига мутлақо ўхшамайди.

Кутиш зали - қабулхона (зал №4)

Қадимий анъанавий услубда безатилган бу залини бадий нақшлар устаси Ҳасанжон Умаров ишлаган. Баланд ва паст тоқчалар уй чиройини янада кўркамлаштирган. «Ок уй»да нақшлар фақат бир хил оқ рангда

ишланган бўлса, бу ерда, ранг-баранг бўёқлардан фойдаланилган. Катталиги ҳар хил бўлган гулдонларга косагул, машрафагул, чиннигул, ятиргуллар дастасининг тасвири мохирлик билан акс эттирилган. Гулдасталар катталиги ҳар хил: баъзилари девор баландлиги билан баробар бир неча метр, баъзилари кичкина токчаларнинг юқори қисмига чизилган нозбуй, мажнунтол, лола гуллар билан безатилган. Гулдасталарнинг чизилиши ва ранги ҳар хил, такрорланмас қилиб бажарилган. Рангларнинг тиник ва очиклиги, чизикларнинг нозиклиги, тасвирнинг майинлиги кишини мафтун этади. Наққошлиқда ишлатилган бўёқларни устанинг ўзи тайёрлаган. Улар табиий бўлиб, унинг таркибига тухумнинг сариғи, туянинг сути, ўрик ва шафтоли дарахтининг елими, ўсимлик гулларининг ранглари, олтин суви аралаштириб тайёрланган. Нақшлар устидан писта ва бодом мевасининг ширасидан тайёрланган лок суртилган. Бу эса нақшларни намлик ва қуруқликдан ҳимоя қилади. Зал токчаларига Япония ва Францияда ишланган чинни шамдонлар ва идишлар қўйиб безатилган. Кутиш залида Европа усталари томонидан махсус тайёрлаган айлана стол (дуб дарахти ёғочидан ясалган), ҳамда кресло ўтиргичлари намойиш қилинган. «Оқ уй»га киравериш эшиги олдидаги антринада машҳур уста Ширин Муродовнинг фото портрети, Ўзбекистон фанлар Академиясининг фахрий аъзоси тўғрисидаги гувоҳнома, ҳамда «Оқ уй» гилкорлигини бажарган асбоблари кўرғазмада кўрсатилган.

Сарой биносининг қолган 4 та зали жануб томонга анфилада услубида жойлаштирилган бўлиб бир қаватли шундай деразалар билан икки томонлама, гулхона ёки чойхона зали уч томондан ёритилган.

Саройнинг тарбий қисмидан жанубий қисмига тор дахлизхона орқали ўтилади. Бу ерда ваннахонага кирадиган эшик мавжуд. Коридорда ваннахонада ишлатилган кўмир ёкиладиган кафелдан ясалган Олмония усталари тайёрлаган кўчма печка, деворида Туркман ва Эрон қолинбофлари тўқишган патли гилам ва ипак жойнамоз кўрсатилган.

Коридор - дахлизхона тўрига Венецияда XIX асрда ясалган баланд биллур ойна қўйилган.

Ванна хонага Россияда тайёрланган чинни ванна, сув тўлдирадиган қўлда ишлатиладиган насос, ёнидаги хоначага чинни унитаз ўрнатилган - хожатхона жойлашган.

Шахмат зали (зал № 5)

Саройнинг жануб томонидаги хоналар амирнинг хузурига кириш учун яқка тарзда қабул қилишга мўлжалланган, бу ерда амир ўзига яқин амалдорларни ҳам қабул қилган. Саройда ишлатилган кандиллар Варшавадан, лампочкалар Венадан, паркет поллар Россиядан, дераза эшиклар кулф-калитлари, ошик - мошиклари (часнак), илгичлари ва дастаклари Буюк Британиядан, кафелли печлар ва электр станция (движок 5 кв.с.) 1913 йилда Олмониядан, рангли шишалар Фарангистондан

келтирилган. Буларнинг барчаси Овropa меъморчилигига хос қурилиш материаллари бўлсада, уйларни маҳаллий усталар безатганлар. Ёгон уймакорлиги билан бажарилган шифт ва деворларнинг гулдор жимжимадор қилиб безатилишини бухоролик усталар Абдулла Гафуров, Карим Самадов (Карим Тахта), дурезгар Қори Чубин, Жўра Харроғ, уста Хўжакул, уста Ҳожи Қурбонлар бажарганлар.

Шахмат хонасининг икки деразаси тепасидаги китобида форс тилида араб ёзувида сарой залининг безатилган вақти ва мадҳия ёзилган.

Ундаги хижрий 1333 йил, милодий 1914 йилга тўғри келади.

Залда сарой заргарлари томонидан махсус буюртма асосида ясалган заргарлик буюмлари: сандикчалар, лаган, офтоба, шамдон, қуръон китоби учун ғилоф, календар, бешик куббалари намойиш этилган. Улар орасида 84 пробали қумушдан ишланган қовш диққатга молик. Унинг кemasимон шакли ва бурун томонидаги икки бошли бургут тасвири бу буюм рус заргарлари томонидан ясалганлигини кўрсатади. Икки бошли бургут - Россия герби орасига йирик қиррали ёқут тоши қадалган. Буюмга олтин суви югуртирилган. У Россия императорининг амирга қилган совғаси ҳисобланади.

Қумушдан кандакорлик услубида ясалган, турли рангдаги эмаль билан нақшлари сатҳи қопланган офтобанинг ясси қорнининг икки томонига медальонларига 48 тадан бриллиант тошлари қадаб ишланган. Аслида, шариатта кўра таҳорат оладиган идиш сопол ёки мисдан ясалган бўлиши лозим, бу ерда шахсан амирнинг ўзи учун истисно тарзида қумушдан олтин суви бериб ишланган офтобани учратамиз.

Қумушдан китоб муковаси шаклида ишланган таквим - календар - қундалиқ диққатга молик. Унинг йиллари 1903 йилдан - 1912 йилгача бўлиб, у кубба шаклидаги қалитни бурасангиз ўзгариб туради. Ойлар, қунлар ҳам шу тарзда ўзгаради. Унда ҳароратни улчайдиган асбоб ҳам мавжуд бўлиб, бир томонига тошдан ясалган саҳифа ўрнатилган, унга турли хабарларни ёзиб қолдириш мумкин. Йилларнинг бошланишига қараб таквим 1902 йилда амир Абдулаҳадхон даврида ясалганлигини билиб оламиз.

Витринада кўрсатилган қумушдан ясалган, олтин суви бериб ишланган, нақшлар сатҳи рангли эмаль бўёғи билан қопланган бешик куббалари, шундай қумуш бешиқдан олинганлигини билдиради. Демак, амир хонадонини учун, олтин ва қумушдан бешик ясалганлигини биламиз. Шундай санъат билан ясалган Қуръони Қарим ғилофи 5 кг. га яқин бўлиб унинг юза томонлари қуръон оятлари билан ёзув битиб безатилган.

Шахмат залида наққошлиқ ва садаф қадаш услубида, сандикча шаклида ясалган шахмат тахтаси ҳам намойиш қилинган. Тахта қасгақларидан очилса, ичкари қисми қуттичаларга ажратилганлигини кўрамиз. Бу қутиларда фил суягидан ясалган шахмат доналари сақланган.

Шахмат тахтаси турли сафарларда олиб юришга қулай бўлиши учун сандиқча шаклида ишланган.

Бу залда Беккер заводида (Швейцария) қора тошдан ишланган соат кўрғазмадан ўрин олган. У механик усулда ишлаган. Шахмат залида шахмат ва билъярд (сокка уруштириш) ўйинлари ўйналган. Кечкурунги зиёфат пайтида бу хонада сарой машшоқлари мусика ижро қилишган, қўшни зиёфатлар залида раққосалар рақсга тушишган. Шу сабабли ҳам шахмат зали - «Хонаи бози» деб аталган.

Шахмат залидан икки табақали эшик орқали зиёфатлар залига (банкет зали) ўтлади.

Банкет зали (Хонаи овқат хўри) - зиёфатлар зали (зал № 6)

Ситораи Моҳи Хоса саройи қурилишига Мирзо Усгомиддин Сарқор бошчилик қилган. Сарой безаклари етук санъат асари даражасида бажарилган. Кўзгули деворларга, биллур кандиллар, «Голланд» печлари, чиройли бағетли карнизларга мослаб зал жиҳозлари танланган.

Зиёфатлар зали учун махсус ўтиргичлар тери коплаб бажарилган. Зиёфат столига таом тортиш учун махсус икки ғилдиракли аравача, мизанликларни салкин сақлаш учун ишлатилган Венеция ойнаси билан безатилган Россияда ясалган жавон - совутгич (холодильник), «Пётр I», «Ермак», «Турк овчиси» хайкалчалари зал бурчакларига махсус тағликларга қўйиб намойиш қилинган. Хона турига Беккер заводида ишланган соат кўрғазмага қўйилган. Залнинг деворий безаклари ёғоч конструкцияли бўлиб, рангли шиша ва ойналардан махсус панел шаклида ишланган. Хона ичкарисидан 18 та ярим устунлар махсус болтларга ўрнатилган бўлиб улар орасидаги тахта панелларни шу ёғоч ярим устунлар ушлаб туради. Зал йилнинг 4 фаслига мос безакларга эга бўлган. Вақти - вақти билан улар алмаштириб турилган. Ҳозирги кўриниши кузги кўриниш бўлиб, 1920 йилнинг кузида қандай ўрнатилган бўлса, шундай сақланиб қолган. (1920 йил 2 сентябрида амир ҳокимияти тугатилган). Залнинг поли ёғоч паркет билан ишланган. Зиёфат маросимида раққосалар рақсга тушганда товуш яхши эшитилиши учун ҳам шундай қилинган. Зиёфат зали баланд қилиб қурилган. Унинг чердаксимон юқори қисмига рангли шишалардан витраж қурилган. Ундан залга камалак рангли кўёш кунлари тушиб туради.

Зиёфатлар зали учун чарм копламали махсус ўтиргичлар, Венеция ойнаси билан безатилган жавон - совутгич, зиёфат столига таом тортиш учун махсус икки ғилдиракли аравача, Ермак, Турк овчиси тасвирланган хайкалчалар зал бурчакларига махсус тағликлар қўйиб намойиш қилинган. Зиёфатхонада сўнгги Бухоро амирлари Абдулахадхон ва Амир Олимхонларнинг сурат портретлари бой безакли рамкаларга солиниб осиб қўйилган. Бу ерда бухоролик заргарларнинг XX аср бошларида қумушдан қандақори қилиб ишлаган сарой заргарлик буюмлари: лаълилар, тақсимчалар, идиш ва қадоклар намойиш этиляпти. Уйнинг ёғоч уймақорлиги билан

бажарилган шифт ва дсворларининг гулдор жимжималор килиб безатилишини бухоролик усталар Абдулла Ғафуров, Карим (тахта) Самадов, дурезтар Қори Чубинлар бажарганлар.

Зиёфат залининг икки дсворига голланд печлари урнатилган. Уларнинг ранги зал безаклари рангига мос тайёрланган. Печлар (камин) Олмонияда ишланган. Уларнинг бирининг тепа қисмида Бавария пивоҳўрлиги тасвирланган. Банкет зали билан анфилади эшиги орқали Мирзахонага утилади.

Мирзахона (Канцелярия) Зал № 7

Амир саройидаги мирзалар котиблик килиб фаолият кўрсатадиган хона оддий безатилган. Геометрик нақшлар ёғоч бўлакчаларидан ясалган бўлиб, устидан олтин суви бериб безатилган.

Ушбу залда мирзалар сарой тарихини ёзиб боришган, арзномаларга жавоблар битилган, ҳамда давлат ишлари олиб борилган.

Мирзалар ишлатган жавон, пулхона - сейф (ёғочдан), курси хонтахта, лаҳх, хатчўп ва ёзув чизув жиҳозлари бу залда кўрсатилган. Бундан ташқари залда Россиядан келтирилган трельяж - ойнаси ҳам намойиш қилинган. Ойна ҳақида маҳаллий халқ турли афсона ва ривоятлар тўкишган. Улардан бирида нақл қилинишича «Ойнага кириб уч марта тилак тиласангиз ниятингизга етасиз» дейилган. Ойнани «қирк қиз ойнаси» ҳам дейишади. Ойнага кириб ўнг ва сўл томонингизга назар ташласангиз ўзингизни 20 тадан аксингизни кўрасиз.

Ёинки, яна бир ривоятда қимқи ойналарга бир неча дақиқа қиприк қокмасдан қараб турса, янада яшариб, кўркам бўлиб кетади, дейилади. Булар бир ривоят, лекин ҳар бир ривоят замирида ҳақиқат бор дейишади. Шу ривоятлар билан бирга, бу ойналарнинг гайритабиий қатталигига ва тиниклигига берилган баҳо бўлса керак.

Кўргазмада қўйилган ёнғок ёғочидан уймақорлик санъати билан ишланган жавоннинг тепа пластиналарига насталиқ ёзувида форс тилида қасида ёзилган. Унда «ҳазрати олий, амир жанобларининг оёғи остидаги хок-тупрок барча шоҳи - гадо кўзига сурма» деб ёзилган.

Мирзахонага қўйилган ёғоч пулхона (сейф) махсус ёғочлардан қадама услубида (инкрустация) ишланган бўлиб, тортмалари очилганда мусиқа товуши чиқадиған қилиб ясалган. Ўртасидаги қатта эшикча очилганда товуш қучлироқ, қолганларида секинроқ қикқан. Ичкарига қўйилган олтин ва қимматбаҳо қоғозлар «тободони» қилиб панжарасимон услубда ясалган эшиклардан кўриниб турган.

Зал бурчакларида махсус тағлиқлар қўйилиб, улар устига хайқалчалар ва шамдонлар жойлаштирилган.

Мирзахонадан икки тавақали эшик орқали «Чойхона» ёки гулхонага утилади.

Чойхона - гулхона (оранжерея) (зал № 8)

Ситоран Мохи Хоса саройининг расмий қабулларга йўлжалланган бош қароргоҳининг саккизинчи хонаси - «чойхона» ёки «гулхона» деб аталади. Бунга сабаб, расмий қабулдан кейин меҳмонларни чойхўрликка таклиф қилганларида, махсус боғга яқин уч томони икки қаватли дераза ромлари билан ўралган, тепасидан рангли шишалардан геометрик нақшлар солиб ишланган витраж қурилган, ғарбий деворини пихтадан «токчабанди» қилиб безатилган хонага таклиф қилганлар. Чойхўрлик пайтида хона полига патли қолин гиламлар тўшаб, майин духоба кўрпачалар солиб, лўла болишлар қўйиб дам олишган. Айниқса хона деразалари боғ ҳавосига очиб қўйилганда, боғда булбуллар, қакликлар сайраб, тўти қушлар гапириб, товуслар хиром қилганда кишига ором бағишлаган. «Гулхона» дейилишига сабаб уйда кўплаб хонаки гуллар ўстирилган, кишда ушбу гуллар сақланган. Баъзан хонани «хитойча уй» ҳам деб атайдилар. Чунки бу ерда кўплаб хитой чинни буюмлари сақланган ва ишлатилган. «Токчабанди» қилинган ровокларга қадимги Хитой чинни чойнак, пиёла, коса, кўзачаларини териб қўйганлар.

Ҳозирги пайтда ушбу залда XIV -XIX асрлар Хитой ва Япония чинни буюмлари намойиш қилинган. Улар орасида XIV асрга тегишли селадон, XVI асрга тааллуқли Қулжа товоқлари, XVII аср Қашғар чинни лангари, XVIII-XIX асрларда ясалган қимматбаҳо чинни гулдонларнинг нархи 200 - 250 қўйнинг, нархига тенг бўлган.

Ушбу буюмлар қадимги савдо йўли - «Буюк ипак йўли» орқали савдогарлар томонидан қарвонлар билан олиб келинган, уларнинг энг саралари ҳукмдорга совға қилинган. Амир Саййид Олимхоннинг мусодара қилинган мулки таркибида шундай гулдон - вазалардан 500 дан ортиқ бўлган. Уларнинг кўплари собиқ шўролар даврида турли ташкилот ва шахсларга тарқатилган. Қолганлари музей экспозициясидан жой олган.

Сўнги кўргазмалар залига қўйилган «қулжон» чиннисидан тортиб, қашқар товоқларигача, XIV асрнинг селадонидан тортиб, зарҳалли япон гулдонларигача бу ноёб буюмлар музейнинг бебаҳо экспонатларидир. Музей залларидаги XVII-XIX-XX асрлардаги хитой ва япон чиннисининг бой коллекцияси амир хазинасининг ажралмас қисмидир. Қадим замонларда улар сарой хоналарини безаш мақсадида токча ва ровокларга қўйилган. Ҳозир ҳам шу анъанага амал қилиниб, қабулхонанинг ажралмас қисми бўлган гулхонага жойлаштирилган.

Мирзахонадан ҳовлига олиб чиқадиغان эшик орқали музейдан ташқари чиқилади. Чиқиш эшиги устига ярим гумбазли айвонча қўрилган бўлиб, эшикнинг, икки томонига Нур ато мармаридан сангтарош уста Абдурахим Турди 1913 йилда ясаган иккита шер хайкали ўрнатилган. Шерлар амир салтанатининг рамзи бўлиб, одиллик, адолат ва қудратни англатган.

Бош кароргохнинг шарк томонида боғга саройни курган машхур меъмор Уста Ширин Муродов (1880-1957й) бронза бюсти гранит тагликка ўрнатилган. Бюст муаллифи хайкалгарош Ҳаким Хусниддинхўжаев, ёдгорлик лойиҳаси муаллифи усто Ширин Муродовнинг набираси Нафзулло Муродовдир.

Ёдгорлик уста Ширин Муродов таваллудининг 100 йилити муносабати билан 1980 йилда ўрнатилган. Бухороликлар ўзларининг Буюк ватиндошларига атаб муносиб ёдгорлик қўйишган.

Экскурсия билан навбатдаги музей курғазмасига боғ ва йўлаклар орқали борилади. Боғнинг манзарали дарахтлар кисмида XVIII-XIX арсда экилган бир нечта дарахтлар бор.

Улардан ёши энг улуғи балхи тутлардир улар 1760 йилларда ботқоқлик ўрни ўзлаштирилиб, тўқайзорлар тугатилган даврда экилган. Бош кароргох рўпарасига 2 туп Каталпа (Франциядан келтирилган) дарахти 1860 йилларда экилган, 1861 йилда экилган дуб-эман дарахти бингога яқин бўлишига карамай, уни сарой қурилатган пайтда кесилганлар. Бу дарахт инсон баданидаги биомайдонни фоллаштириб, қувват бағишлаш хусусиятига эга. Унинг тагида бир неча дакика турган киши, бир кеча - кундуз ўзини тетик сезиб юради.

1916 йилда шарк мамлакатларидан келтириб экилган туя дарахтларидан бири чоррахага экилган. У ўнлаб шох шаба ташлаб, тарвақайлаб ўсиб, ўзига айлана майдон ҳосил қилган. Боғда Фарингистондан келтирилган «булдонеж» гуллари (бутагул) ҳам ўзгача чирой бағишланган.

Сарой меҳмонхонаси «Хонаи ҳашт» ёнига 1884 йилда экилган Чинор дарахти, иккинчи асрлик умрини яшамокда.

Саройнинг ташқари ҳовлисидан ичкарига долон орқали қадам босган ҳар бир сайҳнинг қулоғига чап томондаги симгўр ортида турган товусларнинг оҳу фиғони чалинади. Товуслар қадим замонларда бу ерда яшнаб турган жаннатмисол боғдаги хайвонот оламидан қолган ягона нишонлардир. Улар нега бунчалик ҳасрат билан тинимсиз фарёд чекшади? Ситораи Моҳи Ҳоса боғидаги ранг-баранг жонзотларнинг йўқлиб кетганидан эмасми?

Бухороликлар ўртасида бу тўғрида ажойиб бир ривоят тарқалган. Муқаддас китобларнинг бирида нақл этилишича, товуслар бир вақтлар парвардигор фармойиши билан Эрам боғининг дарвозасига қоровуллик қилишган. Қушлардан бир қуш шайтон товус қўзларини шамғалат қилиб илоннинг оғзидан қирганича думидан чиқиб, жаннатга тушишга муваффақ бўлибди. У Одам Ато ва Момо Ҳавони йўлдан оздириб, Хушаванди Каримнинг оғохлантиришига карамай, бошоқлари тилладан сарғийиб турган бугдойни истеъмол қилишга қўндирибди.

Тангри унинг гакидини қим бузганлигини сўраганида, Одам Ато айб-ли ўз бўйинларига олиб, Момо Ҳавони ҳимоя қилибтилар. Шунда

парвардигор Одам Атони «илоҳим ютган бугдойларинг томоғингга тақилиб қолсин», деб қаргаган эканлар. Шунинг учун аёллардан фарқли эркак зотининг барчасида кечирдак бўртиб чиққан экан. Ушандан буён инсонлар нафс пайдо бўлиб, у истеъмол қиладиган асосий озиқ-овқат жаннатда татиб қўрган бугдойдан пиширилган нон эмиш.

Парвардигор ўшанда шайтон йўлдан оздирган дастлабки бандаларини жазолаш билан чекланмабди. У товус ва илонларни ҳам жаннатдан қувиб чиқарибди. Товусларга бу ҳам қамлик қилиб, парвардигор уларнинг оёқларини қуритиб, «пес» қасалига мубтало қилипти.

Шундан кейин, товуслар ердаги жаннатни излаб Ситораи Моҳи Ҳосага қелишибди. Бироқ, ҳар гал қамалаксимон думини ёйиб, ҳаммага қўз-қўз қилиб турган товусларнинг назари ўз оёқларига тушганда, Эрам боғларини эслаб, ундан қувғин бўлганининг ҳасратидан оҳу фиғон чекар эмиш...

Буни қарангки, бир вақтлар жаннатдан ҳайдалган товусларни бошсизлик босқини тўғони ҳам Ситораи Моҳи Ҳоса саройидан қувиб чиқаролмади. Улар ҳамон ўз-ўзларидан қўпайиб, Бухоро ҳукмдорларининг афсонавий боғидан қолган ягона нишона сифатида саройда умр кечиришмоқда.

Яна бир ривоятда Оллоҳ ўн саккиз минг оламни яратиб бўлгач, ҳар биридан биттадан илтимос қабул қилган экан. Шунда товусларнинг макиёнлари садокат рамзи сифатида ўз гузалликларини ҳўрозларига беришни сўрашган экан. Шундан бери товусларнинг эркаклари қамалақранг узун думларга эга бўлган эканлар.

«Хонаи Ҳашт» - саккиз хонали павильон - Бухороликларнинг миллий кийимлари музейи

Кийимларни тикишда ишлатиладиган матолар.

XIX арсда ўзбек миллий кийимларини тикишда ишлатиладиган асосий матолар сирасига ип-газлама, ипак нимшойи ва жун газламалар қиради. Ҳом ашенинг мўллиги ва арзонлиги Мовароуннаҳр шаҳарларида ипак тўқувчилик ва бошқа хил матоларни тўқувчилик касб-ҳунарларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитни вужудга келтирди.

Тўқувчиликнинг, асосан, икки тури: ҳаммабоп ип-газлама тўқувчилиги ва нисбатан қимматроқ ипак тўқувчилиги кўпроқ тараккий эгитан. Ип - газлама матоларни тўқиш билан, асосан, аёллар, ипак ва нимшойи газламаларни тўқиш билан эркаклар шугулланишган.

Ип - газлама матоларнинг турлари ва навлари жуда хилма-хил бўлган. Айниқса оқ, жигарранг, сарик тусли «малла» бўлар кенг тарқалган бўлиб, улардан барча ёшдаги кишилар учун чопонлар, шунингдек, ички кийимлар, саллалар тикилган. Аёлларнинг рўмоллари,

дакина ва лачакларини тикиш учун шаша дока ишлатилган. Эркакларни куй-якларни хом сурп, сидирга чит, содда тукилган «капами» деб номланган ип-газламадан тикилган. Йўл-йўл ип газлама мато-олача, лонкалар кўп-оқ кишлоқ тукувчилари томонидан тукилиб, чопон тикишда ишлатилган.

Бухоро, Самарканд, Китоб, Қарши, Марғилон, Наманган ва бошқа шаҳарларда анъанавий ўзбек ипак (ханавуз, шойи, хон-атлас), нимшойи (бекасам, банорас, адрас) газламалар тукилиб, улардан тикилган турфа кийимлар ўзига тўхрок, бой бадавлат кишилар орасида расм бўлган.

Маҳаллий матоларнинг айримларига бир-икки огиз таъриф берамиз.

Атлас - абрли гуллар солинган тандаси ва аркоғи ипакдан қилинган юмшок қилиб бажарилган матох.

Хон-атлас - атласнинг алоҳида майин қилиб тукилган тури, нақшлари абрли бўлади. Унинг етти ранг (хафранг) хили жуда гузал бўлади. Уларни бажариш услубига қараб олти, тўрт тепки, саккиз тепки бўлади. Энг қиммати саккиз тепкилидир.

Адрас (абр-хаст) - абр иплар билан гул солинган нимшойи газмолдир. Унинг дуруя ва якруя хиллари мавжуд. Юза қисми ун ва крахмал билан оҳорланади.

Бекасам - йўл-йўл газмол бўлиб, ундан эркак, аёл ва болалар учун кундалик кийиладиган тўнлар, кўрпа-кўрпачалар тикишда фойдаланилган.

Банорас - бекасамдан ранг турлари билан фарқланиб, ундан аёлларнинг устки кийимлари; калтача ва паранжи тикилган.

Парипошша - бекасамдан калинроқ матодирки, у паранжи, чопон, яктак тикишда ишлатилади.

Шунингдек, кановуз, шойи, гулдор кимхоб, духоба, баҳмаллар ҳам кийим тикишда кенг қўлланилган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёга Россиядан келтирилаётган ип газлама ва бошқа матоларнинг миқдори тобора орта борди. Бу матолар Ўрта Осиё ва Қашқар ўлкасида тукиладиган газламалар билан рақобат қила бошлади. Россия фабрика эгалари маҳаллий халқ дилига қараб газмоллар ишлаб чиқаришга астойдил киришди.

XIX асрнинг охири XX бошида ўзбеклар орасида ҳам асосан фабрикада тайёрланган ип газламалар: чит, бўз, коленкор, хом сурпдан тикилган кийим-кечакларни кийиш расм бўлди.

Ўзига хос иклимга эга бўлган Бухорода кийимлар учун тайёрланган матолар ўзининг ёркин ранги, нақшларининг бойлиги ва таъсирчанлиги, кийимларнинг шакли ва бичими билан алоҳида ажралиб туради.

Саккиз бурчакли бино экспозицияси Бухорода ишлаб чиқарилган матолар билан бошланади. Маълумки, Бухоро қадимдан ўзида тайёрланган матолари билан машҳур бўлган. Жумладан, «Занданича» матоси қадим замонлардаёқ (VIII асрда) чет элларга экспорт қилинган.

хуш-хйх асрлардаям Бухоро матолари ўзининг нақши, тўкилиш услуби ва пишиқлиги билан дунё халқларини лол қолдирган. Бухоро ҳафранг баҳмали, адрас, атлас, шоҳи, ҳисори, алоча, бекасам матолари витриналардан жой олган. Вертикал витриналарда Бухоро ўрта ҳол аҳолиси (XIX аср II ярми) либослари намоён қилинган. Ўзунлиги 97 см бўлган киз болалар камзолли Бухоро шохисидан тайёрланган. Шунингдек, витриналардаги келинлар либоси, паранжи, «чоргул» рўмоллари орқали ўша давр муҳитини ҳис қилиш мумкин. Қўрғазмадан шунингдек, XIX аср Бухоро савдогар оиласи суратлари ҳам ўрин олган. Навбатдаги ҳона экспозицияси савдогар оиласи либослари билан бошланади. Унда ўзимизда қўлда тайёрланган либослар билан биргаликда, XIX аср II ярмидан урфга кириб келган фаранг велюрлари ҳам жой олган. XIX асрга келиб Бухоро ипак матолари юсак маҳорат билан яратила бошланди. Шунингдек, зардўзлик билан ҳамоҳангликда турли хил кундал ва рўмоллар ишлаб чиқарила бошланди. Бухоро қалғай рўмоллари ҳозирги кунга қадар Оврупо мамлакатлари халқлари ўртасида маълум ва машҳурдир. Зардўзи қалғай рўмол Бухоро ҳунармандларининг юсак маҳорат эгаси эканидан далолат беради.

Дўппи Ўрта Осиё кийими либосининг бир бўлаги бўлиб, кундалик либос турига кирган. Бухоро чеварлари қадимданок атлас, ҳожи дўппи, зардўзи дўппилар яратиш усталари бўлишган. Қишки бош кийимларни асосан, мўйна, мовут, баҳмалдан тайёрлашиб, зардўзи услубда безак беришган.

Бухоро азал-азалдан зардўзлик маркази саналган бўлиб, бу анъана ҳозирга қадар давом этиб келяпти. XIX асрда Бухоро амирлари саройида 300 га яқин ҳунарманд-зардўзлар ҳукмдорлар, аъёнлар, подшо оиласи ва меҳмонлари эҳтиёжлари учун турли хил буюртмалар бажарганлар. Зардўзликнинг гулдўзи, биришимдўзи, заминдўзи, тагдўзи, пилакчадўзи каби услубларини маҳорат билан бажарганлар. Ҳукмдорларга асосан устки либос сифатида, еттинчи тўн килиб зардўзи - гулдўзи - заминдўзи услубидаги жомалар тайёрланган. Қўрғазмадан асосан, Амир Музаффархон ва Амир Саййид Олимхонларнинг ҳарбий юриш ва тантаналар вақтида кийилган тўнлари ўрин олган. Амир чалварлари ҳам зардўзи-гулдўзи услубида тикилган бўлсада, уларда мавжуд ҳошиялар ҳарбий унвон даражасини билдирган. Зардўзлик нафақат миллий матолар (адрас, ҳисори, баҳмал), балки фаранг велюрларида ҳам амалга оширилган. Қўрғазмадаги аёллар кўйлаги Бухоро зардўзлари маҳоратини яна бир қарра исботлайди.

Зардўзлик ишлари билан аксар эркаклар шугулланишган бўлса-да, улар ўз маҳоратларини аёллар либосларида кўпроқ бажаришган, жумладан, аёллар дўппилари, пешонабандлари, рўмоллари, ковушлари. Бухоро аёллари либосига ҳос қўлтанушаклари, сочга тақилалган тўф ва жамнақлари шу меҳнат намуналари маҳсулидир.

Бинонинг олтин сувлари билан безатилган «хонаи калон», «хонаи калон» ва «хонхона» - сухбатхонаси безаклари кўрғазмага қўйилган. Хар бир буюм билан узаро ҳамоханглик ва уйғунликка эга. Деворлардаги «кунал», «гирих», «ислими», «мадохил», «тувакгул», «машрафагул» нақшлар билан бирга мукарнаслар, мажнунтол ва гултувак нақшлар хона чирканини янада бойитади.

XIX аср ўрталаридан бошлаб Бухоро амирлиги Хитой, Ҳиндистон каби давлатлар билан бирга Россия билан ҳам қизгин савдо олиб борарди. Бу давлатдан Бухорога фаянс ва чинни буюмлар кириб кела бошлади. Икки кулокли қовш, гулдон ва таглик, кичкина вазалар рус иклими, табиғатига мос қилиб ишланган. Япон ва Хитой чинниларида кўпроқ аждарҳо, рўзгор буюмлари, нероглифлар, миниатюралар тасвирланган.

Навбатдаги икки хона кўрғазмасида оёқ кийимлари намойиш қилинган. Бухоро аҳолиси оёқ кийимлари ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Улар асосан чармдан ёғочдан, мовутдан тайёрланиб, устига зардўзлик услубида ишлов берилган, тагчармида темир доначалари ёпиштирилган. Турли хил чўбин қовушлар бошқа ҳеч бир мамлакатда учрашмаслиги, ўзининг ажойиб кўринишга эгалигини кузатиш мумкин.

Чармдан тайёрланган этиклар ҳозирда ишлаб чиқарилаётган этиклардан қолишмайди. Этиклар пишиқ, мустаҳкам, пошналари остида металлдан қўшимчалар қилинган. Зардўзи оёқ кийимлар (этиклар, қовушлар, махсилар) орасида XVIII асрга хос этик-мовутнинг мустаҳкамлиги, тикилиш услубининг бетақдорлиги билан ажралиб туради. Кўрғазмага қўйилган оқ адрасдан тайёрланган яхтак орқали диний уламолар, ҳожилар, муллолар кийими тўғрисида тасаввур уйғотади.

Турли витриналарда турган Бухоро аёлларининг XIX аср II ярми кўчалик либослари ўз бичими, ўлчами, кўриниши ва нафислиги орқали томишганини лол қолдиради. Буларни қўриб «Шарк парижликлари» номини олган бухороликларни ўз кийими модасига нақадар жиддий эътибор билан қарашганлигини кўриш мумкин. Кўрғазмада қўйилган буюмлар орасида вилюр ва баҳмал матоларига тикилган қулоҳ ҳамда оқ сўрп ва докадан тайёрланиб, зардўзлик билан ишлов берилган саллалар алоҳида аҳамият касб этади. Аҳоли табақасида эркалар 9 ёшдан салла ўрашган ҳамда унинг узунлиги 12-14 метрга етган бўлса, ҳукмдор салласи 24 метргача етган. Бунинг сабаби ҳукмдор жанг вақтида ёки ҳажга бораётган вақтда вафот этса, бу салла унга кафан вазифасини ўташи керак бўлган.

Кўрғазмадан чиқиш жойида кичкинагина айвонча қўрилган бўлиб, уни асосан майда гулли нақшлар, ойна булаклари, рангдор шишалар безатиб туради.

Ошхона

Миллий кийимлар музейидан чиқиб канизакхона сари йўл олган киши хонаи ҳаштнинг жанубий - ғарб бурчагига яқин жойда қўрилган

квдрат шаклдаги гиштин бинога қўзи тушади. Унчалик катта бўлмаган бу бино (6 x 6 x 5 м) ягона ясси гумбаз билан ёпилган бўлиб, кириш ва чиқиш эшиклари ва тободони қилинган деразалар билан ўралган. Унинг поли вазифасини бажарган. Унда энг тансик таомлар тарқатилган. Бинонинг жануб томонида айвонча остида ўчоқлар қўрилган. У ерда тайёрланган таомлар ошхонага киритилиб, кейин меҳмонхонага олиб ўтилган. Ҳозирда бу ерда қаҳвахона - чойхона жойлашган.

Канизакхона - ётоқхона (Хонаи Ҳоб) - бадний каштачилик ва этнография музейи.

Сарой мажмуасининг жанубида жойлашган канизакхона биносида ҳозирги кунда XIX аср Ўзбекистон халқлари этнографияси ва Бухоро каштачилик музейи кўрғазмаси ташкил этилган.

Кўрғазмани кашталарда учрайдиган нақшлар, безаклар, гуллар тасвири туширилган чизгилар бошлаб беради. Уларда асосан аноргул, сафсаргул, бодом, қалампир, доирагул, қўчқорак, морак, себарг, барглар нусхалари тасвирланган. Ётоқхона ички безакларидан асосан шифт - потолок безаклари, карнизлар ва голланд услубида қўрилган печкалар ва камин сакланиб қолган. Мукарнаслар ва карнизлар орасида наққошлар юксак маҳорат билан гуллар ва барглар тасвирини табиий бўёқлар ва тилла сувлари билан ишлаган. Фаянс ва сополли кафел печкалар эса хона маҳобатини янада улғулаштиради. Хона ичида XIX аср II ярми Бухоро ўртаҳол аҳолиси уйи интерьерини намойиш қилинган. Хона деворлари нозик дид билан тикилган ироки ҳамда йўрма услубидаги сўзаналар ва жойнамоҳ билан, шунингдек шонаҳалта ва ойнаҳалталар билан зийнатланган. Хар бир хонадонда мусиқа асбоблари мавжуд бўлган. Хонадонда ҳеч қим шу асбобларда қўй чала олмасида, бу ерда ўтайдиган базм ва мушоираларда албатта машшоқ ва созандалар иштирок этишган. Намойишга қўйилган сато ва дуторлар шундан далолат беради.

Хонадонда янги меҳмон дунёга келса, махсус маросимлар «ақиқа» ва «беш кеча» ўтказилиб, болага исм қўйилиб, уни бешикка боғлашган. Она алласини эшитиб, улғайган бола ақлли, меҳрибон, садокатли, эпчил ва меҳнаткаш бўлиб вояга етган. Чунки бу ҳислатларни бари она алласида жамулжам бўлган.

Хар бир оила киши пайтлари совуқдан сакланиш учун хона бир бурчагида сандали ўратилган. Унинг остидаги урага ёниб бўлган олов чўтини солишиб, устини қул билан ёпишган, оёқларини кўрпа остига тикишиб исинишган. Кўрпа-тушаклар эса сандик устига терилиб, унинг усти сўзани, жойпўш, жойнамоҳлар билан ёпиб қўйилган. Чунки тушакка номаҳрам кишининг қўз тушмаслиги керак бўлган.

Навбатдаги хоналар экспозициясини Ёғдудон сополсозлиги бошлаб беради. Ўрта Осиё сополсозлик мактабларидан фарқ қилган ҳолда,

ғижлувонлик усталар асосан олти рангни ишлатишган, уларни сирлаш учун табиий минераллардан фойдаланиб, кўпроқ корамтир туслар беришган. Деворларда сўзанилар осилган. Сўзани форс-тожикча сўзани олинган бўлиб, «игна билан тикилган» деган маънони беради. Бухоро кизлари асосан 5-7 ёшдан кашта тикишга ўргатилган.

Вояга етгач, эса шу кашталардан ўнтагача сеп тайёрлашган. Сеп таркибига сўзанилар, жойлуш, жойнамоз, белбоғ, кўл рўмолча, ойна халта, чой халта, шонахалта, танпоққун каби буюмлар ўрин олган. Кашта матоси кўлда тайёрланган (кенглиги 20-25 см). Ип газлама бўз, карбос, адрас, шойи ва сатин бўлган. Бир неча мато бирлаштирилиб, каламкашта юборилган. Каламкаш ўз навбатида, ҳунари сирини ўзгалардан сир тутган ҳолда, нақшлар чизиб қандай ранглар бўлишини белгилаб берган. Каштачи тикмокчи бўлган сўзанисини бўлақларга ажратиб, ҳар биртасини алохида-алохида бажарган. Кейин уни яна қайтадан бирлаштириб, ягона намоён ҳосил қилган. Ҳар бир нақш эса маълум бир маънони билдирган. Масалан, қуёш - ҳаётни, шох ва бутоклар-умр рамзини (гул-дарахт), бодом - узок умрни, анор - фарзанд сероблигини билдирса, калампир ва қўчқорак хонадонни бало-қазодан саклашини билдирган. Ушбу кашталарга назар соларкансан, уларда қанчалик чуқур фалсафий маъно яширинганлигини билиб оласан, киши.

Ҳоҳ бой бўлсин, ҳоҳ камбағал, аҳолининг барча табақаси аёллари кашта тикишган. Оддий оилалар асосан бўз; малла, шунингдек рус фабрика матоларидан фойдаланса, бой оилалар ярим ипак адрас ва шойи матолардан фойдаланишган.

Кашта тикиш давомида аёллар кичкина-кичкина элементларни ташлаб кетишган. Бу эса яратганга ҳамду-сано бўлган. Яъниким, охиригача етказилган иш фақат оллоҳ-таолонинг қўлидан келади, - деган тасаввур бўлган.

Кашта иплари кўлда тайёрланган ипакдан тайёрланиб, табиий бўёқлар билан бўялган. Бунинг учун анор пусти, ёнгоқ, пийз пусти, исирик, рўян, шафран, исқандарпечон, усма, хино каби табиат неъматларидан фойдаланишган. Фақатгина қора ранг табиатда учрамаганлиги боис, жундан фойдаланишган.

Кашталар билан нафақат девор безакларини, балки ич кийим, уст кийим, дўппи, ҳатто оёқ кийимлари бўлган махси, этик, туфли, қовушларни безатганлар. Уст кийим асоси бўлган енглар сурпдан қилиниб, кашта билан безатилиб, қўшимча енг сифатида куртага уланган (Инв. №2926/9).

Намойишга қўйилган инв. № 1750/10, ўлчами 104х80 см бўлган чаллар ярим жун-банот матосидан тайёрланган бўлиб, пасти мўйна билан зийнатланган, «ироки», «босма» ва «йўрма» услубларида кашта тикилган.

XIX аср Бухоро келин-қуёвлари либоси ҳам ўзига хос. Қуёв салласи тошлар билан зийнатланган. «Қундал» жома, зардўзи этик ва камарбанд эса уни улуғвор қилиб кўрсатади. Келиннинг либослари эса

ипак матолардан тайёрланиб, зардушлик билан безатилган. буйнидаги гардон (инв. №26560/8) эса Бухоро заргарлари маҳоратини яна бир марта исботлайди.

XIX аср II ярмидан бошлаб Бухоро бозорларида рус чинни фабрикалари -ака-ука Кузнецовлар ва Гарднер фирмаларида ишлаб чиқарилган чинни буюмлари билан тўла бошлайди. Бу буюмлар уз кўриниши, нақши, гули билан Шарк бозорларини мафтун этади. Инв. №1524/1 бўлган дастшуй Россияда тайёрланган бўлсада, шарк иклими эhtiёжи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган.

Наббатдаги хоналарда мустақиллик шарофати билан қайта тикланган Шофиркон ва Нурато мактаблари сузаналари намойиш килинган. Ҳозирги пайтда Нуратода Иқбол Бозорова, Шофирконда Муҳаббат Кўчқорова, Олия Нурулласва, Мухтарама Расулова, Зухро Облобердиева сингари моҳир чебарлар ўлмас анъаналарни давом эттириб, нодир санъат дурдоналарини яратаяптилар.

Бинонинг иккинчи қавати амирнинг онаси Эшон ойимга мўъжалланган бўлиб, унга 1917 йилда мрамардан ишланган ва темир панжаралар билан ихоталанган зина орқали чиқилади.

Иккинчи қават иккита хона, кишки ва ёзги айвонлар, кичик хона ва ширдорлардан иборат. Кишки айвон безакларида олти киррали «Довуд» юлдузи рангдор шишалар билан ишланган. Бундан шу нарса кўринадики, бино қурилишида яҳудий усталар ҳам иштирок этишган. Ёзги айвон эса 9 устунли ярим аркалардан иборат. Хоналарда фақатгина фаянс печкалар ва потолок безаклари, карнизлар сақланиб қолган. Ётоқхонанинг иккинчи эшигидан эса Ўрта Осиё меъморчилигига ёт балконга чиқилади. У ҳам темир панжара билан ўралиб, ости наққошлик ва ўймакорлик билан безатилган. Кўргазма Гиждувон кашталари билан бошланади. Гиждувон каштачилиги асосан Тошработ, Азизобод, Вангози ва Гиждувон сузаналаридан иборат. Бу мактаб вакиллари бигиз ёрдамида «дарауш» услубида ажойиб санъат намуналарини яратишган. «Чашми булбул», «морак», «кандахаёл» услублари орқали ранглар ўйинини ҳосил қилишган. Сузаналар фони ва рангида худди сополсозлик каби қорамтир-жигар туслардан фойдаланишган.

Шаҳрисабз беклиги Бухоро амирлигининг йирик марказларидан ҳисобланиб, бу ерда ҳам каштачилик анча тараккий этган. Бу беклик аҳолиси сузана ва турли кашталарни ироқи услубда амалга оширишган. Хона деворларида сузани, нимсузани, от устига тушаладиган доури, ойна халталар, китоб муковалари (жузгир), пойча каби буюмлар билан бир қаторда кўйлак олди безаклари бўлган пешкурталарни кўриш мумкин. Наббатдаги хонада анъанавий жойпўшлар намойиш килинган. Жойпўшлар турли вилоятларда турлича номланади. Самаркандда «руйижо», Нуратода «болижой», Бухорода «жойпўш».

Жойпуш ёш келин-куёвлар жойи устига тушаб қўйилган. Қурш-қуршчалар сандик устига йиғилгандан сўнг, уни атрофи шу жойпуш орқали ураб қўйилган. Қурғазмага қўйилган Инв. № 888/10, ўлчами 235х162 см бўлган жойпуш Бухоро абрли адрасига тикилган бўлиб, нақшлари мато гулларига ҳамоҳанг тушган.

Хонадаги карама-қарши эшиклар ёнларида ойнаванг тоқчалар қўйилган ва уларда Россия ва Хитойга ишлаб чиқарилган чинни буюнлар: чойнак, пиёла, тақсимчалар намоён қилинган. Оёқ остида эса соф туя жунидан тукилган, табиий рангли Бухоро гилами тушаб қўйилган.

Музей мажмуасининг ажралмас қисми ҳисобланган сарой боғила 170 йиллик дуб (эман), 140 ёшлик чинор, 100 ёшдан ортиқ яшаган ясин, каталпа, туя дарахтлари, жаннат қушлари саналган товуслар гомлашабинларни табиат оламининг сەхри қўйнига сайр қилдиради.

«Ситораи Моҳи Хоса» сарой мажмуаси Марказий Осиёда шўролар тунг'уришига қадар мавжуд бўлган ўнлаб саройлар орасида яхши сақланиб қолган ягона ёдгорлик ҳисобланади.

Сарой, яна шуниси билан қимматлики, унда қарийб бир асрлик давр руҳи ва тарихи ўз аксини топган. У Бухоро халқ меъморчилигининг узок ва бой ўгмишини муносиб бойитган.

Ситораи Моҳи Хоса қароргоҳи шох саройларининг Шарқдаги энг ноёқ тарихий-меъморий обидаларидан биридир. Зероки, Техрондаги XIX аср шохлари, деҳлидаги Бобурийлар саройи ва бошқа дхунёга машхур ҳукмдорлар қароргоҳлари ҳам бунчалик яхлит меъморий мажмуа шаклида давримизгача эсон-омон етиб келмаган. Шунинг учун мазкур осори атика аҳамияти жиҳатидан жаҳон маданиятида Париждаги Лувр қироллар саройи, Версалдаги князлар, Санкт-Петербургдаги Екатерина ва Николай саройлари Кримдаги Ливада саройи билан бир қаторда туради.

Бухоро атрофида ҳам XX аср бошларида бундай саройлар бир неча бўлган. Карманадаги Абдулахадхон, Ширбудиндаги Музаффархон ёзги саройлари шулар жумласига кирган. Бирок мамлакат пойтахтидан нисбатан йироқда жойлашган бу қароргоҳлар ур-йиқинг даврида таланиб, кейинчалик ер юзидан йўқ бўлиб кетган.

Фақатгина Ситораи Моҳи Хоса инқилоб тўфонларига бардош бериб, замонамизга ҳусни жамолини сақлаган ҳолда етиб келди. Бир томондан бу унинг шаҳар марказига яқинлиги, иккинчи томондан Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Мусо Сайиджонов сингари юрт фарзандларининг юксак маданиятимиз нишонаси бўлган бу бебаҳо осори атикани дахлсиз ҳолда келгуси авлодларга етказиш соҳасидаги саъй-ҳаракатлари натижасидир. Саройнинг аҳамияти амирлар қароргоҳи бўлгани билангина эмас, балки XIX-XX асрдаги юртимиз меъморчилик санъатининг юксак намунаси эканлиги, халқ бадий хунармандчилигининг энг нодир

буюмлари бу ерда жамулжам қилинган маскан эканлиги билан белгиланади.

Мангит сулоласининг сўнгги ҳукмдори тақдирига келсак, у жуда аянчли тугади. 1920 йилнинг машъум сентябрида Бухорони шошилинч тарқ этган собиқ ҳукмдор 1921 йилнинг 4 март куни ҳозирги Тожикистон Республикаси ҳудудидаги Панж дарёсини кечиб Афғонистонга муҳожирликка ўтишга мажбур бўлди. Шундан кейин Олимхон ватангадолик аламини тўла-тўқис татиди, тожу тахтини қайтариш учун кўп йиллар давомида бош бўлган ҳатти-ҳаракатлари натижа бермагач, шўролар ҳокимиятига мурожаат этиб, унга Ватанига қайтишга рухсат беришларини ўтиниб сўради. Табиийки, у рад жавобини олди ва шундан сўнг она-юрт фироғида кўз ёшлар тўкиб, охир оқибатда кўр бўлди. Собиқ ҳукмдор 1944 йилнинг 30 апрелида мусофирликда вафот қилди.

Амир Саййид Олимхон Бухорони тарқ этаркан, энг аввало оила аъзоларини ўзи билан олиб кетишга ҳаракат қилди.

Бухоро тахтида ҳукмдор бўлиб турган никоҳидаги 4 та шарий хотинидан 3 ўғил бирта, киз фарзанди бор эди. Ўзи билан ўғли Раҳимхонни ва кизи Ҳусниябегимни олиб кета олди ҳалос. Ўғиллари Султонмурод ва Шохмуродларни шўролар гаровга олишган эди. Катта ўғли Султонмурод 1927 йилда қочмокчи бўлганида чегарачилар томонидан отиб ўлдирилган. Шохмуродни 1929 йилда отасини «ок» қилишга мажбур қилдилар. Унинг «Известия» газетасида, кейинчалик «Озод Бухоро» газеталарида Олимхонга мактуби эълон қилинди. У ҳақида амирни ота сифатида тан олмаслигини, тақдир уларни учраштира душманлар сингари қарши олишини ёнган. У Москвада ҳарбий таълим олган. Совет армияси генерали унвонига эришган. 1984 йилда вафот этган.

Олимхон ярим тутқунликда Фатҳ қалъасида яшаган 1921-44 йилларда унлаб хотинларга уйланиб, кўшлаб фарзандлар қўрган.

Ҳозирда 7 нафар ўғли Туркияда, бир ўғли АҚШда, бир ўғли Германияда, 1 ўғли Покистонда, 1 ўғли Саудия Арабистонида, бир кизи АҚШда яшайди.

Фарзандларини тахт ворийси этиб тайинламаган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин, уларнинг бир нечтаси Ўзбекистонга зиёратга келишган.

Муҳожирлар ўртасида бу тўғрида ибратли бир ривоят бор. Омир қасал бўлиб қолган Олимхон тузалиб кетиши учун фарзандларидан унга олис Бухородан Ғурбуннинг анорини, Қўрғоннинг анжирини ва Ситораи Моҳи Ҳосанинг мусаффо ҳавосини олиб келишни илтимос қилипти. Табиийки фарзандлар унинг сўнгги илтимосини бажаришнинг улдасидан чиқишолмапти. Шунинг учун улар оталарини машинага ўтқазиб Амурдёр бўйига олиб келишибти, тоқим надарини бузруқворларини билан оқиб келган она юрт ҳавосига кўксини тутиб, тўйиб-тўйиб нафас олсин. Фарзандларидан бири унинг кўлига минг қийинчилик

билан Бухорои Шарифдан олиб келинган бир сиким тупрокни тутказибди. Саййид Олимхон муқаддас тупрокни калтираб турган кафтарига олиб юзига сурттанича, бошини Бухорои Шариф сари буриб, жон берибти.

Ҳа, Ватан фироғини бирон айрилик дарду алами билан таққослаб бўлмайдди. Ушанда канчадан-канча бухороликлар она шаҳарларини ташлаб кетиб, мухожирлик кулфатларини бошларидан кечиришди.

Шўролар инкилоби ўнлаб авлодлар мулки бўлган осори атикаларимиз тақдирига ҳам аянчли таъсирини кўрсатди. нафақат дахшатли инкилоб кунларида, балки шўролар ҳокимиятининг узок йилларида ҳам саройдаги қимматбаҳо ашёлар, бебаҳо ёдгорликлар қилимий санъатимиз намуналари бўлган заргарлик, зардушлик, қаштачилик буюмлари талон-торож қилинди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маданиятимиз жонқуярлари узок ва яқин хориждаги турли юртларга қараб тарқаб кетган бу тенгсиз ашёларни излаб топиш ва музей кўргазмаларига қайтариш йўлида тинимсиз ҳаракат қилмоқдалар. Шунингдек, юртимиз хунарамандлари санъатининг турли даврларда мамлакатдан олиб кетилган ва айни маҳалда хориждаги машҳур музей ва кўргазмаларда сақланаётган нодир буюмлар каталогларини тузиш, «Ситораи Моҳи Ҳоса» музейида уларнинг нусхаларини намойиш этиш бўйича ҳам муайян ишларга киришилган. Бу хайрли ишлар, албатта, ўз самарасини бериб, сарой келгуси авлодларга қадимги хусну тароватини, нашо намосини қайтарган ҳолда етказилади. Сарой қалъа девори ўрнида пишиқ гиштдан девор қурилиб, музей атрофи ўраб олинди. Мажмуани тўлиқ тиклаш ишлари бош лойиҳа асосида 2017 йилдан бошланиши кўзда тутилган.

Пировардида мен мақкур китобчани нашрга тайёрлаш ва чоп этишга амалий ёрдам кўрсатган Бухоро Давлат музей-қўриқхонаси раҳбариятига, «Буюк Ипак йўли» Бухоро маданий-маърифий Маркази нодавлат ноτιжорат ташкилотига, Бухоро вилояти имом хатиби Ҳожи Ғафуржон Раззоқовга, олимлар Сайфулло Абдуллаев, Ғолиб Қурбоновга самимий миннатдорчилигимни изҳор қиламан.

Ҳурматли китобхонлар, қайсидир хонадонда Ситораи Моҳи Ҳоса саройига алоқадор қадимий ашёлар, фотосуратлар, мажмуани барпо қилган усталар тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган бўлса, музейга муурожаат этишингизни сўраймиз.

КАМПИР ДЕВОР - КАДИМГИ БУХОРОНИНГ ҚУДРАТЛИ МУДОФАА ВОҲА ИСТЕҲКОМИ.

Ж.К. МИРЗААХМЕДОВ

Ўз. ФА Археология институти,
этакчи илмий ходим, тарих
фанлар номзоди

Биз ҳаммамиз мактаб дарсликларидан бошлаб, Буюк Хитой девори тўғрисида кўп ўқиганмиз ва эшитганмиз. Бу девор милoddан аввалги III асрдан деярли 2 миллион аҳолининг иштирокида қурилиши бошланиб 4000 км масофага чўзилган ва кадимдан жаҳоннинг етти муъжизаси қаторига кирган. Девор Хитой салтанатининг шимоли-ғарбий чегараларига жойлашиб, бир ярим минг йилдан ортиқ муддат давлат аҳолисини кўчманчи-чорвадор халқлар босқинидан химоя қилишда бардош берган ва тарихда Буюк Хитой девори деб ном олиб мазкур иншоот ҳозирги кунларда, дунёнинг энг йирик туризм объектлари орасида жой олган.

Кўпчилик Ўзбекистонда ҳам шундай кадимги Воҳа деворлари фойлият қўсатганлиги ва қолдиқлари борлиги тўғрисида эшитмаган бўлса керак. Охириги ўн йилликлар давомида археолог-олимларимиз тадқиқотлари натижасида бундай улуг мудофаа архитектура қурилмалар - Марказий ва Ўрта Осиё ҳудудларида: кадимги Марв, Балх, Термиз, Бактрия ва Сўғд чегараларида жойлашган "Темур дарвоза", Самарканд Сўғдида "Девори Қиёмат", Уструшонада, Чоч, Фарғона ва Хоразм чегараларида аниқланди.

Ушбу иншоотлар орасида кадимги Бухоро воҳасини ураб олган Кампир девор ўзининг юксаклиги, тарихий манбаларда машҳурлиги, давлат, ҳарбий аҳамияти ва сақланиш даражаси жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Бу ёдгорликни ўрганиш ишлари XIX асрнинг охирида бошланганига қарамасдан, ҳозирги кунга қадар ҳам тадқиқотчилар тарафидан унинг илк қурилиш даври, қим томонидан ва қимга қарши, қандай мақсад ва вазифаларга хизмат қилгани ҳақида деярли тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас.

X-XII асрларига оид машҳур Муҳаммад Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарига ёзилишича, Кампир деворнинг қурилиши 782- 783 йилларда Араб Халифалигининг Хуросондаги ноиб Абул Аббос Сулаймон ат-Тусий буйруғи билан бошланганлиги ва 830-831 йилларга қадар, яъни 48 йил давом этган. Қўлёзмада бу ишларга Бухоро амири Мухтади ибн Ҳаммад бошчилик қилганлиги, унинг буйруғи билан ҳар бир йарсанг масофада бир дарвоза қуришга ва ҳар ярим мил масофада биттадан мустаҳкам минора қўтарилганлиги қайд этилган. Бухоро қозиси бўлган Саъд ибн Халаф ал-Бухорий бу ишга мутасадди бўлган.

Шу билан бирга Маъсудийнинг "Китобут танбих вал ашраф" номли асарида Бухоро воҳаси атрофидаги девор узок ўтмиш замонларда, қадимги Сўғд подшоҳлари томонидан воҳани кўчманчилар хужумидан муҳофаза қилиш учун қурилган бўлиб, кейинчалик Абул Аббос Сулаймон ат-Тусий томонидан янгидан тикланганлиги маълум қилинади.

Мазкур маълумотлар қадимги Бухоро воҳаси атрофида, турли даврларда барпо этилган иккига девор бўлганлигидан гувоҳлик беради. Улардан бири, тахминан, бир неча асрга қадимийроқ бўлиб, иккинчиси эса ундан кейин, ёзма манбаларда тўлароқ ёритилган VIII асрнинг охири - IX асрнинг бошларига оид девор.

Бошқа ўрта аср арабий тарихчилар Истахрий ва Ибн Хавқалнинг ёзишларига кўра, Бухоро воҳаси 22 русток (туман)га бўлинган бўлиб, улардан 15 таси воҳа девори ичкарасида компакт жойлашган бўлиб, 7 таси эса ташқарида - чўл-тоғ ҳудудларида жойлашган алоҳида кичик воҳачалардан иборат бўлган.

Умуман олганда, ёзма манбаларнинг маълумотларига кўра, қадимги Бухоро воҳасининг ҳукмдорлари воҳанинг обод шаҳарлари, гуллаб яшнган дехқончилик рустоклари, боғ-роғларини воҳадан ташқарида яшаган кўчманчи - чорвадор қабила галаларининг босқинчилик - галогчилик хужумларидан саклаш, воҳа аҳолисининг ички сиёсий - иқтисодий ҳастига аралашувларига йўл қўймай, улар орасида тўсик ҳосил қилиш ва ўтроқ аҳолини ташқи ёрдамдан маҳрум қилиш мақсадида, меҳнаткаш оддий одамларнинг куч ва маблағлари ҳисобига, ҳашар йўли билан, воҳа атрофини мустаҳкам муҳофаза девори билан ўраб олганлар.

Шундай қилиб, Кампир деворнинг қурилиши деярли икки аълод ҳаётини уз ичига олиб маҳаллий халқ учун жуда оғир мажбурий меҳнат ва қўшимча солиқ териш йўли билан амалга оширилган.

Кампир девор ҳозирги Бухоро воҳасининг шарқий қисмида Навоий вилоятининг Қизил-тепа туманини; Бухоро вилоятининг шимолидан Ѓижувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитан; ғарбдан Жондор ва жанубдан Қогон туманларини ўраб олган.

Ёлгорлик бўйича дастлабки изланишлар XIX асрнинг охирилари ва XX аср бошларида Ўрта Осиё тарихини ўрганишини бошлаган Туркистон археология тўғараги аъзолари Н. Ф. Ситняковский (1896 йил) ва шарқшунос Л. А. Зимин (1915 йил) Бухоро воҳасини шарқ томонидан ҳозирги Қизилтепа ва Зарафшон дарёсининг қирғоғида жойлашган Ҳазора номли истеҳкомлар оралиғидаги бир неча жойда Кампир девор ҳаробаларини топиб кузатишган. 1934 йилдан Санкт-Петербург Давлат Эрмитажи профессори А. Ю. Якубовский, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти олимлари - проф. В. А. Шишкин, 50-йиллардан эса проф. О. В. Обельченко, т.ф.н. Х. Мухаммедовлар Кампир девор воҳа истеҳкомининг шарқий, жанубий ва ғарбий қисмларини бир неча жойини кесимини қилиб, таълиқларини аниқлашди. Айниқса, самарали

паллар Ўз ФА академиги Я. Гуломовнинг шоғирди Халилулла Мухомедов тарафидан утган аср 50-йилларининг охири ва 60-йилларининг бошларида босқичма-босқич туяларда йўл босиб, деворнинг сакланиб қолган қисмларини бир-бирига улаб, айрим жойларда эса илк бор деворнинг бир неча аср олдинроқ қурилган қисмларини аниқлаб, Кампир деворнинг тарихига катта хисса киритилди. Жумладан, воҳа деворининг умумий узунлиги 330 километрга яқинлиги, девор харобалари бўйлаб, ҳар 100 метр масофада ташқарига бўртиб чиққан буржлар ва ҳар 6-10 км масофада қурилган қалъа-истехком харобалари, баъзи ерларда девор бўйлаб қурилган дарвозалар ўрни аниқланган. Тадқиқотлар қўлчилик истехкомлар работ характерида бўлгани, работ -истехкомлар кўпинча қўлдан воҳага қириладиган савдо ва стратегик йўллар ёқасидаги Кампир деворнинг дарвозалари ёнида жойлашгани, улар ҳарбий характердаги тўрт тарафидан мустахкам деворлар билан ўралиб, бу ерда қуриқчи-ғозийлар яшаганини кўрсатган.

Кампир деворнинг эни ва структурасини аниқлаш мақсадида ўтказилган изланишлар унинг умумий қалинлиги 12-14 метр, сакланган баландлиги 2 метр билан чегараланганлиги ва тахминий баландлиги 8 метр атрофида булганлиги белгиланди. Уни бино қилишда маблағ, меҳнат ва вақтни тежаш мақсадида бир-бирига параллел ҳолда, ҳар бирининг қалинлиги 3-4 метр дан қилиб, икки қатор паҳса девор уриб чиқилганлиги ва улар орасидаги 4-6 метр кенгликда қолдирилган бўшлиқ-оралиқ эса қум ва майда тош аралаш лой билан тўлдирилганлиги аниқланди.

Тадқиқотлар давомида девор қолдиклари казишмаларидан V-VI ва VIII-IX асрларга оид сопол идишларнинг булаклари, мис тангалар ва хом гилгит булаклари топилиб, воҳа деворининг ёзма манбалардаги маълумотлари ва олимлар томонидан тахмин қилган қурилиш даврига яқин қилиш археологик материаллар билан тасдиқланди.

Охириги ўн йилликлар давомида жаҳон илм - фанида қадимги воҳа деворларининг тарихи, қелиб чиқиш сабаблари, мақсад-вазифаларига қўйилган жуда кўпайиб бормокда. Жумладан, Ўзбекистон воҳа деворлари ва айниқса қадимги Бухоронинг машҳур Кампир девор истехкомини замонавий фан ва технология талаблари асосида чуқурроқ ва кенгроқ ўрганиш Ўзбекистон-АҚШ олимлари - Ўз ФА Археология институти ва Нью-Йорк университетининг "Қадимги дунё тарихи" бўлими ходимлари томонидан замонавий, янги техник асбоблар, жаҳон талаблари асосида амалга ошириляпти.

Ҳозирги даврда қишлоқ ҳўжалигида янги ерларни ўзлаштириш ва саноат қурилиши жадаллашиб бориши, қадимги ёдгорликлар, жумладан Кампир девор қолдикларининг аста-секин бутунлай йўқолиб кетишига олиб келаяётгани тадқиқот ишларини жадаллаштиришни талаб қилмокда. Шу боис қўшма экспедициянинг дастлабки ишлари қадимги Бухоро воҳасини шарқ, ғарб, шимол ва жануб томонларида сакланиб қолган

кисмларини замонавий космик координата системалар оркали хариталарга тушириб унинг тизимига карашли кадимги дарвозалар, буржлар, работ на стратегик ахамиятта эга калъа, шаҳар истехкомлари ўринларини аниқлашга каратилмокда. Воҳанинг шарк кисмида, хозирги Навоий вилоятининг Кизилтепа тумани худудида олиб борилган археологик тадқиқотлар янги ва муҳим натижалар берди. Сабаб Навоий вилоятининг Кизилтепа ва кисман у билан чегарадош Навбахор туманида Кампир деворининг бир неча катта кисмлари яхши сақланиб қолган. Улар ичида, айниқса, Зарафшон дарёсининг чап, баланд қоя тоғли қирғоғи бўйлаб, гарбга 13 км га яқин масофа бўйлаб ўтган Кампир девор кисми Хазора харбий истехкомидан бошланиб, кейинчалик Ганчтепа, Бургут тепа, Абу Муслим тепа, Шахривайрон ва Кизил тепа ёдгорликларига такаллади. Келирилган калъалар қаторида Абу Муслим тепасининг ўзига хос муҳим ўрни бор. Бу ердан Зарафшон дарёси бир неча тармоқларга бўлиниб, бутун Бухоро воҳасини сув билан таъминлайдиган, калит-кулфли, стратегик ахамиятта эга сув айригични қуриқлаш учун истехком ролини ўйнаган.

Изданишлар борасида экспедиция аъзоларини Ганчтепа ёдгорлиги ҳам ўзининг деярли яхши сақланиши билан жалб қилди. Бу калъада ҳам Зарафшоннинг Кампир девор тизимидаги баланд қоятош чап қирғоғида жойлашиб, мустаҳкам харбий иншоот сифатида хизмат қилган. Қалъа тўғри бурчак шаклида қурилиб, мустаҳкам деворлар, ташқарига бўртиб чиққан тўртбурчаксимон буржлар билан қудрати оширилган. Археологик казилмалар натижасида ёдгорлик баландлиги 11 метрга қадар сақланганлиги ва уч қаватдан иборат бўлганлиги аниқланди. Деворларнинг ташқарисида шахмат шаклида жойланган, вертикал ҳолдаги, душманга камон билан ўқ ўзиш учун мўлжалланган бир неча қатор нишлар очилди. Истехкомнинг деярли ярим минг йил мобайнида хизмат қилганлигини (V-IX асрлар) ичкарасидаги каридорсимон ва буржларнинг маданий қатламлари ичидан чиққан сопол идишларнинг парчалари, девор ташқарисига такалган камон ўқлари тасдиқлайди. Топилмалар ичида айниқса, қурилишда девор кўтариш учун ишлатиладиган темир қопча-белкурак ва тўрт қиррали, қуриқчиларнинг чарм ва темир совутларини тешиб ўтадиган махсус, оғир камон ўқи қолдиклари топилганини эслатиш диққатга сазовор.

Ёдгорликнинг яна бир қизиқарли ахамияти, қалъанинг гарбий иморат-қолдиклари ёнида, Кампир деворнинг ташқи Чули Малик тарафидан, Зарафшон бўйига йулак тушиб, шу ердан воҳага қирадиган жанубий дарвозаларнинг бири жойлашганини аниқ тахмин қилиш мумкин. Бундай дарвозалардан давлат ичидаги шаҳарлараро ва халқаро савдо қарвонларини ўтишидан ташқари, махсус ойларга мўлжалланган, воҳанинг ўтроқ-деҳкон аҳолиси ўз ғалла, хунармандчилик, мева маҳсулотларини; чорвадор аҳолининг моллари, тери, жун ва ундан ясаладиган маҳсулотларига алмаштириш (айирбошлаш) катта бозорлари ташқил

топган. Шунингдек, тақдирлаш лозимки, Кампир девор тизимидаги дарвозалар ёнида қурилган истехкомлар уларни қуриқлаш вазифасидан ташқари божхона хизматини ҳам амалга оширган, деб ўйлаймиз. Бундай қолдикларга қилишимизга қалъанинг шимоли-гарбий бурчагидан, деярли қурилиб кетган иморат қолдикларининг ичидан топилган ва харбий истехкомларга хос бўлмаган рангли деворий суратларнинг майда парчалари ҳам сабаб бўлади. Топилмалар илк ўрта асрлар даврига (V-VIII аср) оид бўлиб, ўз вақтида истехкомнинг шу бурчагида жойлашган бой, рангли расмлар билан безатилган, ҳоналар бўлганлигидан далolat беради. Шунга ўхшаш ва ушбу даврга тегишли божхона вазифасини бажарган, безатилган ҳоналар Қадимги Бактрия ва Сўғд чегарасида жойлашган (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари чегараси) "Темир дарвоза" истехкомидан ҳам топилган.

Хулосага келсак, археологик тадқиқотларнинг сўнги натижалари қадимги Бухоро воҳасини ўраб олган Кампир девор қолдикларининг дастлабки қурилиш даври миллоднинг V асрига; иккинчи, қайтадан тиклаш босқичи эса VIII асрнинг охири - IX асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Ёзма манбаларнинг келтиришига асосан бу буюк истехкомнинг қурилиши, биринчи ғалда қўчманчи-чорвадор қабилаларнинг талончилигидан ўтроқ-деҳкон воҳа аҳолисини химоя қилиш мақсад бўлган. Араб халифалиги истилосидан кейин эса Дашти Қипчоқ туркий қабилалар юз йил мобайнида сўғдийларнинг араблар зулмига қарши қўзғолонларига ёрдамга келган ва жангларда маҳаллий аҳоли билан ёнма-ён турган. Шу сабабли араб истилочилари буйруғи билан қайта қурилган бу истехком, икки қардош халқлар - сўғдийлар ва туркийларни бир-бирдан ажратиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб, ёлғизлатиб, бирин-кетин енгиб ва ислом динига қиритиб, Араб Халифалиги паллатининг таркибига қиритишни асосий мақсад сифатида, қарамоғига ўтказишга хизмат қилган.

IX асрнинг иккинчи ярмига қилиб Буюк Воҳа Деворининг тарихи ўз ниҳоясига етади. Биринчидан, деворнинг қайта қурилиши қўчманчи қабилаларнинг воҳага қиришига ва чиқишига катта тўсик бўлиб қолади. Иккинчидан, IX асрнинг иккинчи ярмида Сомонийларнинг ака-укалик, қон-қариндошлик, яққохон ҳудудий ҳокимликлари аста-секин марказлашган давлат ва Исмоил Сомоний ҳукмронлиги даврида қудратли салтанат маконини олди. Шу даврдан бошлаб давлат ва салтанат амирлари қўчманчи қабилалардан химояланмасдан, балки уларга қарши ҳужум йўлига ўтиб, уларнинг асл маконлари - Жанубий Қозоғистон, Ўзбекистон, худудларига қириш қилиб, енгиб, катта улушлар билан қайта бошлашди. Учинчидан, шу даврдан бошлаб туркий қўчманчи халқлар ҳам аста-секин ислом динига ўтиб, ўтроқлашуви бошланади. Бунинг натижасида, бу иккинчи халқ турмуш тарзидаги халқларнинг бир-бирига боғлиқ, зарур ҳужалик тизимлари ва халқлар орасидаги сиёсий, диний ва маданиятлари

тизимдаги уйғунлик, уртадаги карама-каршиликларни йуқолишига олиб келган. Ушбу омиллар сабаб булиб йилдан-йилга, утрок дехкон аҳолисидан жуда катта куч ва маблағни талаб қилаётган воҳа истехкомининг зарурияти қолмайди. Исмоил Сомоний тарафидан Буюк деворни таъмирлаш ишлари тўхтатилиб унинг "То тирик эканман, мен Бухоро девориман" деган машхур ибораси асрлардан-асрларга ўтиб, бинга қадар етиб келган.

С.Н. ЮРЕНЕВ БУХОРО ҲЛКАСИ ТАДҚИҚОТЧИСИ

А.Ҳ.БОЛТАЕВ

Бухоро давлат университети
ўқитувчиси

Сергей Николаевич Юренев (1896-1973) номини бугунги отахон археологларимиз яхши эслашса керак. Умрининг 30 йилини Ўзбекистонни, хусусан, Бухорони ўрганишга, нафакат ўрганишга, балки ўтмишини, осори-этикаларини асрашга бағишлаган бу фидойи инсондан том-том китоблар эмас, бир умр йиғилган нодир тарихий ашёлар қолди. Москва археология институтини тамомлаган С.Н.Юренев ижодий биографиясида Бухоро, Самарқанд, Хива тарихий обидалари алоҳида ўринга эга.

Витебскнинг рус дворян оиласидан чиққан С.Н.Юренев ҳаётида ўзи яшаган давр мураккабликлари, машаққатлари, оғир-енгилликлари, паст баландликлари ўз аксини топди. Коммунистик режим талабларига мувофиқ келмаган ҳаёт тарзи ҳамда унга қўйилган ноурин айблар унинг Россияда яшашини тақозо этмасди. Шунда у ўзи севган ва меҳр қўйган Бухорони танлайди¹⁷. Тақдир тақозоси билан ўтган асрнинг 50-йилларида Бухорога келиб қолган бу ўлкашунос шаҳардаги XVI асрга оид Моғарихон мадрасасининг икки хужрасида умрининг қолган қисмини ўтказди. Бирида ўзи яшаган бўлса, иккинчисида йиққан нодир тарихий буюмларни сақлади. У шундай деган эди: "Бухоро дунёдаги энг яхши шаҳар, менинг хужрам эса Бухородаги энг яхши хонадир". Бухороликлар унинг бўйи баста ва узунлигига нисбат бериб, уни "Минор бобо", "Қалон бобо" деб аташган. Ушбу таҳаллуснинг бошқа маъноси Минораи Қалондек улугворликни ифода этган. Бухоро кўчаларида, меъморий обидалар олдидан С.Н.Юреневни қўрган кексалар ҳозир ҳам ҳаёт ва улар бу инсоннинг уша даврдаги ажабтовур ва зоҳидона ҳаёт тарзини яхши эслашади.

Бухорога келгунга қадар Калинин (Тнерь) шаҳри картиналар галереясини ташкил этиш бўйича маслаҳатчи лавозимида фаолият

¹⁷ Сергей Николаевич Юренев. Составитель Б.Я. Ставиский - Бухарский музей, 1996 С.8

сатган С.Н.Юренев Бухорога келгач, ўз севган соҳаси—археология билан шугулланди.

Сергей Николаевич 1952-1963 йиллар мобайнида Карманадаги ётиботи Малик карвонсаройи, Қосим шайх хонақоси, Бухородаги Абдулмуҳаммад оталик, Файзобод, Мир Араб, Қўқалдош мадрасалари, Маъини Калон, Чорбақр меъморий мажмуаси, Абдуллаҳон гимн, Буёнқулихон мақбараси, Ғиждувондаги Улуғбек мадрасаси, Самарқанддаги Ғуримир, Шердор, Муҳаммад Султон ёдғорликларида тадқиқот ишларини олиб борди. Шу давр ичида 250 та археологик ёдғорликларни рўйхатта олди. Унинг ташаббуси ва саръ-ҳаракатлари билан қолхоз ва совхозлар ҳудудида жойлашган 26 та археологик объект ёдғорликларни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрига ўтказилиб, вайрон этилиш ва экин майдонига айлантирилиш хавфидан сақлаб қолинди.

Бухоро воҳасидаги 26 та (тепалик) археологик объектнинг учтаси Бухоро туманида, учтаси Қогон туманида, олтитаси Қизилтепа туманида, еттиситаси Ғиждувон туманида, биртаси Шофирқон (Вардонзе қўргони), иккитаси Вобқент туманида, биртаси Пешқўда (Зандани қалъа), иккитаси Рометан туманида ва биртаси Бухоро шаҳрида (Ширбўдин тепа) жойлашган. С.Н.Юренев бу тепаликларда археологик текшириш ишларини олиб борган.

С.Н. Юренев Бухоро туманидаги Ўтрор тепа, Навметан тепа ва Қош тепани(махаллий аҳоли тилида Қесақ тепа), Қогон туманидаги Мир Қулол тепа, Хўжа Барги тепалиғи ва Зирабод тепани текшириб, улар ҳақидаги қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган.

Ўтрор тепа Бухоро шаҳридан 3 км жанубда, Ўтрор қишлоғи яқинида жойлашганлиғи учун шу ном билан аталган. У ёнма-ён икки тепаликдан иборат. Шимолдаги тепалик жанубдағисига нисбатан баландроқ, унда иккита қабр бўлиб, маҳаллий аҳоли маълумотича, унинг биртасига Хўжа Лаведдин дафн этилган. С.Н.Юренев у ҳақда бошқа маълумот тўплай олмаган. Иккала тепаликда ҳам туг бўлиб, маҳаллий аҳоли бу жойларни қабристонга айлантирган. Тадқиқот пайтида тепаликлардан исломгача бўлган давр ва XII асрга тегишли майда сопол буюмлар топилган. С.Н.Юренев тепаликни атайлаб бузиш ҳоллари қузатилмаганини ва улар ёдғорликларни муҳофаза қилиш қўмитаси рўйхатига қиритилганини таъкидлайди.⁶¹

Навметан тепа Бухоро тумани Қумрабод қишлоғи яқинида, Бухоро шаҳридан 8 км жанубда жойлашган. Маҳаллий аҳоли тепаликни “Ҳазрат Биби” ёки “Биби Махсуман пок” деб атайди. Тепалик ва унинг атрофи мазорга айланган. Тадқиқотчининг маълумотиға қўра, қадимла Митан шаҳри тепаликдан 9 ёки 20 км жануби-ғарбда жойлашган. Митан шаҳри

⁶¹ Бухарский музей инв. № 11453/7, 11452/7. Бухоро музейида С.Н.Юренев томонидан таълиғла ошқирилган археологик қузатув ва тадқиқотлар ҳисоботлари сақланади. Мақола ушбу қоллекциядағи ҳужжатлар маълумотларига асосланган.

ёнидан ўтган арикнинг суви кўпайиб шаҳар сув остида қолгандан кейин, шаҳарда истикомат қилган тўққизта аҳоли ёки оила гирик қолиб тепалик атрофига кўчиб келган ва 9 та бино (қаср) қурган. “Навметан” атамаси шундан келиб чиққан, яъни Нух (тўққиз)- Метан ёки Нав (янги)- Метан, “Навметан – Янги Қалъа”⁵⁹ маъноларини англатади.

С.Н.Юренев тепаликларни тадқиқ қилишда этнографик материаллардан фойдаланган. Қум-Рабод аҳолиси туркманларнинг Жанапа қавмидан бўлиб, бу ерга 500 йил аввал Қум-Савитон деган жойдан келиб қолган. Бу ерга келиш сабаби Қум-Савитонда дарё сувининг қуриб қолиши билан боғлиқ. Қум-Рабод аҳолисининг бу тўғрида териға ёзиб қолдирган маълумотлари Ўртаҷўл-Жанамқудукдан топилган⁶⁰.

“Ҳазрат Биби” ёки “Биби Махсумай пок” мазори тепаликнинг шимолий қисмида жойлашган. Опалари “Қиз Биби” Варахшадан унча узоқ бўлмаган жойда қўмилган. Буларнинг иккаласи ҳам турмушга чиқмаган, яъни боқира ўтганлар. “Ҳазрат Биби”нинг мазори устига эркаклар чиқиши мумкин бўлмаган, фақат аёллар чиқиши мумкин бўлган.

С.Н.Юренев тўплаган ривоятга кўра тепаликнинг юқори қисмида туйнук, дара бўлиб, ундан аждарҳо чиқиб бир арик сувни ичган. Буни обдор (сув берувчи) қурган. Бу воқеа анча олдин бўлган. Кейин дарага эшик ўрнатилиб ёпиб қўйилган. Шундан кейин аждарҳо қайтиб чиқмаган экан.

Науметанда яшаган Мулло Мухтор деган отахон С.Н.Юреневга тепалик тарихини яхши билгани ва “Ҳазрат Биби” тепалигининг ичига киргани, 1936-37 йиллардаги таъқиқлар ва қувғинлар пайтида шу ерда яширингани хақида гапириб берган. Отахоннинг маълумотиға кўра, тепаликнинг ичида тегирмонхона, масжид ва қадимий ёзувлар бўлган.

С.Н.Юренев тепаликка кириш йўлини текширишга ҳаракат қилган. Кириш йўли тепаликнинг шимолий қисмида бўлиб, гумбаз (компул) ҳолида бўлган. Хом гиштдан қурилган ва арка қисми қолдиқлари сақланган. Компулда учта йўл бўлиб, аркадаги тўғри йўл жанубга ер ости орқали ўтган, аммо жуда катта қисми ўпирилиб, йўл қўмилган. Шарқий ва ғарбий қисмига борадиган йўлак ҳам бўлиб, ғарбий йўлак қўмилиб кетган. Шарқий йўлак бир неча қадамдан кейин жанубга қайрилган. Жанубий йўлакда қанақадир қозғалар ташланган, фикримизча уларни маҳаллий аҳолининг ўзи ташлаган. Хонани текширишни давом эттириш учун ёруғликнинг йўқлиги сабаб текшириш давом эттирилмаган. Хоналар хом гиштдан қурилган, гиштар ўлчами 45x25x11-12 см гашкил этган⁶¹. Маҳаллий тарихчи Гулнора Қўлдошеванинг маълумотига, тепаликда гор мавжуд бўлиб, у 7 та хона жумладан қоровулхона, меҳмонхона ва қаландархонадан ибарат бўлган. Хоналарнинг ҳар бири 10м²ни ташкил

⁵⁹ Қорасев С. Географик номлар маъноси Т. “Ўзбекистон”. 1978. - 6.82.

⁶⁰ Бухарский музей инв. № 11453/7, 11452/7.

⁶¹ Бухарский музей инв. № 11453/7, 11452/7.

тадан. Ҳар бир хонанинг эшиклари алоҳида айланасимон бўлиб, хом шикдан қилинган, усти гумбазсимон. XIII аср охири XIV аср бошларида "Ҳазрат Биби" шу горда яшаган эмиш⁶⁵.

Таджикотчининг таъкидлашича, "Ҳазрат Биби" қабри устига синчкор бино қурилган. У шимолдан жанубга қарабган учта хоналан иборат бўлибган. Хоналар шимол ва жануб томонидан эшикларга эга бўлган. Жанубий эшик тўғри тор йўлак билан хонага борган. Араб ёзуви билан қиёбатланган икки мармар қабртош ҳам мавжуд. Кейинчалик бу ёзувларни Қози-Саид кишлоғилик қори Асрор ҳамда Садриддин Салим Бухорий қишга муяссар бўлганлар. Унда "Бинд Муҳаммад Молиқшо. Саодати Молиқшоҳ Бадаст сари падарами моҳон ҳамин жо" (Бин Муҳаммад Малиқшо қабри) деб ёзилган⁶⁶. Шу хонанинг шимолий томонида эшик бўлиб у Гурхонага, "Ҳазрат биби" қабрига олиб чиққан. Гурхона тўртбурчак шаклдаги усти ёпик бино бўлиб, хона тенг иккига ажратилган, поли тупроқдан, жанубдан шимолга қараб нишоб ҳолида қурилган. Хонанинг жанубий қисмида мармар қабртошлар жойлашган. Ўтиборлиси шундаки, 3та қабртошнинг барчаси шимолдан жанубга қаратиб қўйилган. Бу Бухоро мусулмонларининг одати бўлган (Бухоро мусулмонлари инсон оламидан ўтгандан кейин унинг бошини шимолга ва оёғини жанубга қилиб қўйишган). Хонанинг шимолий қисмида "Ҳазрат Биби"нинг қабрлари жойлашган. Бу қатта сағона бўлиб, қариб 4 метр узунликда бўлган ва устига чиройли қилиб тикилган қабрпўш ёпилган. "Ҳазрат Биби"нинг қабрлари шарқдан ғарбга томон йўналган, Бухоро мусулмон қабрига хос бўлмаган тарзда. Туб жой аҳоли шундай маълумот беради. Қабртошнинг бундай қўйилишига сабаб халқ орасида "Ҳазрат Биби" ўлмаган тириклигини ерга кириб кетган деган афсонанинг мавжудлиги (Хивадаги Остона-Шайх Мухтор Вали ва унинг атрофидаги қабрлар ҳам шарқдан ғарбга томон бўлган).

С.Н.Юреневнинг фикрича, ёдгорликни атайлаб бузиш, вайрон этиш ҳоллари кузатилмаган, тепалик атрофи қабристонга айланган. Тепаликдан жуда кўп археологик материаллар топишган ва улар турли даврга тегишли. Эрамининг I-II асрларига оид сопол идиш, ташқариси қизил ранг билан безатилган ва ичи оқ ангобланган хумлар, қузалар, мугулларгача бўлган даврга тегишли диск ва қўнғирок шаклидаги копоқлар. X-XI асрга оид шиша бўлағи, XI-XII асрга тегишли сирланган кўк ва ичи ангобланган қизил шиша пиёла бўлақлари ва ҳоказолар шулар жумласидандир⁶⁷.

Кош тепа(махаллий аҳоли тилида Кесақ тепа) Бухоро шаҳридан 12-13 км узоқликда ва жануби-шарқда жойлашган. Мазкур тепаликни 1904-йилда полковник Родионов ўз харитасида қайд қилган эди. С.Н.Юренев полковник Родионов харитасига асосланиб тепаликни текширган.

⁶⁵ Дала таджикотларида олинган маълумотлар.

⁶⁶ Дала таджикотларида олинган маълумотлар.

⁶⁷ Бухарский музей ина. № 11453/7, 11452/7.

Тепаликка энг якии кишлокни С.Н.Юренев Диост деса, харитада Деги-осси⁶⁵ деб кайд қилинган. Ҳисоботда кайд қилинишича, Кош тепа атрофи экин экилмаган текисликдан иборат бўлган.

С.Н.Юреневнинг таъкидлашича, тепалик атрофидаги ерлар ва тепаликнинг ўзи ҳам ҳарбий қисм дала машқлари ўтказадиган ҳудудга кирган. Шунинг учун тепаликни бориб кўздан кечириш, текшириш ишларини олиб боришга рухсат этилмаган. Тепалик ҳарбийларнинг кузатув минорасидан туриб дурбин орқали кузатилган. С.Н.Юренев келажакда бундай кузатув ишларини амалга ошириш мумкинлигини, аммо тепалик шакли анча ўзгарганини, ҳарбий танклар тепаликнинг катта қисмига шикаст етказганини ўз ҳисоботида кайд қилади. Шунингдек, ҳарбий қисмни бошқа жойга кучириб, тепаликни шу ҳолда сақлаб қолиш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтади.⁶⁵

Мир Кулол тепани маҳаллий аҳоли Баланд Масжид деб ҳам юритади. Бу тепалик Когон тумани Янги Ҳаёт қишлоғида жойлашган (бу қишлоқнинг номи аввал Мир Кулол бўлган). Тепалик Когон шаҳридан 5-6 км шимолда, Когон-Янги-Ҳаёт йўли ёқасида жойлашган. Бошқа тепаликлар билан қиёслаганда унчалик ҳам катта эмас ва хом гиштдан қурилган. Кейинчалик тепалик ёнида Баланд Масжид қурилган, инқилобдан кейин тепаликнинг айрим жойлари бузилган. Тепаликнинг шарқи ва жанубида учта катта бўлмаган тепалик бўлиб, унда аҳоли истикомат қилган. С.Юреневнинг ёзишича, шу тепаликларнинг бирида Мир Кулолнинг кулолчилик устахонаси жойлашган⁶⁶.

Тепаликнинг ғарбида бог бўлиб, унинг ёнида қабристон жойлашган. қабрларнинг аксарияти мармардан қилинган. Қабристоннинг марказида алоҳида ажралиб турган қабр бўлиб, у айлана шаклда, сопол гишتلардан пастина суфа қилинган. Бу Ҳазрат Баҳоуддиннинг устози, Мир-Кулолнинг қабри. С.Н.Юренев "Мен маҳаллий аҳолидан эшитдим, бу Саид Мир-Кулолнинг қабри", деб ёзади. Суфа атрофида йулак бўлиб, вақтида шу йулак ўрнида унча баланд бўлмаган гишт девор бўлган. Қабрнинг шимолӣ қисми каттик шикастланган ва унинг ёнида иккита туғ бўлиб, бирида панжанинг рамзи ва иккинчисида отнинг ёли борлигини С.Н.Юренев кайд қилган.

С.Н.Юреневнинг таъкидлашича, Мир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд туғрисида қишлоқ аҳолиси кўплаб ривоятларни билишган. Мир Кулолнинг шоғирдлари мурид дейилиб, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам унинг муриди бўлган. Бу шахс кулолларнинг пири ва ҳомийси сифатида таъғироф этилган. Мир Кулол фақирона ҳаёт кечирган ва бойликни тан олмаган. Қабри устига қўй келгириб суйишни тақиклаган. Ҳатто улимидан кейин ҳам қабри устига мақбара қурмасликларини васият қилиб кетган. Тепаликдан

⁶⁵ Бузарский музей инв. № 11453/7.11452/7.

⁶⁶ Бузарский музей инв. № 11453/7.

ғиштлар ва сопол буюмлар топилган. Тепаликни атайлаб бузиш ҳоллари кузатилмаган.

Хожа Барги тепалиги Когон тумани Хожа Барги кишлоғи ёнида Когон вокзалидан 5-6 км шарқда жойлашган⁷⁰. Тепалик агрофидаги ёрлар жуда қаттиқ нураган. Тепалик қабристонга айланган, унда ҳатто миллатига мансуб мархумларнинг қабртошлари борлигини гадқиқотчи килади. Хожа Баргининг қабри тепаликнинг шимолий қисмида жойлашган. Қабр ғиштдан қурилиб, ганчланган ва яхши сақланган. Бу қабрнинг ёнида ҳам иккита туғ бўлиб бирида панжа, иккинчисининг ёнида қисмига қора мато ўралган ва отнинг ёли борлигини, туғларнинг қурилишига жуда кўп қора иплар боғланганлигини қайд қилади.

Хожа Барги қабрининг жанубида бола қабрига ўхшаш қабр бўлиб, унинг атрофидан жуда кўп идишлар топилган. Муълумотларга кўра, Хожа Барги болалардаги кўк йўтал касалини даволаган, шунинг учун ота-оналар қабристонга идишга сут олиб келган. Тепаликдан арабларгача бўлган қабрга тегишли хум қопқоғи, кўза дастаси топилган ва қизиқарли томони Хўжа Барги сағанаси хаворанг ғиштлардан қурилган, мозаика ва қосинлари XVI асрга оид. Тепаликни атайлаб бузиш ҳоллари кузатилмаган.

Зирабод тепа Когон тумани Зирабод кишлоғи яқинида жойлашган. 1904-йилда полковник Родионов ўз харитасида "Зур-Обод" деб кўрсатган ва Когон темир йўлидан 2-3 км шарқдалигини қайд қилган.

Тепалик атрофи зовур (захкаш) билан ўралган. Тепаликнинг усти қисми шимолдан жанубга қараб қўзилган, марказида чуқурлик бўлиб у ерда тош плитка қолдиқлари сақланган. С.Н.Юренев маълумотича, бу жойда тош тарашланиб, плиткalar тайёрланган, унинг қалинлиги 3-3,5 см, узунлиги ва кенглиги 25-34-49 см бўлган ва шу ерда кичикрок хона ёки қабр биноси бўлиб, унда тош плиткalar кўпайтирилган. Тепаликдан унча ўзек бўлмаган жойда қабристон ҳам борлигини қайд қилади. Тепаликдан тош плиткalarдан бошқа ашёлар топилмаган. Тепаликни атайлаб бузиш ҳоллари кузатилмаган.

Левандак тепа Қизилтепа туманида Левандак кишлоғида яқинида жойлашган. Унга яқин яна иккита тепалик бўлиб улар вайрона ҳолига келиб қолган. Булар жанубда "Тали Гург" ва шимоли шарқда Хўжа Ажванди мазори. Тепалик унча қатта бўлмай, думалок шаклда бўлган. Бу ердан IX-X асрга тегишли сопол буюмлар топилган. Тепаликнинг атрофидаги ерлар пахтазорга айлантирилган, лекин атайлаб бузиш ҳоллари кузатилмаган.

Гург тепа ёки Тали Гург (бўри тепа) Қизилтепа туманида жойлашган. Хўжа Ажванди мазоридан 5 км жанубда жойлашган. Қадимда тепалик баланд ва мустахкам қургон бўлган. Бу ерда 1953 йилда Варахша

экспедицияси гуруҳи бир неча бор казиш ишларини олиб борган. Бу экспедициянинг раҳбари О.В. Обельченко ва археолог В.И. Сарияниди бўлган. Экспедиция маълумотларида тепалик Левандак тепа деб қўсатилган чунки тепалик шу номдаги кишлокка яқин. Аммо, маҳаллий аҳоли тепаликни Гург тепа деб эзиб келган. Тепаликни бузиш ҳоллари қўйилмаган, аммо жуда кўп шурф излари сақланган. Топилган ашёлар XII асрга тегишли⁶⁴.

Хўжа Ажванди шаҳарчаси Қизилтепа туманида Айрончи кишлоғи яқинида жойлашган. Мазкур тепаликни 1904-йилда полковник Родионов ўз харитасида "Хўжа Ажванди" деб қайд қилган. Маҳаллий аҳоли Қўргони Хўжа Ажванди деб номлаган, унинг ғарбида мазор жойлашган. Қўргони Хўжа Ажванди қатта тепаликни ўз ичига олган бўлиб, шаҳар типини ўзида акс этган. Тепалик шимоли тўртбурчак шаклда бўлиб унда сарой ва жанубида шаҳристон жойлашган, уларнинг агрофи девор билан ўралган. Тепаликнинг шаркида гор жойлашган. Горнинг тепа қисми ва атрофида хом гиштнинг излари сақланган. С. Юреневнинг тақидлашича гор оғзи қўмилган шунинг учун горни текшириш имкони мавжуд эмас деб қайд қилган. Маълумотларга қараганда шу горда Хўжа Ажванди яшаган. Хўжа Ажванди IX асрда яшаб ўтган ва унинг қабри тепаликнинг шаркида жойлашган. Тепалик атрофи қабристонга айланган ва қабристон бир неча бор таъмирланган.

С. Юренев маълумотича тепаликни 1937 йилда Шишкин ва 1947 йилда Баласвалар ҳам қўздан кечиришган аммо, тепалик ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитасига қўйилмаган. Маҳаллий аҳоли 1953 йилда О.В. Обельченконинг тепаликни шаҳристон қисмида текшириш ишлари олиб борганини яхши эслашади.

Хўжа Ажванди дахмасига киришда иккита қорихона шимол ва жанубда усти гўмбаз билан қопланган ва арка билан ажратилган, ундан кейин зиёратхона, қабрихона ва чиллахона жойлашган. Тепаликдан IX-XI асрларга тегишли қўза ва хум булаклари топилган⁶⁵.

Шулар қаторида С.Юренев Қизилтепа туманида Хўжа Бўстон, Қуллар тепа, Нонвой тепа, Ғиждувон туманида Мазранган тепа, Қўргон тепа. Сат-пири тепа, Ғишт тепа, Зарангари тепа, Муғонак тепа, Ёркеп тепа. Вабкент туманида Наршах тепа, Пишмон тепа, Ромитан туманида Қўргони Ромитан, Хўжа Ромиш тепа (Ғули-санг тепа) ва Бухоро шаҳри яқинида Ширбуди тепаларни бориб текширган, улар ҳақида маълумотларни ўз ҳисоботларида қайд қилган. Ўнг асосийси, тепаликларни 1958 йилда ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитаси қўйилган.

⁶⁴ Бухарский музей инв. № 11453/7 . лист 8

⁶⁵ Бухарский музей инв. № 11453/7 . лист 9-10

Бухоро якинидаги Ўба қишлоғида истикомат қилган уйинчоклар қулол Ҳамробиби Раҳимованинг истеъдоди ва меҳнатини қадрлаб, дунёга танитган шахс С.Н.Юреневдир. Турли афсонавий қушлар, оғилар тасвиридан иборат Ҳамробиби уйинчоклари ўтган асрнинг 60-70-йилларида Париждаги Лувр, СССР Давлат Эрмитажи, Тошкент, Самарканд, Бухоро музейларида намойиш этилган. Сергей Николаевич шахсан Ҳамробиби асарларидан намуналар сотиб олган эди. Бухоро музейида сақланаётган С.Н.Юреневнинг ён дафтарчасида Ҳамробиби Раҳимова ва унинг oilаси тўғрисида ёзувлар мавжуд.

Бу хассос ўлкашунос Бухоро шаҳридаги меъморий обидаларни томоша қилиш бўйича ўз системасини яратган эди. Уларни йилнинг қайси фаслида, куннинг қайси палласида томоша қилиш маъқуллиги юзасидан тавсиялар беради. Чашман Аййуб ёдгорлигини эрта тонгда, куёш чиқиш пайтида томоша қилиш унинг меъморий гузаллигини илғаб олишга қўмқилишини, шунингдек, Минораи Калонга Масжиди Калон гўмбазларидаги туйнуқлар орқали боқиш ҳайратомуз манзарани ҳосил қилишини, Масжиди Калон ўта аниқ меъморий ўлчамлар асосида бунёд этилганини ўз суҳбатдошларига, шаҳарга таширф буюрувчи меҳмонларга айтиб кетган.

Озгина нафақа пулига кун кечирган С.Н.Юренев тежаб қолинган меъблагидан тарихий, бадий, этнографик, археографик аҳамиятга молик буюмларни сотиб оларди. Унинг шахсий коллекцияси шу тарихи сақлаланди. Коллекция таркиби туркман гиламлари, Хитой пилалари, маҳаллий мис ўғирчоқлар, сопол идишлар, қулолчилик маҳсулотлари, нодир нашрлар, қўлёзма ҳужжатлардан иборат бўлган. Танишлардан, айниқса, археологлардан ёки археология билан шуғулланишни мақсад қилган изланувчилардан келган мактублар С.Н.Юренев эпистоляр меросини ташкил этади. Бухородаги Мир Араб мадрасаси хилхонасида олиб борилган тадқиқотлар чоғида С.Н.Юренев томонидан 14 донга сўнги ўрта асрларга оид араб ёзувидаги қўлёзма ҳужжат – шахсий ёзишмалар топиб олинди¹. Шу ўринда бу ўлкашуноснинг эпистоляр мероси ва унинг коллекциясида сақланаётган араб ёзувидаги қўлёзма ҳужжатларнинг хали илмий муомалага тортилмаганлигини таъкидламоқчимиз.

Собиқ Иттифокнинг турли шаҳарларида истикомат қилаётган ёш тадқиқотчилар, бўлажак археологлар тадқиқот мавзусини танлашда қўмак ва маслаҳат беришни сўраб унга мактуб орқали мурожаат қилишган. Шунингдек, С.Н.Юренев ушбу йўналишда машҳур турколог Л.Н.Гумилев билан илмий ёзишмалар олиб борган. Бу фидойи инсон ўз кутубхонасини ҳам шакллантирган эди. Унда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон тарихига оид ва ҳозирда библиографик нодир нашрга айланиб қолган илмий асарлар

¹ Тураев Х. Три частных коллекций документов, поступившие в Бухарский музей // Тезисы докладов и сообщений Всесоюзной конференции «Бартольдские чтения – 1990» – Москва: Наука. 1990 – С.77-78.

мавжуд. Археологияда ўзини соҳа ривожидан бир оз орқала қолаётганига ҳис қилган С.Н.Юрнев, тадқиқотлари натижасини эълон қилишдан иймонган. Унинг "К вопросу о датировке мечети Калян" ("Мачити Калъннинг қурилган йили масаласига доир") номли иши кўлёзма ҳолича қолиб кетди.

Ўлкашунос олим ҳаётлигидаёқ ўз шахсий коллекциясини Бухоро музейига, археологик тадқиқотлар ҳисоботларидан иборат ҳужжатлар жамланмасини Бухоро вилоят архивига топширишни васият қилган. Унинг васити тўла амалга оширилди. Айни пайтда Бухоро музейида "С.Н.Юрнев коллекцияси" деб аталувчи фонд мавжуд. С.Н.Юрневга тегишли барча ашёлар ва ҳужжатлар инвентар рақамига эга⁷¹. Бухоро вилоят топонимик комиссияси қарори билан шаҳардаги кўчаларнинг бир-бирига унинг номи берилган.

Хулоса қилиб айтганда, С.Н.Юрнев Бухоро тарихи учун қимматли бўлган маълумотларни ўз ҳисоботларда қайд қилиб бизларгача етказган. С.Н.Юрневнинг ҳисоботлари Бухоро воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш ва воҳа тарихининг илмий жамоачиликка ҳам маълум бўлган жиҳатларини ёритиш учун ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан С.Н.Юрнев тепаликларни бузишга, пахта далаларига айлантиришга, йўл қўймасликка чақирган. С.Н.Юрнев бу тепаликларнинг барчасини археологик ёдгорликларни муҳофаза қилиш кўмитаси рўйхатига киритган.

Учинчидан С.Н.Юрнев рус миллати вакили бўлишига қарамай ўлкани ўрганишни умрининг охиригача тўхтатмаган. Умрининг чорак асрдан кўпини шу ўлкани ўрганишга бағишлаган.

Археолог-ўлкашунос С.Н.Юрнев илмий меросига қайта мурожаат қилсак, уни янада чуқурроқ талқин қилиш зарурати эскирмас керак.

ТУРКИСТОН АРХЕОЛОГИЯ ҲАВАРКОРЛАР ТўГАРАГИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДАГИ МАКТУБЛАР

О.А. КЛИЧЕВ

Бухоро давлат университети
катта илмий ходим-изланувчи

XIX асрнинг иккинчи ярмида чор ҳукумати маъмурияти катта миқдордаги харбий бўлинмаларни минтақага қўчириши натижасида ҳудудга яна бир гуруҳ аҳоли қатлами ташриф буюрди. Булар Туркистоннинг кенг имкониятга эга ҳудудлари, ер ости ва ер усти бойлиқларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш мақсадида келган савдогар, тadbиркор, олим ва сайёҳлар эди.

⁷¹ Бухарский музей инв. 1907 / ВСФ. 11417-7-11452/7

Уларнинг ҳар бири ўз тадқиқот объекти ва мақсадларига эга эди. Сўнги икки гуруҳга мансуб шахслар диққатини нафақат, ерости табиий бойликлар, балки ўлка тарихидан гувоҳлик берувчи тарихий-маданий ёдгорликлар: қадимий тепалар, қаср, кўшк ва қарвонсаройлар ҳам тортган.

Туркистондаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш, қолаверса, Ўрта Осиё минтақасида истикомат қилувчи халқлар ва элатларнинг моддий ва маънавий маданиятини тадқиқ этиш мақсадида XIX аср охирида Туркистон археология хаваскорлар тўғараги* ташкил этилди.

Тўғарак фаолиятини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, чор ҳукумати минтақанинг узок ўтмиши, этно-маданий жараёнлар ва улар билан боғлиқ маълумотларни ўрганиш ва шу орқали ўз қўл остидаги халқ ёки шахсларнинг ким эканлиги ва ўтган тарихий даврда улар қандай сиёсий, иқтисодий қудратга эга бўлганликларидан хабардор бўлишга интилан.

Туркистон археология хаваскорлар тўғараги баённомаларини таҳлил этиш жараёнида, тўғаракнинг дастлабки йиғилишида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, тўғарак ташкилотчиси, дастлабки раҳбари, қолаверса унинг фаолиятини ташкил этишга молиявий кўмак бериш вазифасига тайинланган барон А.Б.Вревский бу масалада ўзининг қуйидаги фикрларини билдирган: "Ўрта Осиё, Афғонистон, Балх, Марв ва унга яқин бўлган ҳудудлар орий халқлар маданиятининг бешиги деб қабул қилинмоқда. Бу ҳудудларда жойлашган халқлар тарихий даврларда ўз ҳудудидан бошқа ерларга қучиб боришган, бунинг натижасида бизнинг аجدодларимиз Европа минтақасига қучиб борган мажбур бўлишган. Бугун тақдир бизни аجدодларимиз етишиб чиққан заминга олиб келди. Бизнинг елкамизга орий халқлар маданияти гуллаб яшнаган ҳудудлардаги тарихий ёдгорликларни аниқлаш ва сақлаш, қолаверса уларни тиклаш каби муқаддас вазифа юқланди"[1:25]. Унинг бу фикрларидан кўриниб турибдики, маҳаллий халқ томонидан яратилган моддий маданият намуналарини бир гуруҳ олимлар Россия империяси манфаатлари доирасида тадқиқ этишга қиришганлар. Бу жумлалар тўғарак нима мақсадда ташкил этилгани ва кимнинг манфаатларига хизмат қилиши масаласига ойдинлик қиргади.

Ўзининг йиғирма йиллик фаолияти давомида тўғарак ва унинг аъзолари Ўрта Осиё минтақасидаги моддий маданият намуналарининг инвентаризациясини топиб, тадқиқ қилишга муваффақ бўлди. Уларнинг бу йўналишдаги фаолиятига Туркистон генерал-губернатори ва Россия Императорининг хомийлигидаги Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганишни мақсад қилган рус комитети ўз ёрдами аямаган. Тўғарак аъзолари

* Туркистон археология хаваскорлар тўғараги-Туркистон генерал-губернатори А.Б.Вревский ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган. Унинг Низоми Халқ шофир вазирлиги томонидан 1895 йил 31 октябр санасида тасдиқланган. Тўғарак ўзининг дастлабки йиғилишини 1895 йил 11 декабр санасида генерал-губернатор уйида ўтказган.

дастлаб ўз диққатини генерал-губернаторлик таркибидаги вилоят ва уездларда жойлашган тарихий маконлар, қўғон ва қўшқларни ўрганишга қаратган эди.

Мазкур даврда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудида жойлашган тарихий объект ва маданий мерос намуналари тўғарак мутасадди раҳбарларнинг эътиборидан четда қолмади.

Бухородаги рус сиёсий агентлик ҳужжатларини ўрганиш жараёнида шу нарса аниқландики, амирлик ҳудудида тадқиқот ишларини олиб бориш генерал-губернаторликка қарашли вилоятларда олиб бориладиган тадқиқотлардан бир мунча фарқ қилган. Чунончи, биринчидан, ҳудудда изланишлар олиб бориш учун нафақат генерал-губернатор рухсати, балки шахсан амир ёки хоннинг тегишли қўрсатмаси керак эди. Иккинчидан, бунга қўшимча ва асосий шарт сифатида ташкил этилиши режалаштирилган экспедициялар фаолияти ҳусусида Россия Ташки ишлар вазирлиги ҳузуридаги Бухорода рус сиёсий агентлигига билдирилиши ва тегишли тартибда ёзишмалар олиб борилиши керак бўлган. Учинчидан, амирлик ҳудудидаги изланишлар муваффақиятли чиқиши ва ўз олдига қўйган вазифани амалга ошириши учун Рус сиёсий агентлиги ва амирлик маъмурияти ўртасида расмий ёзишмалар олиб борилиши шарт эди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, Бухоро амирлиги маъмурияти ва сиёсий агентлик ўртасидаги ёзишмалар ҳудудни тадқиқ этишга киришган ҳар бир олим ва сайёҳ учун муҳим аҳамият қасб этган. Зеро, ёзишмалар натижасида олим ҳудудда ўзи қўзлаган изланишларни амалга оширишга рухсат олган ва шу орқали олим ёки экспедиция аъзолари ўз хавфсизликларини таъминлаганлар.

Зарафшон воҳаси Ўрта Осиё маданиятининг ўзига хос марказлардан бири. Бу воҳа азалдан ўтроқ ва қўчманчи аҳоли маданиятининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва таназзулга учраши билан боғлиқ маълумотларни ўзида сақлаб келмоқда. Мазкур воҳани ўрганиш ишини тўғарак аъзолари Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг "Бухоро тарихи" китобини таржима қилишдан бошланганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бу манба 1896 йил 3 июндаги тўғарак йиғилиши қўрсатмасига мувофиқ В.В.Бартольд таҳрири остида, Н.С.Ликошин томонидан форс тилидан таржима қилган эди. Таржима тўғарак аъзоларига Бухоро воҳаси тарихи, ундаги қадимги қўғон ва манзилгоҳлар ҳақида атрофлича маълумотларни қадим этди[2: 1-7].

Шундан сўнг, тўғарак аъзоларидан Н.Ф.Ситняковский, А.А.Семёнов, И.И.Веселовский, Л.А.Зимин, И.А.Кастенье, Шербин-Кроморенко, Э.Е.Пирликлар Бухоро амирлиги ҳудудидаги моддий ва маънавий ҳаёт тарихини тадқиқ этишга киришадилар.

Ўрта Осиёдаги бошқа ҳукмдорлардан фарқли равишда Бухоро амири э давлати ҳудудидаги моддий маданият намуналари ва тарихий ёдгорликларни асраш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласига

дилардан бўлиб эътибор қаратган ва тегишли кўрсатмаларни берган. Туркистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланиб турган тарихий ҳужжатлардан бири фикримизни тасдиқлайди.

Бу ҳужжат Туркистон генерал-губернатори девонхонаси томонидан Туркистон археология ҳаваскорлар тўғараги раҳбари Н.Остроумовга ёзилган ва шахсан амир томонидан "Бухородаги тарихий ёдгорликларнинг муҳофазаси хусусида" деб номланиб, генерал-губернатор барон А.Б.Вревскийга йўлланган мактубдир[3].

Бу мактуб хусусида Туркистон археология ҳаваскорлар тўғрагининг 1896 йил 12 январда Бухородаги рус сиёсий агенти В.И.Игнатьев номига йўллаган №4 рақамли хатидан батафсил маълумотга эга бўламиз. Унда Бухоро амири Амир Абдул Аҳадхон томонидан амирлик ҳудудида мавжуд тарихий ёдгорликни ноқонуний тарзда қовлаш ёки уларни талаш ишларини олиб бориш масаласи хусусида барча беклар ва мутасадди шахсларга тегишли кўрсатма берилганлиги, шу билан бирга, амирликда топилган ҳар қандай тарихий аҳамиятга молик ашёвий буюм амирлик маъмуриятига тақдим этилиши ва кейинчалик бу буюмлар тўғарак музейига юборилиши кераклиги алоҳида қайд этилган эди".

Мазкур мактуб амир ўз ҳудудида топилган ҳар қандай тарихий аҳамиятга молик буюм ва ашёвий далиллар билан дастлаб ўзи таъинлангани сўнгра, уларни тўғарак ихтиёрига юборганини кўрсатади.

Бухоро амирининг бу фаолияти ҳақида жамият вакилининг 1897 йил 12 январь санасида А.С.Галкин номига йўллаган хатида ўқиш мумкин. Унда Бухоро амири тарихий ёдгорликларни сақлаш ва улар билан боғлиқ тадбирларни ҳукумат даражасига кўтарганлигини алоҳида таъкидлайди ва бундай фаолиятни Хива хонлигида ҳам жорий этилишини ва бу ҳақда хонга билдириш кераклигини сўраб мурожаат қилади[4]. Мазкур мактуб амирликда маданий ёдгорликлар ҳавфсизлиги ва аҳамияти ҳукумат сифати даражасига кўтарилганлигидан ва чор ҳукумати вакилларининг унга хос "эътирофи" га сазовор бўлганлигидан далолат беради.

Расмий ёзишмаларда ўз ифодасини топган маълумотларга биноан, Амир Абдул Аҳадхон тўғаракнинг фаолиятини рағбатлантириш учун шаъний бекликларда топилган баъзи бир буюмларни тўғарак музейига тақдим этганлигини ҳам қайд этиш ўринлидир. Бунинг исботи Бухоро амирининг барон А.Б.Вревский номига йўллаган яна бир мактубида ўз ифодасини топган. Бу хат 1897 йил 13 май санасида генерал-губернаторлик девонхонасида қабул қилинган эди.

Унда "Амир Амударё соҳилларида чўпонлик билан шугулланаётган икки бола томонидан Маймунтўғай ҳудуди яқинида бир нечта буюм: учта ишкопча, икки тоғора, бир идиш, бирта дастали пиёла ва бирта пастки қосми мавжуд бўлмаган идишлар топганлигини билдирган"[5]. Хат сўнгида амир бу буюмлар чўпон болалар томонидан Шеробол бегига

тақлим этилганини ва амирлик ҳукумати уларни тўғарак музей¹ ихтиёсига юборишини қайд этган. Ўз навбатида, Бухоро амирининг бу фаолияти хусусида тўғарак раиси ўз йиғилишларининг бирида баён қилганлиги маълум[6:7].

Мазкур масалага бағишланган яна бир мактубни таҳлил қилар эканмиз, унинг Туркистон археология хаваскорлар тўғараги раҳбари Н.Г.Остроумов томонидан 1900 йил 23 феврал санасида №11/218 рақам остида Бухородаги рус сиёсий агент В.И.Игнатъев номига йўлланганлигини кўришимиз мумкин[7].

Бу мактубда Н.П.Остроумов сиёсий агентдан Чирокчи бегининг шаърий ҳовлисида мавжуд ва бек томонидан тўғарак музейига тақдим этилган рухсат берилган тош тахта(плитка)ни юборишга кўмаклаштириш сўралган. Хат якунида Н.П.Остроумов бу буюм тўғарак музейидан жой олган максидга мувофиқ бўлишини ҳам таъкидлаб ўтган.

Сиёсий агент В.И.Игнатъев амирликда Россия империясининг вақли ҳисобланганлиги боис, бу тadbирни ташкил этишга интилан. Ва 1900 йил 12 март санасида №969 рақамли хати билан Н.П.Остроумов номига йўллаган жавоб мактубида Чирокчи бегининг музей учун юборган ва куш билан балик тасвири туширилган тош тахта (плитка) сиёсий агентликка етказилганлигини ва тез орада бу буюм тўғарак музейига юборилишини қайд этган. Бу, албатта, сиёсий агентлик ва амирлик маъмурияти, хусусан, Бухоро кўшбегиси ўртасидаги ёзишмалар натижасида амалга оширилган. Чунки, ҳудуд беълари билан расмий муносабатларга киришиш на сиёсий агент ва на агентлик фаолият доирасига кирган. Шу ўринда бу каби масалалар факат давлатлараро ёзишмалар усули орқалигина ҳал этилганлигини қайд этиш мумкин.

Куйидаги маълумотлар ҳам эътиборни тортади: сиёсий агентлигининг тadbiri хусусида тўғаракнинг 1900 йил 27 март №2 йиғилиши э) бандида шундай фикрлар баён қилинган: “Бухородаги рус сиёсий агенти И.В.Игнатъевга тўғарак музейи учун Бухоро амирлигининг Чирокчи беки томонидан совға қилинган “куш ва балик” тасвири тош тахта (плитка)ни юборишгани учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. И.В.Игнатъевнинг бу фаолияти хусусида “Ашхобод” газетаси саҳифаларида раҳматнома чоп этишни ташкил қилишимиз даркор”[8].

Аммо бу йиғилиш баённомасида буюмлар амирлик ҳукуматининг кўмаги орқалигина етказилганлиги хусусида ҳеч қандай маълумот йўқ. Аслида бу тadbир амирлик ҳукумати розилиги ва Чирокчи бегинининг саъй-ҳаракати натижаси эди.

¹ Туркистон генерал губернаторлиги девонхонасининг 1896 йил 25 октябр санасида уғарак раҳбарияти номига йўллаган хатига асосланиб Туркистон археология хаваскорлар тўғараги музейи дастлаб Тошкент тажриба плантациясидаги 2 хонада ой ташланлиги қайд этилиши мумкин.

Тарихий ёлгорликларни урганиш масаласига оид мактубларнинг амрилик беришича, амирлик худудидаги археологик объектларни урганиш учун амирнинг тегишли рухсати ҳамда талкилотчиларга ёрдам бериш тўғрисида кушбегининг бекларга юборган махсус курсатмалари булган. Бу курсатмалар ўз навбатида ҳукуматлараро дипломатик муносабатлар натижасида амалга оширилганлигини дадил айтиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Протокол заседания членов-учредителей Туркестанского кружка любителей археологии 11 декабр 1895 года // Протокол Туркестанского кружка любителей археологии за первый год его деятельности (11 декабр 1895г. - 11 декабр 1896 г.). Т.: Тип-литография торг-дома "Ф.и Г.Бр. Каменские", 1898.
2. Смирнов Е.Т. По поводу "Истории Бухары" Наршахи. // Протокол Туркестанского кружка любителей археологии за первый год его деятельности (11 декабр 1895 г. - 11 декабр 1896 г.). Т.: Тип-литография торг-дома "Ф.и Г.Бр. Каменские", 1897.
3. ЎзР МДА И-71-фонд, 1-руйхат, 4-иш, 41-варак амир хати эса 42 варак.
4. ЎзР МДА И-71-фонд, 1-руйхат, 4-иш, 65-варак.
5. ЎзР МДА И-1-фонд, 29-руйхат, 1218-иш, 9-варак.
6. Протокол заседания Туркестанского кружка любителей археологии состоявшая 29 августа 1897 года в генерал-губернаторского доме. // Протокол Туркестанского кружка любителей археологии за второй год его деятельности (11 декабр 1896г.-11 декабр 1897 г.) Т.: Тип-литография торг-дома "Ф.и Г.Бр. Каменские" 1897.
7. ЎзР МДА И-71-фонд, 1-руйхат, 15-иш, 8-варак.
8. ЎзР МДА И-71-фонд, 1-руйхат, 17-иш, 2-варак.

С. АЙНИЙНИНГ "ТАЪРИХИ АМИРОНИ МАНГИТИЯИ БУХОРО" АСАРИ МУҲИМ ТАРИХИЙ МАНБА

Ф.У.ТЕМИРОВ

Бухоро давлат университетининг
"Тарих" кафедраси ўқитувчиси

Маърифатпарвар олим ва тарихнавис адиб, Бухоро тарихининг мохир билимдони Садриддин Айний (1878 – 1954) адабий, илмий ва тарихий асарларида XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Бухоронинг иқтисодий ва сиёсий, маданий ҳаёти, маҳаллий халқнинг турмуш-тарзи, урф-одатлари, меъморчилик, санъат ҳақида муҳим маълумотлар беради.

Садриддин Айнийнинг "Бухоро инкилоби тарихи учун материаллар"⁷², "Одина"⁷³, "Бухоро жаллодлари"⁷⁴, "Дохунда"⁷⁵, "Қисқача таржимаи холим"⁷⁶ каби касса ва романлари муайян тарихий воқеалар асосида ёзилган. Бундан ташқари, унинг тарихий очеркларини илмий тадқиқот ишлари сирасига қўшиш мумкин. Айний асарларининг муҳим хусусияти муаллиф маҳаллий халқ билан яқиндан алоқада бўлгани ва тарихий воқеаларнинг жонли гувоҳи эканидadir.

Айнийнинг "Бухоро мангит амирлари тарихи" асари дастлаб "Таърихи силсилаи мангития ки дар Бухоро ҳукм рондаанд" ("Бухорода ҳукм сурган Мангитлар сулоласи тарихи") деб номланиб, у "Шуълаи инкилоб"⁷⁷ ("Инкилоб шуъласи") журналининг 1920 йил сентябридан 1921 йил ноябрь оралигида чиққан 27 сониди "С.М."⁷⁸ имзоси остида чоп этилган. Бу асар муаллифнинг баъзи бир ўзгартириш ва тўлдиришлари билан "Таърихи амирони мангитияи Бухоро" номи остида, форс тилида, араб имлосида, алоҳида китоб ҳолида 1923 йили Тошкентда нашр бўлади⁷⁹.

Маърифатпарвар олим "Мухтасар таржимаи холи хулам" ("Қисқача таржимаи холим") асарида шундай ёзади: "Шуълаи инкилоб" журналида "Бухоро мангит амирлари тарихи" номи билан бир тарихий очерк чиқара бошладим. Бу мақолалар силсиласи Бухоро революциясига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Очеркда охириги амир ва унинг саройигина эмас, балки 150 йилча ҳукмронлик қилган барча мангит амирлари тарихини ва хатти-ҳаракатларини баён қилдим (бу мақолалар алоҳида китоб шаклида

⁷² Айний С. Бухоро инкилоби тарихи учун материаллар – Москва: СССР халқлари Марказий нашриёти, 1926.

⁷³ Айний С. Одина. – Ленинград, 1938.

⁷⁴ Айний С. Бухоро жаллодлари. Тошкент: 1940.

⁷⁵ Айний С. Дохунда. Тошкент: 1956.

⁷⁶ Айний С. Қисқача таржимаи холим. Тошкент: 1960.

⁷⁷ Шуълаи инкилоб – Самарқандда, тожик тилида 1919 йил 10 апрелидан то 1921 йилнинг декабр ойигача нашр қилинган ҳафталик журнал Маърифатпарвар олим Ҳожи Муин Шукрулло (1883-1942)нинг маълумот беришича, унинг муҳаррири Садриддин Ализода бўлган. Бу мажмуа тарихан минг донга босилиб Бухоро, Эрон ва Афғонистонгача тарқалган. Журналнинг донмий ёзувчилари Садриддин Ализода ва Садриддин Айний бўлган. Журналнинг 92 сони чиққан. Айнийнинг кизи, адабиётшунос олима Ҳолида Айнийнинг гувоҳлик беришича, 1919 йил 13 июлдан бошлаб яхши йил беш ой ичида ушбу журналда Айнийнинг 67 та мақоласи эълон қилинган (Қаранг Х. Айний. Жизнь Садриддина Айни (Краткий хронологический очерк). – Душанбе, 1982 – с. 63.

⁷⁸ Садриддин Айний Шуълаи инкилоб журналида - "С. А.", "С. М.", "К. С.", "С. Х.", "Х.", "К. А.", "С. Қ." имзолари билан шеър ва турли мавзудаги мақолалар нашр эттирган.

⁷⁹ Айний С. Таърихи амирони мангитияи Бухоро. – Тошкент: Туркистон Давлати нашриёти, 1923.

1923 йилда Тошкентда нашр бўлди)⁸⁰. Асар муаллиф сўзи, муқаддима, 50 бўлим ва 150 саҳифадан иборатдир.

Маълумки, Айнийнинг асарлари тўплами Тошкентда, ўзбек тилида 8 жилд, Тожикистонда форс тилида 16 жилд ва Москвада рус тилида 6 жилд нашр этилган⁸¹. Бироқ унинг ўзбек тилида 8 жилдда чоп бўлган вариантга ушбу тарихий тадқиқоти қирмай қолган. Ушбу нашрнинг 1-жилдида "Бухоро мангит амирлари тарихи" асарининг чоп бўлган вақти 1925 йил, деб кўрсатилган. Бу нашриётнинг хатоси бўлиши ҳам мумкин.

Бу 8 жилдлик тўпلامни муқаммал деб бўлмайди. Чунки у Айнийнинг илмий меросини тўла қамраб олмаган. Шу сабабдан Айний асарларини қайта урганиш ва уларни бир тизимга келтириб, ўзбек тилида қайта нашр этиш муҳим ҳисобланади. Айнийнинг мазкур "Бухоро мангит амирлари тарихи" асари, унинг Тожикистонда чоп этилган 16 жилдлик асарлар тўпلامининг (Куллийт) 10 – жилдидан ва Москвада чоп этилган 6 жилдлик тўпلامининг охиригисидан жой олган.

Бухоро амирлигида ҳукмронлик қилган Мангитлар сулоласи тарихига таълифланган кўпгина тарихий асарлар ёзилган ва уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Бу асарларнинг деярли барчаси Бухорода яшаб ижод этган, айримлари мангит амирлари саройида хизмат қилган маҳаллий тарихчиларнинг қаламига мансубдир. Уларнинг кўпчилиги ҳозирда Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар маркази фондида қўланмоқда.

Мангитлар сулоласи тарихининг тадқиқотчилари бўлган Аҳмад Махдум Дониш⁸² (1827 – 1897), Мирзо Абдулазим Сомий Бустоний⁸³ (1848 – 1907), Шарифжон Махдум Садри Зиё⁸⁴ (1865 – 1936), Пулат Солиев⁸⁵ (1892 – 1938) асарларида мангит ҳукмдорлари даври тарихига нисбатан салбий муносабат билдирилган. С.Айнийнинг диққатга сазовор томони бундан мустасно эмас. Лекин, Айний асарининг диққатга сазовор томони унда муаллиф кўпгина тарихий манбалардан фойдалангани, воқеа-ҳодисаларни тўғри баҳолашга ҳаракат қилгани, унинг туб моҳияти ва таъбиқларини тўғри англашда ва аниқ фактлар, далилий рақамлар асосида ёритиб берганлигидадир.

⁸⁰ Садриддин Айний // Куллийт. 16 жилд. Жилди - 1. – Сталинобод: Нашриёти Давлати Тожикистон 1958 – с. 91.

⁸¹ Садриддин Айний. Асарлар. 8 жилдлик. Т., 1963-1967; Унинг ўзи: Куллийт. Жилди 1-16 – Душанбе: 1958-1977, 2005-2010; Унинг ўзи: Собрание сочинений. 6-том – Москва: 1974-1975.

⁸² Аҳмад Махдум Дониш. Рисола ё мухтасар аз таърихи салтанати хонадони мангития. – Душанбе: Сарват, 1992.

⁸³ Мирзо Абдал Азим Сами. Таърих-и салотин-и мангития. Издание текста предисловия, и сокращения М.Епифановой. – Москва: Изд. Восточной литературы, 1962.

⁸⁴ Саҳобиддин Сиддикий. Силсилаи салотини мангития. / Садри Зиё ва таъкираҳои у. – Душанбе: 2010.

⁸⁵ Солиев Б. Мангитлар сулоласи даврида Бухоро ўлкаси – Тошкент: 1925.

Садриддин Айний китобида фойдаланган манбаларни кўрсатиб, дейди: “Мангитлар тарихи аҳволини ва воқеаларини баён қилишда, асосан эътиборимни қуйидаги асарларга қаратдим:

Мирзо Сомий Бустоний, “Таърихи салотини мангитийа”. Бу асар амир Абдулахадхон даврида 1316 йил хижрийда таълиф бўлган.

Мулла Хумулий Самарқандийнинг тарихий тадқиқотидан фойдаландим. Бу китоб амир Ҳайдар даврида таълиф бўлган, форс тилида ёзилган. Ҳозиргача нашр этилмаган.

Мирзо Малкамхон, “Таърихи Эрон” асари.

Маъшур можар тарихчиси Вамберининг “Бир сохта дарвешнинг Урта Осиёга саёҳати” номли асаридан. Туркий тилга таржима қилингандир.

Мулла Ниёз, “Таърихи Шохрухий” асаридан. Фарғоналик муаррих бўлиб, бу асар Қўқон хонларидан Худоерхон даврида, форсий тилда таълиф бўлган.

“Таърихи Туркистон”⁸⁶ – бир қисми Бухоро амирлиги тарихи ҳақида бўлиб, 1915 йил Тошкентда нашр этилган.

Пўлит Солиев, “Мангитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси” асаридан. 1920 йил Тошкентда чоп бўлди”⁸⁷.

Амир Абдурахмон, “Тоғ ут-таворих” (“Тарихлар тоғи”) асари.

Шайхобиддин Маржонийнинг⁸⁸ таржимаи ҳолидан.

1340 йил хижрий (милодий – 1922 йил, 27 январь) Садриддин Айний”⁸⁹.

Айний мазкур асари бошида мангитлар сулоласининг ҳокимият тепсига келмасдан олдин, Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият, Аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон даври тарихи, Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг Бухорога ҳарбий юришлари ва унинг оқибатлари хусусидаги воқеалар тарихи билан бошлаган. Шу билан бирга Бухоро амирлигини бошқарган, мангитлар сулоласининг саккиз амир даврини: жумладан, Муҳаммад Раҳимхон (хукмронлик даври 1756 – 1758

⁸⁶Қўқонда тарихчи Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи қаламига мансуб бўлиб, асар тарих фанлари доктори Шодмон Воҳидов форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, унинг сўз бошиси, ва изохлар кўрсаткичи билан “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан 2008 йилда чоп этилган.

⁸⁷Садриддин Айний негадир И.Солиевнинг асарини 1920 йилда чоп бўлганини айтиди. Муаллифнинг ушбу асари 1925 йилда Ўзбекистон давлат нашриётида нашр этилган.

⁸⁸Шайхобиддин Маржоний (1818-1889) - маъшур татар меъналаридан Исмоилбек Ғаспалининг устозларидан бири бўлган. Бухородаги Мир Араб ва Самарқанддаги Шердор мадрасаларида таълим олган. 1849 йил ватанга қайтиб, Қўқондаги Муҳаммадия мадрасасида ичмол-хатиб ва мударрис бўлиб ишлаган. Йигирма икки йил мобайнида юзга яқин шогирд етиштирган. 24 та асарнинг муаллифи. Бундан ташқари, у 1876 йил 12 сентябрда очилган рус-татар уқитувчилар мактабида тўққиз йил муаллимлик қилган. “Мустафол ул-ахбор фи аҳбоби Қўқон ва Булғор” асари унга катта шухрат келтирган.

⁸⁹Айний С. Тарихи амирони мангитияи Бухоро. – Тошкент: Туркистон Давлат нашриёти 1923 – С.63.

лар), Амир Дониёлбий (1758 – 1785), Амир Шохмурод (1785 – 1800), Амир Ҳайдар (1800 – 1826), Амир Насруллахон (1826 – 1860), Амир Музаффархон (1860 – 1885), Амир Абдулахадхон (1885 – 1910) ва Амир Абд Олимхон (1910 – 1920) даври тарихини муфассал баён этган.

Шунингдек, бу даврда Бухоро амирлигининг ижтимоий-иқтисодий ҳоли, ички ва ташқи сиёсати, амирлик таркибига кирувчи бекликлар ва уларнинг аҳоли, суғориш иншоотлари, деҳқончилик ва чорвачилик, нармадчилик, савдо-сотиқ ишлари, илм-фан ва маориф тизими, меҳкорлик ишлари тўғрисидаги муҳим маълумотларни ёзиб қолдирган. Айниқса, Бухорода жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва унинг март-шаронглар, маърифатпарварлик ғояларининг тарқалиши, янги усул мактабларининг ташкил этилиши, Ёш бухороликлар ҳаракатининг юзага келиши, унинг таниқли намояндалари, 1917 йилги апрел воқеалари, 1918 йил март ойида юз берган Колесов воқеалари ва унинг оқибатлари каби тарихий воқеаларни ҳам алоҳида шарҳлаб ўтган.

Муаллифнинг ушбу маълумотларга мурожаат этиши табиий ҳол, албатта. Чунки, Айнийнинг ўзи бу воқеалар жараёнида бевосита иштирок этган, тарихий воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлган, Бухорода жадидчилик, маърифатпарварлик ва тараққийпарварлик ғояларининг тарқалишига раҳнамалик қилган, янги усулдаги мактабларни ташкил этишда жонбозлик кўрсатган ва Бухородаги таълим-тарбия тизимини ислоҳ этиш учун курашган адиблардан бири ҳисобланади. Тарихчининг бу тарихий воқеаларга кўз юмиб ўтиши мумкин эмас эди.

“Сунний ва шиъа воқеаси”, “Бухорода инқилоб фикри”, “Ислохот масаласи”, “Февраль инқилобининг Бухорога таъсири”, “Ислохот фармони”, “Намойиш ва аксил ҳаракат”, “Октябрь инқилоби ва Бухоро ҳукумати”, “Колесов воқеаси” каби “Бухоро мангит амирлари тарихи” асарининг охириги бобларини ташкил этган мазкур масалалар тарихнавис адибнинг яна бир йирик асари ҳисобланган “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” китобида янада чуқурроқ ёритилган. Айний мазкур икки тарихий тадқиқотини айтиб бир вақтда ёзган. У “Бухоро мангит амирлари тарихи” асарида келтирган айрим фикрларини “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарида такрорлаган бўлса-да, баъзи ўринларда уни янги маълумотлар билан тўлдирган.

Тарихнавис адиб, мангитлар даври тарихига мурожаат этар экан, уларнинг салбий томонлари билан бирга, ижобий томонларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Айниқса, Муҳаммад Раҳимхон (1756 – 1758) давлатни мустаҳкамлаш ва марказлаштириш учун олиб борган курашлари, ўз бошимча беклар ва ҳокимларга жазо тайинлагани¹, Амир Дониёлбий (1758 – 1785) даврида мамлакат парокандаликка учраб, давлат

¹ Айний С. Тарихи амирони мангитияи Бухоро. – Тошкент: Туркистон Давлат нашриёти 1923. – С.21

бошқарувининг сусайгани ва бошқарувда ҳукумат ишларига нолойик, доим ўз манфаатларини ўйлайдиган кимсаларнинг турганлиги, маҳаший халқнинг аҳоли тобора ёмонлашиб боргани хусусида ёзади. Айний амир Дониёлбий хакида келтирган маълумотларининг яқинида. Мирзо Сомийнинг асарига таяниб, шундай ёзади: “Амир Дониёлбий ҳукуматни ўғил Шохмуродбий (Маъсумбий)га топширди. Шу тариқа у 27 йил ҳукмронлик қилиб, шаъбон ойида, хижрий 1199 йилда бу жаҳондан кў юмди”⁹¹. Унинг ёзишича, амир Дониёлбий Баҳоуддин Нақшбанд мазори ёнида бир мадраса бино қилган.

Ёзувчи айникса, мангитлар сулоласининг учинчи вакили бўлган, ўз даврида “Амири Маъсум” (беғуноҳ амир) номи билан машҳур бўлган амир Шохмурод (1785 – 1800)нинг ҳукмронлик даврига кўпроқ тўхталиб ўтган. Унинг ички ва ташқи сиёсати, фаолиятининг ижобий ва салбий томонларини шарҳлар экан, унинг мамлакатда олиб борган қурилиш ва давлатни мустаҳкамлаш борасидаги тadbирларини алоҳида санаб ўтади. Айний амир Шохмуроднинг тарихини қуйидаги фикрлар билан бошлайди: “Амир Шохмурод ибн Дониёл оталик ибн Худоёр оталик мангитларнинг учинчи амиридир. Амир Дониёлдан: Маъсумбий (Шохмурод), Маҳмуд, Умар, Фазл, Султонмурод, Рустам, Кенжаали, Яъқуб, Тўхтамиш, Дарвиш ва Ражабали номли ўн бир ўғил қолган бўлса ҳам, амир Дониёл васияти ва хоҳиши билан машҳур Маъсумбий Шохмурод амир бўлди”⁹².

Айний асарининг “Ўратепанинг олиниси ва Самарқанд таъмири” бобида ёзишича⁹³, амир Шохмурод тахтга ўтиргач, Самарқандни обод қилишга киришади, шаҳарда ободончилик, қурилиш ишларини амалга оширади. Шаҳар марказида олти қиррали чорсу – бозор қурдиради. Самарқанднинг ҳар бир мадрасасига имом, муаззин, мударрисларни ўзи тайинлаб, талабалар ва мударрисларнинг маоши учун вақф ерлар ва мулклар ажратади.

Муаллиф: “Амир Шохмурод Самарқандда 24 та гузар ва масжид қуриб, камбағал, ночор аҳволдаги одамларни шу гузарларга жойлаштирди. Самарқанд чорсуси, Пойкабок, Шохизинда дарвозалари ва Каландархонани бино қилди. Сузангарон дарвозаси эски ва хароб бўлиб қолган эди, уни қайтиб тиклади” – деб, ёзади⁹⁴. Шунингдек, амир Шохмурод даврида юқори лавозимларда ишлаган мансабдорлар ҳам ўз маблағлари ҳисобидан талайгина иморатлар, мадраса ва масжидлар қурганлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтади. Жумладан, Шохмурод даврида Бош вазир лавозимида бўлган Ўткир қушбеги томонидан Бухорода қурилган мадраса, Каллободий гузаридида кози Мирзо Фузайл номидаги мадраса. Муҳаммад Амин тўпчибоши Бозорхожа гузаридида бино

⁹¹ Айний С. Таърихи амирони мангитияи Бухоро – С. 9

⁹² Айний С. Таърихи амирони мангитияи Бухоро – С. 14-15.

⁹³ Айний С. Таърихи амирони мангитияи Бухоро – С. 23

⁹⁴ Айний С. Таърихи амирони мангитияи Бухоро – С. 24

қилган мадрасалар ҳақида ёзади. Амир Шохмуроднинг ўзи ҳам Бухорода
қўлболобий гузариди “Жаннатмақоний” номли мадраса қўрдиргани ҳақида
қимматли маълумотлар беради. У амир Шохмурод ҳақидаги фикрларининг
қўнида ёзади: “Бухоро мангитларининг одилроқ ва яхшироқ
қўдшоҳларидан эди. Паришон бўлган мамлакатни интизомга келтириб,
барқарор этди, “Ўз даврининг дохийси” эди, десак тўғри бўлади”.

Айний “Бухоро мангиат амирлари тарихи” асарида мангит ҳумдорлари
орасида Амир Насруллаҳон ва Амир Музаффархоннинг ҳукмдорлик даври
тарихига айниқса, кенгроқ тўхталиб ўтган. “Амир Музаффар ибн
Насруллоҳ Баҳодирнинг ҳумронлик зикри”, “Амир Музаффар ва Фарғона”,
“Амир Музаффар ва Россия”, “Жизах воқеаси”, “Самарқандда Амир
Музаффар ва рус жанги”, “Самарқанднинг олиниши ва Россия давлати”,
“Абдумаликхон исёни, Панжшанбе ва Каттакўрғон воқеалари”, “Зирабулоқ
жанги ва сулҳ”, “Амир Музаффарнинг Абдумалик Тўрага қарши қўшин
қўртиши”, “Амир Музаффар ва уламо”⁵ ва бошқалар шулар
қўлиасидандир. Муаллиф, ушбу бўлимларни ёритишда “Тарихи
Туркистон” ва “Тарихи Шохрухий” асарларига бевосита мурожаат қилиб,
ўз фикрлари баён қилишга ҳаракат қилган.

Асарнинг “Амир Музаффарнинг баъзи аҳволи ва ишининг хотимаси”
бўлимида, “Амир Музаффар ҳижрий 1303 йилда (1885 йил милодий) сафар
ойининг олтинчи кунинда вафот этди, Бухоро шаҳридаги Эшон Ило
қўзориди дафн этилди. Ҳукмронлик даври тақрибан 26 йил эди. Амир
Музаффардан 13 нафар авлод қолди: Мирмўмин, Мирақрам, Абдулаҳад,
Абдусамад, Мирмансур, Мирносир, Мирсилдик, Абдулазиз, Абдуғўзим,
Мирсолик, Абдумалик, Нуриддин ва Нажмиддин. Улардан Нуриддин ва
Нажмиддин отаси даврида вафот этдилар, Абдумалик эса, исён қўтариб
кетди”⁶.

Айний Амир Абдулаҳадхон амирлик қилган даврини “Амир
Абдулаҳад ҳумронлик зикри”, “Амир Абдулаҳад даврида Бухоро
қўқуматининг йўли”, “Сунний ва шиъа воқеаси”, “Амир Абдулаҳад ва
мактаб масаласи”, “Амир Абдулаҳад ва уламо”, “Амир Абдулаҳаднинг
баъзи аҳволи”, “Мактаб масаласининг натижаси, сунний – шиъа воқеаси ва
Абдулаҳаднинг вафоти”, “Амир Абдулаҳад даврида Бухоронинг ҳарбий
қўввати” каби бўлимларида шарҳлаб ўтган. Олим унинг ҳукмронлик
даврига салбий фикрлар билдирса-да, унинг қўп ижобий томонларини ҳам
айтиб ўтади. “Амир Абдулаҳад бағоят соҳиб заковатли эди. Бунга сабаб
қўрбор аҳли ва ўз маъмурларини яхши идора қиларди. Маълум бир мақсад
қўсосида уларга тўғри муомала қиларди, уларга муносиб жавоб қайтарар
эди”⁷.

⁵ Айний С. Таърихи амирони мангитияи Бухоро. – С. 45.

⁶ Айний С. Таърихи амирони мангитияи Бухоро. – С. 49.

⁷ Айний С. Таърихи амирони мангитияи Бухоро. – С. 65.

Муаррих мангитлар сулоласининг сўнгги амири Амир Саид Олимхон даври тарихига ҳам бир канча бўлимларни ажратган. Жумладан, “Амир Олимнинг тахтга ўтириши ва ислохот фармони”, “Амир Олим ва Абдуллаҳад ўртасидаги фарқлар”, “Амир Олимнинг машхур идораси”, “Бухорода инкилоб фикри”, “Ислохот масаласи”, “Бухорога феврал инкилобининг таъсири”, “Ислохот фармони нусхаси”, “Намойиш ва аксил ҳарисат”, “Ёш бухороликларнинг умиди ва Бухоро ҳукуматининг муомаласи”, “Амир Олимнинг ҳукумати Русия инкилобидан нима фойда кўрди”, “Октябрь инкилоби, Бухоро ҳукумати ва Ёш бухороликлар”, “Колесов воқеаси”, “Колесов воқеасидан кейин Амир Олимнинг сиёсати” каби бўлимлари¹ муфассал шарҳланган тарихий воқеалар баънидан иборатдир.

Тарихчи Амир Саид Олимхон даврида юз берган Бухородаги тарихий жараёнларни “Бухоро инкилоби тарихи учун материаллар” асаринда ҳам мурожаат қилган. Бироқ, Айний бу тарихий тадқиқотида унинг даврига атрофлича ёндашиб, мураккаб сиёсий – ижтимоий давр тарихига эга эгалигини таъкидлайди. Унинг ҳукмронлик даврини асосан, салбий баҳолайди. Бунинг сабабларидан биринчиси, мамлакатда юзага келган жадидчилик ва ислохотчилик ҳаракатларига амирнинг йўл беришгани, иккинчидан, Ёш бухороликларнинг ислохотчилик талабини қонирмагани, учинчидан, ёшларнинг кўпчилиги унинг олиб борган сиёсати оқибатида катагонга учрагани ва тўртинчидан Айнийнинг ўзи Амир Олимхоннинг фармонига биноан 75 дарра билан жазолангани билан изоҳланади.

Айний китобининг “Амир Олимхон кетишининг тафсилоти” бўлимида шундай ёзди: “Амир Олим чоршанба куни, соат бирдан кейин 18-11 зулҳижжаси 1338 ҳижрийда (1 сентябрь 1920 йили) Бухоронинг шимолӣ шаҳри бўлган, Ситораи Моҳиҳосса саройи чорбоғидан чиқиб, Ғиждувонда Абдуллабойвачча номли ўзининг одамларидан бирининг уйига кўним топади. Пайшанба куни Ғиждувондан кўчиб, Соктаре ва Ғишги кишлоклари орқали Зарафшондан ўтиб, Қарноб деган манзилга келди”².

“Амир Олимхон Афғонистон тупроғига ўтганидан кейин, маҳаллий ҳукумат тарафидан унинг одамларига Мазор ва Хонобод ерларидан жой берилади. Амирнинг ўзини Кобулга узатдилар. Афғонистон амири Олимхонни Кобул шаҳрининг ташқарисида жойлашган мухташам бир подшоҳлик боғи жой қилиб берди. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик муддати тахтга ўтирган кунидан Бухорони ташлаб кетишигача қамарий ҳисоб билан: тўққиз йилу 11 ой, 11 кун, шамсий ҳисобида тўққиз йилу 7 ой

¹ Айний С. Таърихи амирони мангитияи Бухоро. – С. 101

² Айний С. Таърихи амирони мангитияи Бухоро. – С. 103-104

25 кундир. Мангит амирлари 1170 хижрий (1753) йилдан 1338 йил хижрийгача (1920), яни 168 йил Бухорода ҳукмронлик қилдилар¹.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, тарихнавис адиб Айний "Бухоро мангит амирлари тарихи" асарида ушбу сулола вакиллари даври тарихини асосан салбий баҳолаган бўлса-да, мангит амирларининг амалкати мустаҳкамлаш ва иқтисодий ривожига катта эътибор қаратганини айтади. Айниқса, муаллиф томонидан Амир Ҳайдар, Амир Шохмурод, Амир Музаффархон ва Амир Абдулахадхонлар ҳақида қарилган маълумотлари муҳим аҳамият эгадир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маърифатпарвар адиблар, фан фидойилари ва арбобларининг ҳаёт йулларини ўрганиш, уларнинг илмий меросини тиклаб ҳаётга тадбиқ этиш муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланди. Садриддин Айний илмий ва маънавий мероси ҳам улар қаторидадир. Тарихчининг суз юритилган ушбу асари ҳозиргача, ўзбек тилида нашр этилмаган. Асар жиддий ўрганилиб, тадқиқ этилиб, ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилса, мангитлар даври тарихи бўйича муҳим тарихий манбалар қаторида хизмат қила олади.

С.АЙНИЙ ТАДҚИҚОТИДА БУХОРОЛИК АДИБЛАР

О.И.РАЖАБОВ, Ф.У. ТЕМИРОВ

Бухоро давлат университети

Тарих кафедраси ўқитувчилари

Ўрта Осиё ўтмиши тарихи, маданияти, ўзбек ва тожик ҳамда туркий халқлар адабиёти тарихи, бу қон-қардош халқларнинг классик шоирлари, таъкиранавислари, адиблари ва маърифатпарвар олимлари тўғрисида тадқиқот иши олиб борган ва олиб бораётган ҳар бир илм ихлосманди шарқшунос ва адабиётшунос олим, Бухоро тарихининг моҳир билимдони Садриддин Айнийнинг (1878-1954) "*Намунаи адабиёти тожик*" ("Тожик адабиётидан намуналар") асарига мурожаат этиши табиий. Унинг йирик илмий-адабий тадқиқоти бўлган "Тожик адабиётидан намуналар" асари уч қисмдан иборат бўлиб, 1926 йил Москвада, араб имлосида, тожик тилида нашр этилган². Асар иккинчи маротаба 2007 йил форс тилида Эронда³ ва учинчи марта эса, 2010 йил Душанбеда қрилл ёзувида тожик тилида. Айний "*Куллиёт*" (Асарлар тўплами)нинг 16 жилди сифатида чоп этилди⁴.

¹ Айний С. Тарихи амирони мангитияи Бухоро. – С. 105-106.

² Айний С. Намунаи адабиёти тожик – Москва: Чопхонаи нашриёти марказии халқии Ҷамоҳири шуравии Сўсёлиستӣ, 1926.

³ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. Нашруфтор аз Муҳаммадҷон Шакурӣ Бухорӣ – Техрон, 1385 ҳ. ш.

⁴ Айний С. Намунаи адабиёти тожик. Таҳия ва нашри китоб бо қўшиш ва эсри Қамолддин Айний. Аз хати форсии тоҷикӣ баргардонии Аҳмаҷон Ҳоҷиев. – Душанбе: Чопхонаи "Mega Basim", 2010.

Ўрта Осиё халқлари тарихи, адабиёти, маданияти тарихини урганишда биринчи даражали манбалардан ҳисобланадиган бу антологияда Х-асрдан тўғиб, то 1925 йилгача Ўрта Осиёда яшаб ижод этган 228 та шоир, ёзувчилар, олим, тазкиранавис аллома ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар келтирилади. Яъни у минг йилдан ортиқроқ тарихий даврни қамраб олади. Жами 228 та шоирни қамраб олувчи бу тазкирада юздан ортиқ "Бухорий" тахаллуси билан ижод қилган бухоролик ижодкорларнинг урин олганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Шунинг ҳам айтиш жоизки, адабиётшунос олим ўз асарига 50 дан ортиқ ўзбек олимлари, шоирлари, тарихчилари ва тазкиранависларини ҳам киритган. Айний шахси ва фаолиятига ҳос муҳим фазилатлардан бири, бу унинг икки тилда — ўзбек ва тожик тилларида баракали ижод этганидир.

"*Тожик адабиётидан намуналар*"даги биографик маълумотлар ихчам ва характерлидир. Айний шоирлар тўғрисида берилган маълумотларда у адибнинг ижод бобидаги иқтидорига, шахсиятига, ахлоқ-одобига алоҳида эътибор беради. Адабиётшунос олим Бухорода яшаб ижод этиб, ўз номларини абадиётга муҳрлаган замонасининг ўқимишли, зиёли кишилари тўғрисида қимматли маълумотларни бериб ўтган. Адиб асарлари, унинг шарҳшунослик, тарих ва адабиётшунослик масалаларига доир "*Тожик адабиётидан намуналар*" асари бой фактик материалларни чуқур илмий таҳлил этишга қаратилгандир. Тадқиқотчи қайси бир давр, қайси бир ижодкор ҳақида илмий текшириш ишига киришмасин, биринчи навбятда, мазкур ижодкор замони тарихига тўхталади, даврга қисқача характеристика беради. У ёки бу ижодкор шахси билан алоқадор барча тарихий, адабий манбалар, халқ оғзаки ижодиётидаги афсона ва ривоятларни ҳам синчиклаб ўрганади. Ўша ижодкор асарларида учрайдиган айрим автобиографик ҳамда тарихий маълумотларга диққатни жалб этиб, уларни ҳам тадқиқот доирасига тортади. Бундай кенг ва батафсил тадқиқ усули ҳар бир илмий ҳулюсанинг мантикий асосини таъминлайди.

Шарҳшунос олим Айний мазкур тазкирасига тартиб беришда ўзбек, форс-тожик адабиёти тарихида Х — XIX асрларда тузилган Хожа Ҳасан Нисорийнинг "*Музаққир ул — аҳбоб*", Мутрибий Бухорийнинг "*Тазкират ул — шуаро*", Қори Раҳматулло Возехнинг "*Тухфатул аҳбоб*", Муҳаммад ас-Саолибийнинг "*Йатимат ад — даҳр*", Муҳаммад Авфий Бухорийнинг "*Лубоб ул-албоб*", Алишер Навоийнинг "*Маҷолис ун-нафоис*", Давлатшоҳ Самарқандийнинг "*Тазкират ул-шуаро*", Фазлий Намангонийнинг "*Маҷмуаи шоирон*", Афзал Маҳдум Пирмастий Бухорийнинг "*Афзал-ут-тазкор фикри зикр-ул-шуаро в-ал-ашъор*", Шарифжон Маҳдум Садр Зиёнинг "*Тазкират — ул — шуаро мутақаддимин*" ва бошқа тазкираларидан бўлак юзлаб девонлар, тазкира ва тарихий нодир китоблардан ҳам хабардор бўлган. Олим уларни синчиклаб ўрганган, тазкира, тарихий асарларнинг яхши жиҳатларини

одий ривожлантирган. "Намунаи адабиёти тоҷик" номли яхлит камол бир асар ана шу илмий азият ва машаққат замирида тугилган.

Шубҳасиз, антологияга киритилган 228 та шоир, ёзувчи ҳамда тарихчи-таъкиранивис ҳақида қисқача ва лекин мазмунли маълумот бериш ийидан юксак истъдод, улкан ижодий меҳнат заҳматиини талаб этган. Бу меҳнат энг аввало турли даврларда ёзилган, юзлаб йиртилиб битган, танган ва хира тортган қўлёзмалар, тарих, адабиёт таъкиралари, турли ғаламларни варақлаш, халқ орасидаги ҳар хил афсоналар, ривоятларни, ғаданий ҳамда тарихий ёдгорликларни синчиклаб урганиш, шу урганилган тарихий фактларни танкидий тадқиқ этиб, объектив баҳолаш, шундан ғуғгина ундан фойдаланишдек мураккабликлар билан изоҳланади.

"Тоҷик адабиётидан намуналар"нинг биринчи қисмида Абдуллоҳ Жаъфар Рудакийдан бошлаб, Фитрат Зурдузи Самарқандий, Сайидо Нафасийларгача бўлган даврдаги адиблар камраб олинади. Бу қисмда тилга олинган Бухорийлар: Абулҳасан Рудакий Бухорий, Шайх Абулаббос Фазл ибни Аббос Бухорий, Мансур Аҳмад Дакикий Бухорий, Мирзо Абулҳасан Оғоч Бухорий, Маънави Бухорий, Амъаки Бухорий, Камоли Бухорий, Ҳамид Бухорий, Шамсуддин Кардари Бухорий, Шайх Сайфулдин Боҳарзи Бухорий, Жавҳари Заргари Бухорий, Носир Бухорий, Хожа Исмаи Бухорий, Бурундуки Бухорий, Шамсуддин Аҳмад Оҳангари Бухорий, Шаҳобулдин Аҳмади Бухорий, Тоҳири Бухорий, Сайфи Бухорий, Хаёли Бухорий, Мушфики Марви Бухорий, Бокий Дарзи Бухорий, Хожа Ҳасан Насори Бухорий, Марҳуми Бухорий, Мутриби Бухорий, Аршии Бухорий, Гулшани Бухорий, Маалаи Шарифи Бухорий, Қози Лутфуллоҳ Шокири Бухорий, Муҳаммадисхоқ Шавкат Бухорий, Имлои Бухорийлардир.

Мазкур бобда жами 75 шоир ва 5 шоиранинг ижодий фаолиятига тегишли маълумотлар ва ижодидан намуналар берилган. Тилга олинган 80 шоир ва шоирадан, бевосита Бухорода камол тоғанлари 30 дан ортиқ бўлса, уша вақтда ҳаёт бўлганлари 20 га яқин бўлган.

Антологиянинг иккинчи қисми ҳажм жиҳатидан анчагина каттадир. Ушбу қисмда 132 қалам аҳли, адабиётшунос ва ўз даврининг етук олимлари, айрим тарихнавислар ҳақида ҳам маълумот берилади. Таъкиранинг бу бобида Айний XIII асрдан XX асрнинг бошларигача, яъни 1905 йилгача бўлган даврдаги адибларнинг ижодлари, ҳаётлари, айрим тарихий воқеалар ва ҳодисалари хусусида фикр юритади. Антологиянинг иккинчи қисмида, (жами 132 шоир) Мансурхожа Ансоби Бухорий, Ақобирхожа Ақбари Бухорий, Мирбақохожа Оташин Бухорий, Афзали Бухорий, Муҳаммадамин Ҳасими Бухорий, Ҳабибуллоҳ Авҳади Бухорий, Отажон Пайрави Бухорий, Наберахожа Тавфики Бухорий, Қози Абдуллоҳхожа Таҳсини Бухорий, Исомуддин Сокиби Бухорий, Турсунбокий Жалоли Бухорий, Қожижон Журъаги Бухорий, Муҳаммадсидик Ҳайрати Бухорий, Муҳаммадсидик Ҳашмат Бухорий, Аҳмаджон Ҳамдамин Бухорий, Қозий Раҳматини Хиҷлати Бухорий, Ҳамўшини Бухорий, Муллохусайн Донишини Бухорий, Муллоаражаб

Дониши Бухорий, Шамсуддин Доъи Бухорий, Ахмад-махдуми Мухандиси Дониши Бухорий, Қори Каромат Дилкаши Бухорий, Қори Абдулмажид Зуфунуни Бухорий, Қозий Рашид Мириноятуллоҳи Бухорий, Қозӣ Абдулазиз Роқими Бухорий, Идрисхожа Роқии Бухорий, Мирпороҳим Зақии Бухорий, Абдулқодирхожа Савадон Бухорий, Мулло Маҳмуд Симои Бухорий, Мирзосироҷ Ҳақими Бухорий, Муҳаммадшариф Шепини Бухорий, Шариф-Маҳдум Ширини (Муътасими) Бухорий, Ширини Бухорий, Шамсуддин-маҳдум Шохини Бухорий, Ҳожи Азими Шаръии Бухорий, Қори Ҳошим Шонқи Бухорий, Тохирхожа Зарири Бухорий, Мирзо Муҳаммадшариф Садри Зиёи Бухорий, Муҳаммад Яъқуб Кенъсаали Бухорий, Иноятти Бухорий, Исо Маҳдум Бухорий, Ҳожи Иброҳим Осими Бухорий, Муллошариф Акбари Бухорий, Садриддин Айний Бухорий, Қори Ҳисомуддин Фоиқи Бухорий, Қозӣ Қурбонхон Фитрати Бухорий, Қозӣ Абдурозик Фикрати Бухорий, Мирзошоҳ Фоиқи Бухорий, Абдурауф Фитрати Бухорий, Қамоли Бухорий, Қозӣ Қомили Бухорий, Содикхожа Гулшани Бухорий, Мулло Назруллоҳ Лутфин Бухорий, Абдурозик Мунири Бухорий, Қозӣ Муллосаъдий Моҳири Бухорий, Ҳожи Жаҳонгир Маҷнуни Бухорий, Абдулмажид Музтариби Бухорий, Ҳожи Неъматуллоҳ Мухтарами Бухорий, Ҳожи Ҳодӣ Масрури Бухорий, Мирзо Абдулвоҳид Мунзими Бухорий, Сайид Маҳмудхожаи Бухорий, Қомилхожа Никҳати Бухорий, Мирқори Ноири Бухорий, Қозӣ Сайидҷон Назми Бухорий, Муҳаммадсолех Навҳаи Бухорий, Қори Раҳматуллоҳ Возеҳи Бухорий, Халифа Ашурмуҳаммад Яқдили Бухорий.

Асарнинг учинчи сўнгги қисмида эса тоҷик ва ўзбек шоирларининг 1903-1925 йиллардаги ижоди ҳақида фикр юритади¹. Айний "Тоҷик адабиётидан намуналар" асарида Аҳмад-Маҳдум Мухандис Дониши Бухорий (1827-1897) ҳақида келтирган фикр-мулоҳазалари қимматли ҳисобланади. Адибнинг ёзишича, Бухородаги дастлабки маорифпарварлик ва тираккийпарварлик гоёлари Аҳмад Донишдан бошланган. Айний Аҳмад Дониш билан шахсан учрашиб, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлмаган бўлса ҳам, лекин унинг "Наводир ул-вақоеъ" ("Нодир воқеалар") асари орқали танишгани, бу асар дунёкарашида катта бурилиш ясаганлигини айтиди. Муаллиф, ўз асарида Аҳмад Донишнинг "Наводир ул-вақоеъ" асарида катта ўрин ажратган бўлиб, унинг асосий мазмун-моҳиятини тулиқ очиб берган².

Айнийнинг ўз даврнинг машҳур тараққийпарвар уламоларидан бўлган Шарифжон Маҳдум Садри Зиё (1867-1932) ҳақида ёзган тарихий маълумотлари ҳам муҳимдир. Бухоронинг сўнгги амира бўлган Сайид Олимхон 1917 йил, ислохот фармони эълон қилини арафасида Садри Зиёни қозқалонликка тайинлайди. Садри Зиё амир фармонидан кейин Бухородан бадарга қилиниб, Қаршига қози этиб жўнатилади. 1918 йил март ойида

Алесов воқеалари муносабати сабаб, Қаршида унинг яқин қариндошлари қўлга олиниб, етмиш кунлик маҳбусликдан кейин Шаҳрисабзга қозиликка тайинланган. Шарифжон Маҳдум улкан маънавий хазинаси билан ҳам шикдод даври одамларини барқамол шахс қилиб шакллантириш йўлида қимнат хизмат қилиб келмоқда.

Ҳозирги илм ихлосмандларига ўздан жуда катта бой маданий ва маънавий мерос қолдирган Шарифжон Маҳдум Садри Зиё шахси ҳақида Айний ўз китобида шундай ёзади: "Қозӣ Муҳаммадшариф Садри Зиё Бухорий – домулло Абдушукур Оятнинг ўғли бўлиб, ўз замонасининг тод-мутафаккирларидан эди. Маърифатпарвар отасининг соясида қасбу-қамол топди. Бухоро инқилобидан (1920) кейин, Бухорога қайтиб, шўро ҳукумати хизматида кирди. Шеър кам ёзди. Назмда кўнрақ кўринган асари унинг "Тазкират ул-шуаро" сидир. Лекин бошқа асарлари кўп, масалан, "Рўзнама", "Наводири Зиёиё", "Тазкират ул-ҳаттотин" ва бошқалар. "Тазкират ул-ҳаттотин" китобида ўз даврнинг машҳур ва маълум бўлган ҳаттотларнинг таржимаи ҳоли ва ижодий фаолиятлари ҳақида маълумотлари беради. Садри Зиё араб ва форс тили грамматикаси, муштор алабиёт, тарих фанларини, ҳаттотлик санъатини пухта эгаллаган эди".

Ўша вақтда энди адабиёт оламига кириб келаётган ва илк шеърлари билан танила бошлаган ёш Садриддинхўжа Айнийдаги истеъдодни пайкаган ва унинг Бухоро мадрасаларида таҳсил олиши, шу шариф шахарнинг илмий-адабий муҳитидан хабардор бўлишига кенг йўл очиб берган Шарифжон Маҳдум Садри Зиё ҳисобланади. Айний 1891-1892 йилларда шу маърифатпарвар адиб хонадонидан хизмат қилади. Шарифжон Маҳдумнинг жўшқин адабий давлари ёш Айний учун «ҳаётбахш тарқашма» бўлган.

Шунингдек, Айнийнинг манғитлар сулоласи хонадони вакиллари билан бўлган, бойлик, шон-шухрат ва тоғу тахтга қизикмай, ўзининг бутун умрини илм-маърифатга бағишлаган Муҳаммад Сиддиқхон Ҳашмат Бухорийга оид фикрлари ҳам анча қизиқарлидир. Адиб у ҳақда қуйидагича ёзади: "Муҳаммад Сиддиқхон Ҳашмат Бухорий – биродари амир Абдулаҳадхон ҳукмронлиги ва жияни Мир Олимхон (Амир Сайид Олимхон – Ф.Т) даврида 35 йил (1303-1338) маҳбусликда эди. Шу давр мобайнида ўзини илмий ижодга ва китобдорликка бағишлади. Бухорода Ҳашматнинг хусусий кутубхонасидек бирор машҳурроқ кутубхона йўқ эди. Ҳашмат Бухорий форсий, туркий ва арабий тилларда шеърлар битар эди. Турли рисоалар ёзди, таҳрир этди. Жумладан, "Намаи Хусравон" номли тазкирага таълиф берган эди. Ҳашмат, Бухоро инқилобидан кейин 1339 ҳижрийда 35 йиллик маҳбусликдан озод бўлиб, Бухоро Шўролар Жумҳурияси ҳукуматида кутубхоначи бўлиб хизмат қиларди. Лекин, 1341

¹ Айний С. Намунаи адабиёти тоҷик – Москва: Чопхонаи нашриёти марказии халқии Жамоҳири шўравии Сўсиёлисий, 1926. – Б. 345.
² Ушунга асос – Б. 321.

¹ Айний С. Намунаи адабиёти тоҷик – Москва: Чопхонаи нашриёти марказии халқии Жамоҳири шўравии Сўсиёлисий, 1926. – Б. 329.
129

хижрийда, (1923) ўзининг айрим авлодлари (амирзодалари) ва амир хонидони вакиллари қатори Афғонистонга жўнатилди¹.

Айний ўзининг *"Тоҷик адабиётидан намуналар"* асарида айниқса Абдурауф Фитрат Бухорий (1886-1938) тўғрисида келтирган маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Фитрат Бухорийнинг *"Мунозара"*, *"Сайёҳи ҳинди"*, *"Раҳбари Наҷот"*, *"Оила"*, *"Сайёҳ"* ва *"Мусулмонони Дор-ур-роҳат"* каби асарлари ҳақида қисқача, лекин муҳим маълумотларни келтириб ўтади. *"Раҳбари наҷот"* – бу рисола турли масъалалардан иборат бўлиб, ақлий ва нақлий далиллардан баён топган, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда раҳнамо эди².

Айний Фитратнинг асарларига тўхталаркан, негадир янги мактаблар учун ёзган *"Маълуми шариф"* ва *"Мухтасар ислом тарихи"* номларини келтирмайди, бунинг боиси, бизнингча бу асарларнинг диний руҳи сарлавҳадаёқ акс этгани бўлса керак. *"Мусулмонони Дор-ур-роҳат"* асари Исмоилбек Гаспринскийнинг *"Дор-ур-роҳат мусулмонлари"* номи асарининг форсий таржимаси эди³.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, адабиётшунос ва шарқшунос олим Айнийнинг илмий-адабий асарида бухоролик ижодкорлар тўғрисида келтирилган маълумотлар муҳим илмий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, улар ўтмишдаги Бухоро адабиёти, тарихи ва илму маърифатини урганишда қимматли манбалардан бири сифатида хизмат қила олади. Энг асосийси, адабнинг ушбу асари халқимизнинг маънавий мероси бўлиб, баркамол авлодларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам у *"Фан халққа бойлик келтиради"*, – деб ёзган эди.

XIХ АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН

Ш.Ё ҚУДРАТОВ

Бухоро давлат университети

Тарих кафедраси катта

ўқитувачиси

Бухоро қадимдан нафакат Ўрта Осиёда, балки бутун жаҳонда орақул тери савдоси маркази саналган. Ўрта Осиёнинг қорақул тишгириладиган гуманлари: Қорақул ва Қарши, Туркменистоннинг оржўй, Қарки хатто Хоразм ва Афғонистондан Бухорога қорақул Ҷрилари олиб келинган. Қорақул терилари Бухоро оркали рус ботурларига

¹ Ушбу асар – Б. 411.

Айний С. Намунаи адабиети тоҷик – Москва Чопхонаи нашриёти маркази халқии имоҳири шўравии Сўсиелистӣ, 1926. – Б. 426

ша асар – Б. 426-427.

уздан сунг Ғарбий Европа ва Америкага хатто қорақул тери жуда қимбатли булган Кавказга ва Эронга ўтиб турган.

Бухороликларда қорақул турли номлар билан номланган. Қорақул қизил-қизилчи терисига қорақул дейилган. Қорақул терилари турли хил номларга ажратилган. Табиий тугилган қизилчи терисининг паст нави "қизилчи" деб номланса, муддатидан олдин тугилган қизилчонинг териси "қизилчи" деб номланган ва бу энг юқори нави бўлиб, дунё тери бозорида қимбат харидорғир бўлган.

Асосий, сифатли қорақул тери Қорақул туманида етиштирилиб, ушча "қарақул" сўзи шу туман номидан олинган. Европа мамлакатларида, Кичик Осиёда шу ном билан аталган бўлса, Эронда Бухоро териси деб номланган. Бухорога 70% тери Туркменистондан олиб келинган. Манбаларда қайд этилишича, қорақул етиштириш бир йилда 1 млн 200 минг донани ташкил этиб, шу товарнинг қариб ҳаммаси Нижний ярмаркаси орқали сотилган. Чунки Нижегород ярмаркаси қорақул тери савдоси бўйича жаҳонда етакчи ўринларда турган.

Қорақул тери савдоси бутунлай бухоролик савдогарлар қўлида бўлган. Асосий қорчалонлар Бухоро шаҳридан бўлиб, йирик савдогарлар Латифхужа, Убайдуллохужа, Насриддинбой, Яхёбой, Абдурауф қорчалонлар тан олинган. Савдогарлар орасида араблар асосий ўринларда туриб, улар араблар маҳалласида яшашарди. Бу маҳалла қорчалонхона дарвозаси яқинида эди. Шу маҳалладан чиққан катта савдогар қорақулчи Хожигўрабек Россия ва чет элда Арабов фамилияси билан машҳур эди.

Бухоро амирларининг ўзи ҳам қорақул савдоси билан шугулланувчи йирик савдогарлар бўлишган. Жумладан амир Аҳадхон ҳам қорақул тери савдоси билан шугулланар эди. Унинг кўрсатмаси билан Қарши, Чоржуй ва Қарки туманларида зақотчилар-давлат солигини йиғувчилар солиқ пулига қорақул тери сотиб олиб келишарди. Қорақул тери сотиб олишга ҳамма йиғилган пуллар ишлатилган. Шу бекликлардан 200 минг дон қорақул тери сотиб олиниб, қайсиқим бозор нархидан 10% кам туланган. Амир учун сотиб олинган тери жойида ошланиб, навларга ажратилиб, Бухорога олиб келинмасдан Москвага, сотиш учун бозорга юборилган. Амир Абдулаҳадхон савдогарлар Арабов, Латифхожиларга маблағ берарди ва фойда тенг иккига бўлинарди. Савдогарларда амирнинг 200-300 минг тангаси бўлиб, Бухоро амирларининг савдогарлар билан тенг шерикчилик қилиб ишлаши оддий ҳолга айланган эди.

Қорақул териларининг бозорга тушиши мавсумий ҳолатда эди. Савдо операцияли миқдори мавсумда жуда баланд даражада кутарилар эди. Йирик савдогарлар мавсумда 15-20 лак (300 минг рубл) миқдорида товар сотиб олишарди. Ўзларида бор булган пулни харажат қилиб бошқалар капиталини ҳам савдога жалб қилишарди. Қорақул тери савдоси мавсуми пулдор саррофлар учун ҳам фойдали мавсум ҳисобланарди.

Коракул терини кўп сотиб олиш айрим савдогарларни синишига олиб келарди. Чунки тери бозорининг ҳолати вақт-вақти билан ўзгариб турган. Коракул тери билан савдо олиб бораётган амир, йирик савдогарларни Россияда ва бошқа чет элларда зарар кўрмай юришлари учун кўп қайгурган. Бирор бир катта савдогар бой касолга учраса, Аҳадхон уларга маблағ берган. Масалан бой савдогар Латифхўжага 14 лак (140 минг танга) маблағни у учун амир хазинасидан беришга амр этган.

Бойлар орасида коракул қўйларини боқувчи чорвадор бойлар ҳам бор эди. Улар Бухоро бозорига катта миқдорда коракул териларини етказишарди. Кўп миқдорда коракул териларини етказувчилар орасида Чориқулбой ва Муродбойлар бор эди. Муродбойнинг 30 минг коракул қўйи булиб, ҳар йили бозорга 20 минг коракул тери етказар эди.

Россияда бевосита яшаб хорижий тижоратчилар билан савдо олиб бораётган бухоролик йирик савдогар Латифхўжа укаси Убайдуллохўжага ёзган мактубида омборхоналарда бирорта ҳам сур тери қолмаганлигини, немис, француз, инглиз ултуржи савдогарлари териларни ҳаммасини харид қилиб кетишганлиги, қўзилатиш мавсумидан илгари сур териларга чорвадор бойлар билан кўпроқ шартнома тузишини, айниқса Ромитан ва Жордор атрофидаги қўлларда боқилаётган қўйларнинг терисини иложи борича кўпроқ сотиб олиш лозимлигини таъкидлаган. Бухородан туриб акаси Латифхўжани коракул тери билан таъминлаб турувчи савдогар Убайдуллохўжа Ромитан туманига бориб чорвадор бой Чориқулбой билан 50 минг дона коракул терисини харид қилиш тўғрисидаги келишувлари манбааларда қайд қилинган.

Бухоро шаҳрида 3 та карвонсаройда тери савдоси олиб борилган. Булар саройишўст, саройбарра, сарой урганжи эди. Саройишўстда мавсум давмида ўзига хос коракул биржаси пайдо буларди. Тери савдоси билан шуғулланувчи савдогарлар, воситачилар (далол) бу ерда йиғиларди.

Кўп савдогарлар коракул териларини ўз уйларида сотиб олишарди, қийинким уларда тери учун омборлар, терини ошлаш учун махсус уйлари мавсуд эди.

Масалан йирик коракулчи Журабек Арабовнинг "Саройи Журабек" деб номланган хусусий карвонсаройи бўлиб бу ерда у сотиб олган коракул терилар ошланар ва навларга ажратилган. Коракул териси савдосида асосий ишни воситачи даллоллар бажаришарди. Улар бой савдогарлардан тилчят асосида пулни олиб, узлари мустақил равишда қўлларга бориб чорвадор бойларга бунак (аванс) бериб келишган. Коракул мавсумида бориб қолган пулларни бериб терилар олиб келинган.

Коракул тери билан савдо қиладиган савдогарлар Бухорода ва Россияда хизмат курсатиш ишларидан фойдаланишарди. Йирик савдо шаҳарлари Москва ва Нижний Новгородда бухоролик савдогарларга комиссияонерлар яъни товарни жойлаштирувчи ва сотишга қўмаклашувчилар ёрдам беришган. Товарларни жўнатишда савдогарлар транспорт компаниялари хизматидан фойдаланишган. Улар Бухорода 3 та

“Кавказ ва Меркурий”, “Россия” ва “Шаркий жамият”. Бой савдогарлар комиссиянерлар билан телеграф оркали алоқа қилишган.

Хуллас, бухоролик савдогар тадбиркорларнинг халқаро савдо сотик соҳасида ўрни ва тарихий роли муҳим аҳамият касб этган. Бухоролик савдогарлар кул тери савдоси билан шугулланувчи савдогарларнинг ўтмишида кўп қисми баланд бўлган. Бухоролик савдогарлар ҳалол савдо билан шугулланиб, савдо қилаётган халқлар ўртасида адолатли савдо муносабатларини ўрнатганлар ва Бухоро мамлакатини ривожланишига ҳисса қўшганлар.

Фойдланилган адабиётлар рўйхати

1. Туркистанский ведомости. 1903 й. 16. октябр № 4
2. Туркистанский ведомости. 1913 й 8 феврал № 32
3. Фридрих Н.А Бухара С. Петербург. 1910.
4. История Бухары с древнейших времен до наших дней. Ташкент-1976
5. Сухарева О.А Бухара. XIX- начало XX в» Москва 1966.
6. Наимов Н. “Мен яшашни истайман” 1994.

ВОҲА МОЛДИЙ МАДАНИЯТИДА ШИРИНЛИК ВА ИЧИМЛИКЛАР ЎРНИ

*Қурбонова Манзила Боқиевна,
БухДУ Тарих кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди*

Бухоро воҳасида турли-туман ширинликлар ишлаб чиқариш қадимдан одатга айланган. XIX асрнинг қирқинчи йилларида Н.Ханников ўз хотираларида Бухоро бозорида сотиладиган ширинликлар ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган¹³. О.А. Сухареванинг қайл этишича “бирор бошқа жойда Бухородагидек ширинликлар тайёрлаш тараққий этмаган. Бу ерда хилма-хил ва хусусан, қимматбаҳо хушхўр ширинликлар қилларига талаб катта бўлган”¹⁴.

XIX аср охири XX аср бошларида воҳа ва унинг туманларида ҳолвагарлик ҳунари анча тараққий этган. Анъанага кўра ҳолвагарлар ўз ҳунаrlарини бир-бирларидан сир сақлаганлар. Ҳолвагарлар рисоласида қайд этилишича, бу ҳунаrmандчиликка олтинчи шиа имоми Жаъфар ас-Сиддик асос солган. Унинг номи кўпгина рисоаларда ҳунаrmандчилик асосчиси сифатида тилга олинган¹⁵.

Воҳада Шакар Ганжи Вали ҳолвагарлар пири саналиб, у кишининг тилидан шогирдларига қуйидаги насиҳат қолдирилган: “Ҳалол паз, ҳалол

¹³ Ханников Н. Описание Бухарского ханства СПб, 1843. -С.120.

¹⁴ Сухарева О.А. Позднофеодалный город Бухара конца XIX нач. XX в Ремесленная промышленность. Т., 1962. -С.122.

¹⁵ Ниязова М.И. К вопросу о технологии производства Бухарских сладостей. // Из истории культурного наследия Бухары. Т., 1990 -С.131.

шин, ҳалол фуруш, инсоф дори барака", яъни ҳалол пишир, ҳалол ўтириб тур, ҳалол сотсанг, инсофинг бўлса барака топасан¹. Ҳақиқатдан ҳам, бу хунир эгалари ўз ишларини ҳалол бажаришга интиланлар. Шунинг учун ҳам Бухорода ҳолванинг таъми ўзга юртлар аҳолиси ўртасида юқори баҳоланган. Бухорони зиёрат қилиш учун келган кишилар, албатта, соғва учун ҳолвалардан олиб кетганлар.

Ўзоқда бу даврда жуда хилма-хил ҳолвалар ишлаб чиқарилган: ҳалвои лавз, ҳалвои собуний, ҳалвои акколи, ҳалвои қуфта, хилоли, обинавот, ҳалвои пашмак, ҳалвои кунжути ёки ҳалвои гардиш, ҳалвойтар ва ҳоказо. Биргина кандолатнинг данаклиги, нухатлиги, ёнғоклиги, бодомлиги тайёрланган.

Ҳолваларнинг шохӣ оби-наввот ҳолваси ёки тожикча номи ҳалвои оби-наввот бўлиб, факат Бухоро шаҳрида тайёрланганлиги учун ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларида "Обинаботи Бухоро" воҳанинг ўзида эса "Обинаботи кандин" ва "обинаботи таранжабин" деган хилларга ажратилган. Ҳолвагар хунарамандлар ўз маҳсулотларини тайёрлаш учун турли хилдаги шакар, қанд ва шиннилардан фойдаланганлар. Шакарнинг таранжабин², шакар лавлагӣ, шакарқамиш сингари хиллари бўлган. Қандлар қалла қанд, сарқанд деб номланиб, кўриниши тўнтарилган қоса ҳажмига ўхшаб кетган. Шиннилар хили ҳам кўп бўлган. Булар узум, тут ва бошқа меваларнинг шиннисидир. Хусусан, шибирғони узумидан тайёрланган суюк (тож.обаки), қуюк (тож.яхаки) шиннилар турли ҳолваларга ишлатилган. Ҳолвагарлар шакар таркибида 56%, қандда 72%, асада 92%, шиннида 100% шира бўлади деб ҳисоблайдилар³. Демак, шинни шираси: баланд ва ўткирлигини назарда тутиб, у ҳар хил ҳолва тайёрлашда ишлатилган. Йил фаслларига қараб ҳар бир ҳолванинг ўзига хос пиширилиш тартиби бўлган. Кишда кўпинча ёғли ҳолвалар, тўймаърақаларда эса маҳсус маросимий ҳолвалар истеъмол қилинган. "Ҳалвои собуний" деб аталган ҳолва қундалик истеъмолдаги ширинлик бўлса, нишолда ва ҳалвойтар эса ҳайитлар ва тўй маросимларда пиширилган.

Халқ орасида кенг тарқалган баъзи ҳолвалар нишолда, тегирмон ҳолва ва обинавот ҳолвалари учун етмак ўсимлиги⁴ ишлатилган. Етмак ўсимлиги ўсимлиги илдизи қупириш хусусиятига эга бўлганлиги учун ундан узок вақтлардан бери нишолда ва ҳолва тайёрлашда фойдаланиб келинган. Ривоят келтирилишинча, оллоҳнинг ошиқларидан бири бўлган Бурки Сармаст⁵ оллоҳ фириқида чўлларда девонавор юриб, оғзидан қупиклар

¹ Дала ёзувлари август, 1989 йил, Бухоро шаҳри.

² Таранжабин – янтоқ шакар тоғида янғокқа кўнган шира қоқиб олинади. Қўриғач шакарга айланади.

³ Дала ёзувлари март 1997 йил, Шофирқон тумани.

⁴ Етмак - количелистник качимовидный. Қаранг Ҳолматов Х.Х., Ҳабибов З.Х. Олимхўжаева Н.З. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари. Т., 1991 -Б.41.

⁵ Бухорода Бурки Сармастни хусусан ҳолвагар хунарамандлар ўларининг маҳаллий пири деб тан оладилар.

гушган. Худди шу кўпиклардан етмак ўсимлиги (тож.бех) униб чиккан. Унинг биринчи марта қайнатилган суви факат обинавот ҳолвасига, иккинчи марта қайнатилгани эса нишолдага ишлатилган. Нишолда учун етмак илдизи қайнатилиб, суви тиндирилган. Тухумнинг оки саригидан ажратилиб, тайёрланган сувга кўшиб қаллоқ урилган. 2 кг шакарга 1 коса микдорида киём пиширилиб, совутиб, сўнг тухум оки ва етмак сувидан тайёрланган масаллигга оз-оздан солиб, чилчўб ёрдамида қаллоқ урилган. Нишолда муътадил ҳолва, яъни иссиқлик ҳам, совуқлик ҳам эмас, унга ишлатиладиган етмак илдизини маҳаллий аҳоли йўталга даво деб тан олган. Бу ширинлик кўпинча тўй маросими дастурхонига олинган. Нишолда тайёрловчи усталар халқ ичида “Нишаллопаз” деб юритилган.

Тўй маросимининг яна бир ширинлиги ҳалвойи гардиш ёки кунжут ҳолва бўлиб, унинг таркиби, шакар, жавҳар, етмак илдизи суви ва кунжутдан тайёрланган. Тегирмон тоши шаклига ўхшатиб ишланган, махсус тунукадан ясалган идиш ёғланиб, ҳолва киёми унга солинган. Шунинг учун ҳам ҳолва тегирмон ҳолва деб юритилган. Унинг оғирлиги 5-10 кг.гача бўлган. Воҳанинг деярли ҳамма туманларида киз тўйига қуёв томон, албатта, тегирмон ҳолва юборган. Бу ҳолва оқ рангли бўлиб, юзига кунжут доналари сепилган. Тегирмон ҳолва тўйдан дарах берган. Халқ ўртасида қуйланган қуйидаги “ёр-ёр” кўшиғи тегирмон ҳолва тўй дарақчиси рамзи эканидан гувоҳлик беради:

*Мис қозонда кунжутли ҳолва пишди ёр-ёр
Шу қизимга қуёвнинг ишқи тушди ёр-ёр
Қайнонилар меҳмонларга ҳолва тортинг ёр-ёр
Севишганлар ҳаёти ҳолва каби ширин бўлсин ёр-ёр
Тегирмонли ҳолванинг кунжути бор ёр-ёр
Қуёв бала ишиқда дийдорга зор ёр-ёр
Келин билан қуёвга ҳолва тортинг ёр-ёр
Муҳаббатни улуғлаб дўтор чертинг ёр-ёр.²¹*

Шофиркон тумани кишлокларида киз тўйига келтирилган ҳолвани даврага олишнинг ўзига хос одатлари бўлган²².

Қандолат тайёрлашнинг ҳам ўзига хос усулидан фойдаланишган. Бунинг учун шакардан пиширилган киём чўмич ёрдамида оз-озгина махсус товага (тож. тоби қандалот) томизилган, това ичида қандолат учун нўхат ёки бодом, pista, урик мағзлари тайёрлаб қўйилган, мағзлар киёмга қушилиши учун това у ён - бу ёнга ташлаб олинган. Худди шу жараёнда ун-урвок ҳам сепилган, кейин эса оқ матога ўраб қўйилган. Мағз таркибидаги ёғ қандолатни юмшоқ сақлаган. 5 кг шакардан тайёрланган киёмга 1 кг микдорда мағз сарфланган.

Қандолатнинг оқ ранги, ширин таъми, мағзлилиги унинг сифатини, тўйимчилигини оширгани сабабли доимо у тўй дастурхони кўркига айланган. Шу сабабли воҳа марказида аёллар ҳам, эркеклар ҳам

²¹ Дала ёзувлари, июнь 1999 йил. Қорақул ва Олот туманлари.

²² Қаранг: Қурбонова М. Супрадаги хикмат. // Саодат, Т., 1993, 2-3 сон. -Б.27.

сов иликка қандолатсиз бормаганлар. Чунки қандолатнинг оппоқ ранги баҳи-саодат рамзи ҳисобланади.

Воҳа аҳолисининг кундалик истеъмолидаги ширинликлардан бири парвардалардир¹²³. Улар қадимий парварда ёки дориворли парварда, “себча парварда” (шакли олмага ўхшашлиги учун) акколи (икки томони учли шаклида) парварда ва хоказо турлари бўлган. Қадимий парвардалар таркибига, албатта, долчин, заъфар ва гармдори қўшилган. У худди ярим ой, ёъни ҳилол шаклида ясалган. Ҳолвалазлар сарканд ва қаллақандларни эритиб, парварда пиширганлар. Воҳада турли мевалардан қиём, шинни, шарбатлар ҳам тайёрланган.

XIX аср муаллифи Қори Раҳматуллоҳ Возехнинг қайд этишича, воҳада мураббонинг 33 хили тайёрланган¹²⁴. Албатта, мураббонар ранг-баранглиги воҳада етиштирилган сифатли ҳосилдор меваларга боғлиқ эди. О.А. Сухареванинг қайд этишича, Бухорода гул сайлида махсус гул хилидан мураббо пиширилган ва меҳмон дастурхонига қўйилган.¹²⁵

Айрим мевалар фақат мураббогина эмас, шинни, мусаллас ва ҳатто қуритиб майиз сифатида ҳам ишлатилган. Масалан, биргина узумни Бухороликлар уч хил усулда истеъмоладиганликларини Н.Ханников ёзиб қолдирган.¹²⁶ Хусусан, XIX аср охири XX аср бошларида Ёшдувон, Шофиркон, Қорақўл туманларида шиннипазлик кенг тарқалган. Бу даврда Шофиркон тумани Пирмаст қишлоғида тайёрланган шинни бугун воҳада “Шинди Пермаст”¹²⁷ номи билан машҳур бўлган. Узум шарбати махсус “испор” деб номланган мослама ёрдамида олинган. Испор ёки испорхоналарда шиннипазлик билан шуғулланганлар. Испорхона девори баландлиги 1,5 метр, кенглиги 5 болорли уй ҳажмида бўлиб, усти очик қолдирилган ва мослама ичкаридан ташқарига қараб шарбат оқадиган новалар қурилган. Новалардан оққан узум шарбаглари тиндирилиб, қозиларга солиб қайнатилган. Пермаст шиннисини кўпинча оқ узумдан тайёрлаиб, эчки терисидан тикилган мешларга солиб сақланган. Ушбу суюқ шинни турли ҳолваларга ишлатилган. Қуюқ шинни эса асалдай истеъмоладиган. Шинни пишган мевалардан тайёрланган¹²⁸. Шунинг учун ҳам воҳада узумнинг айни пишган даври - октябр ойидан бошлаб шиннипазлик билан шуғулланилган.

Воҳада таомни ҳазм қилувчи қиём ҳам тайёрланган, бу қиём гўрадан пиширилган очордир¹²⁹. Очор иштаҳани очгани учун доимо ёғли таомлар

¹²³ Парварда ҳақида қаранг: Айний С. Қудрийет, чилди 12 Душанбе. 1976, сах. 512.

¹²⁴ Қаранг: Незматзода Т. “Қони латъат ва хони неъмат” и Возех. Сталинобод. 1959. Сах. 55.

¹²⁵ Сухарев О.А. Празднество цветов у равнинных таджиков (концы XIX — начало XX в.). // Древние образы верования и культы народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. М. 1986. - С.39.

¹²⁶ Ханников Н. Описание Бухарского ханства 1816-1843. - С.123-124.

¹²⁷ Дила ёзувлари. Май 1991 йил Бухоро вилояти Шофиркон тумани.

¹²⁸ Қўчқоров У., Оғуринов К. Шотут ва балхи тут. Т. 1989. - Б.75.

¹²⁹ Мирзиев М. Ўзбек тилининг Бухоро гуруҳи исмлари. Т. 1969. - Б.108.

билан истеъмол килинган. Бунинг учун узум тўла пишиб етилиб улгурмасдан йиғиб олиниб, қўл билан суви сиқиб олинган ва бу узум сувига шакар қўшиб қайнатилган. Қиём ҳолатига тушганидан кейин сопол қўлачаларга солиб сақланган. Қиём қуюқлиги худди асалга ўхшаш, факат мизаси нордон бўлган.

Воҳада узумдан шинни, очоргина эмас, мусаллас ҳам тайёрланган. Мусаллас майнинг бир тури бўлиб, узум сирли хумларда бостирилиб, 15 кун қуёш иссиғида сақланган. Шундан кейин тайёр бўлган маҳсулот сим шакл ёки докадан ўтказилиб, истеъмолга тайёрланган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро воҳаси ўзбек ва тожиклар истеъмолидаги ичимликлар кундалик ҳамда тўй-маърака дастурхонларига тортиладиган ичимликлардан, шунингдек, булок ва аалиё кадамжолари яқинида қазилган қудуқларнинг сувларидан иборат бўлган.

Кундалик истеъмолдаги ичимликларга қўқ чой, қора чой, ширчай, айрон, чолоб, гўлингоб (ўрик шарбати), гулоб кирган. Аҳоли ёзда, хусусан, қўқ чой, кишда эса қора чой истеъмол қилган. Қўқ чойнинг зирачай, гўра чой, баргчай сингари хиллари ичилган. Ширчай аҳолининг эрталабки ногуштадаги таоми ҳисобланган. Ёзнинг иссиғида нафақат, чанқокни қондирувчи, балки жавзо ва саратон қуёши салбий таъсирини қайтарувчи ичимлик айронни истеъмол қилиш халқ орасида одатга айланган. Юқорида қайд этилган ичимликлар фақат Бухоро ўзбек ва тожиклари орасидагина эмас, балки Ўрта Осиёнинг бошқа халқларининг кенг истеъмолида бўлган.¹

Воҳада турли ўрик навларидан қуритилган “гўлин ёки туршакдан” тайёрланган ўрик шарбати “гўлингоб”² ичимлиги ҳам ўзбек ва тожиклар истеъмолида кенг ўрин олган. Қиш давомида киши танасида йиғилган губорларни ҳайдаш учун гўлингоб истеъмол қилинган. Шу билан баҳор кириши билан дээрли ҳамма хонадонларда бир ой давомида гўлингоб ичилган. Бу ичимликни тайёрлаш учун туршак – яъни қуритилган ўрик (тож.гўлин) – совуқ сувда чайлиб, қайнатилган сувга кун давомида ивитиб қўйилган, Наврўз дастурхони гўлингобига “хафт салом”³ ҳам ивитилган.

Воҳада гулдан тайёрланган гулоб ширинлик, ичимлик ва овқатларга солинган. Бу ичимликни тайёрлаш учун маҳсус қозон (деги гулобқоши)дан фойдаланилган. Бунинг учун гул баргак қилиб, 8 кг гулга бир пакир сув сарфланиб, ичимлик тайёрланган. Воҳа аҳолиси ушбу ичимликнинг кўзни равшан қилиши ва юракни даволовчи хусусиятидан ҳаёрдор бўлишган. Шу сабабли қуйидаги байт халқ орасида кенг тарқалган⁴:

*“Рўйи ту гулу лаби ту қанд ҳаст,
Гул қанд давоий дили дардман ҳаст.”*

¹ Шишов А.Таджики.Т.1910. -С.122-123.

² Гўлингоб ҳақида қаринг: Мирзасев М. Ўзбек тилининг Бухоро гурппа шевалари. Т.1969. -Б.115.

³ Заъфар ва шакар қайнатмасидан тайёрланган суюқлик билан нафис қозоғга ёзилган Қуръон сураларидан олинган оятлар.

⁴ Дала ёзувлари. Март, 1991 йил. Бухоро шаҳри

Таржимаси:

"Сенинг чехранг гул, лабларинг қандаглатдур,

Гул қанд эрса дили хастага даводур".

Гулоб – қандоб, қанд чой, нишолда, ҳафт салом ивитилган **Наваотли** шарбатга (тож.қанди гулоб)¹, баъзан суюқ овқатларга² ҳам солинган. Бу муаттар, хушбӯй ичимликни меъёрида фойдаланиш халқ тажрибасида синалган. Гулоб иссиқлик бўлиб, уни истеъмол қилиш билан пешоб мўътадиллашган. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, гулоб кўпроқ шаҳарда аслзодалар хонадони истеъмолида бўлиб, кишлоқ аҳли ундан даярли фойдаланмаган.

Халқ дастурхонида қандчай³ ва қанд об деб аталган ичимликлар ҳам бўлган. Қандчай қиз тўйининг "падароши", "Қийим қийди", "Маълуд" маросимлари дастурхонига тортилган. Қандобнинг бир хили сув, иккинчиси эса судан тайёрланган. Қандоб келин-куёв чимиддиги дастурхонига, Биби Сешанба супрасига, Наврӯз дастурхонига ҳам тортилган. Қандчай ҳар бир меҳмонга алоҳида пиёлаларда сузилган. Қандоб эса жуфт сонда (иккита ёки тўртта) шоҳкосалар (қатта коса)га солиниб, қиз тўйида аввал келин-куёвга ичирилган, бошқа маросимларда эса тўрда ўтирган меҳмонлардан бошлаб бир ҳўпландан таътиб кўрилган.

Бундан ташқари, воҳада Рамазон ойида ўтказиладиган "ифтор" маросими дастурхонида ҳам бир коса сув қўйилган, бу сув (тож. оби ифтор) билан оғиз очилган. Мусулмон дунёсида ифтор сувига малойиқалар нур ёғдирар экан. Шунинг учун унинг бир томчисини ҳам оёқ ости қилиш уюл, деб қабул қилинган⁴.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро воҳасида умргузаронлик қилган ўзбек ва тожиклар дастурхонидаги ширинлик ва ичимликлар ранг-баранглиги, уларнинг ҳар бири ўз ўрнида, меъёрида, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, йил фаслларига қараб истеъмол қилинганлиги халқ моддий ва маънавий маданиятининг юксак ривожидан дарак беради.

¹ Нававотнинг ҳосияти ва зарарини даф этиш ҳақида қаранг: Мухаммад ат-Табибни-Харавий. Мизож ҳақида рисола. Т., 1991. -Б.30.

² Бухоро эронийларида гулобни суюқ овқатларга қўшиб истеъмол қилиш одати бўлган.

³ Қандчай таркибининг тайёрланиши ҳақида маълумотлар "Маросим твомлари" қисмида берилган.

⁴ Дала ёзувалари. Август, 1993 йил. Бухоро шаҳри.

СОДЕРЖАНИЕ

Введение.....	3
Д.К.Мирзаахмедов. Столичные центры западного согда - Бухара, Пайкент, Варахша на трассах великого шёлкового пути.....	5
Р.В. Альмеев. Мавзолей Чашма-и Аййуб.....	16
Р.В. Альмеев. Духовные ценности семи пиров Бухары.....	26
Р.В. Альмеев. Медресе Амира Алим-хана в Бухаре.....	40
Р.В. Альмеев. Арабографические надписи и другие сведения медресе Амира Алим-хана в Бухаре.....	51
Р.В. Альмеев. К изучению топонима Шербудун.....	56
К.Ж. Жумаев. Творчество мастера-ножовщика Икромжона Гуламова и научная опись его работ.....	51
Х.Тўраев. Бухоролик тарихчининг нодир коллекцияси.....	70
К.Ж. Жумаев. Ситоран Мохи Хосса.....	73
Ж.К. Мирзаахмедов. Кампир девор - кадимги Бухоронинг кудратли мудофаа воҳа истехкоми.....	79
А.Х.Болтаев. С.Н. Юренев Бухоро воҳасининг таджикотчиси.....	104
О.А. Кличев. Туркистон археология хаваркорлар тўғарагининг Бухоро амирлигидаги фаолияти ҳақидаги мактублар.....	112
Ф.У.Темиров. С.Айнийнинг "Таърихи амирони мангитияи Бухоро" асарини муҳим тарихий манба.....	117
О.И.Ражабов, Ф.У. Темиров. С.Айний таджикотида бухоролик адиблар.....	125
Ш.Ё Қудратов. XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги маҳаллий тадбиркорлик фаолияти тарихидан.....	130
М.Б.Қурбонова. Воҳа моддий маданиятида ширинлик ва ичимликлар ўрни.....	133

ДРЕВНЕЕ НАСЛЕДИЕ БУХАРЫ
(Сборник научных и научно-познавательных статей)

MUHARRIR:	<i>G'.Murodov</i>
TEXNIK MUHARRIR:	<i>G.Samiyeva</i>
MUSAHHIH:	<i>A. Qalandarov</i>
SAHIFALOVCHI:	<i>M.Ortiqova</i>

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original – maketdan bosishga ruxsat etildi: 22.09.2016. Bichimi 60x84. Kegli 15 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset qog'ozi. Bosma tabog'i 8,7. Adadi 100. Buyurtma №6.

Buxoro Matbuot va axborot boshqarmasi
"Durdona" nashriyoti: Buxoro shahri, M.Iqbol ko'chasi, 11-uy
Bahosi kelishilgan narxda.

"Sadriddin Salim Buxoriy" MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahri, M.Iqbol ko'chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45

ISBN 978-9943-4710-7-8



9 789943 471078